

**МАЪРУФЖОН ЙЎЛДОШЕВ**

**Бадиий матн ва унинг  
лингвопоэтик таҳлили асослари**

**ТОШКЕНТ-2007**

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур ўқув қўлланмада матн ва унинг типлари, бадиий матн ва унинг қисмларини боғловчи воситалар, бадиий нутқ услуби ва унинг кўринишлари, бадиий матннинг фонетик-фонологик, лексик-грамматик хусусиятлари ҳамда бадиий матнни тадқиқ этиш тамойиллари ҳакида сўз юритилади. Бадиий асарлардан олинган мисоллар асосида талабаларга бадиий асарни лингвопоэтик жиҳатдан қандай таҳлил қилиш кераклигини ўргатади.

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг филология факультети талабаларига мўлжалланган.

|              |  |
|--------------|--|
| Тақризчилар: | <b>Х.Шамсиддинов</b><br>филология фанлари доктори<br>Ўзбекистон Миллий<br>университети профессори<br><b>М.Ҳакимова</b><br>филология фанлари номзоди<br>Низомий номидаги ТДПУ<br>Ўзбек тилшунослиги<br>кафедраси ўқитувчisi |
|--------------|--|

Ушбу ўқув қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган.

## **1.Бадиий асар тилини ўрганиш муаммолари**

Адабиётнинг сўз санъати эканлиги ҳақидаги ҳақиқат жуда қадим замонлардан бери тақорланиб келинади. Демакки, адабиётнинг бош унсури сўз, умуман, тилдир. Адабий асарнинг санъат даражасига қўтарила олиши унинг лисоний таркиби ва асар муаллифининг бадиий ифода балоғатига боғлиқ эканлиги шубҳасиз. Шундай экан, ҳар қандай адабий асарнинг моҳиятини холис баҳоламоқ учун, энг аввало, унинг лисоний таркибининг ўзига хослиги таҳлил этилмоғи лозим.

Аввало таъкидлаш керакки, бадиий асар тилини ўрганишда кенг тарқалган икки асосий йўналишни кузатиш мумкин. Бу икки йўналишни Х. Дониёров ва С. Мирзаевлар «Сўз санъати» деб номланган китобларида қўйидагича таърифлаганлар: «Тилдаги ўсиш-ўзгаришларни ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўядиган аспект – лингвистик аспект, ёзувчининг умумхалқ тилига бўлган муносабати, тил бойликларидан фойдаланиши, ёзувчи маҳорати, стили ҳақида хулоса чиқарувчи аспект – стилистик аспект».<sup>1</sup>

Тилнинг муайян тарихий даврдаги ҳолати, айни ҳолатга хос бўлган хусусиятлар, лексик, фонетик ва грамматик ўзгачаликлар, тилнинг ҳозирги ҳолати билан умумий ва фарқли жиҳатларини илмий тадқиқ этиш мақсадида ўша даврга оид адабий-бадиий асарларнинг тили ўрганилиши мумкин. Бунда бадиий асарлар, ёзма ёдгорликлар тили айни мақсаддаги тадқиқот учун фақат материал бўлиб хизмат қиласи. Тил тарихини тасвирлаш ва тадқиқ этишда бу йўл энг қадимги ва мустаҳкам лингвистик анъана сифатида яшаб келмоқда. Ўзбек тишлинослигига бу йўналишда жуда кўп тадқиқотлар яратилган. Ана шундай бир қатор ишлар орасида таниқли тишлинос олимлар А.Рустамов, Ф.Абдураҳмонов, Ф.Абдуллаев, Х.Дониёров, Б.Бафоев, Ф.Исҳоқов, Б.Турдиалиев, Т.Жумаев<sup>2</sup> ва бошқаларнинг кўплаб ишларини кўрсатиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати.-Т:Ўзбекистон, 1962.

<sup>2</sup> Абдураҳмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари.-Т: Фан, 1984., Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. -Т., 1972., Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Т: Фан, 1983., Исҳоқов Ф. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари. -Т: Фан, 1976., Турдиалиев Б. Ҳамза ва ўзбек адабий тили. -Т: Фан, 1981., Жумаев Т. Умар Боқий асарларининг лисоний хусусиятлари. НДА., -Т., 1997.

Бадий асар тилини «стилистик аспект»да ўрганишнинг асосий мақсади эса бундан фарқ қиласди, албатта. Бу ўринда масала тилнинг турли вазифаларга эгалигига бориб тақалади. Ўз илмий ижодининг асосий қисмини бадий асар тилини ўрганишга бағишилаган Г.О.Винокур тилшуносликда анча эскидан тилнинг коммуникатив ва экспрессив вазифалари фарқлана бошлаганини таъкидлар экан, фикрининг далили сифатида олмон тилшуноси фон дер Габеленцнинг 1891 йилда нашр этилган китобидаги қуидаги қарашини келтиради: «Тил фикрининг бўлакларга бўлинган ҳолдаги ифодаси, фикр эса тушунчаларнинг боғланишидир. Лекин инсон тили фақат боғланаётган тушунчалар ва уларнинг мантиқий муносабатларинигина эмас, балки сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ҳам ифодалашни истайди; мен фақат ниманидир айтишнигина эмас, балки ўзимни ҳам ифодалашни хоҳлайман ва шу тарзда мантиқий омилга уни ҳар жиҳатдан тўйинтирган ҳолда психологик омил қўшилади».<sup>3</sup> Тилшуносликка оид замонавий адабиётларда тилнинг, асосан, тўрт-беш вазифаси қайд этилади. Масалан, В.А.Аворин тилнинг коммуникатив (алоқа қуроли, воситаси), экспрессив (фикrlарни ифодалаш), конструктив (фикrlарни шакллантириш), аккумулятив (ижтимоий тажриба ва билимларни тўплаш, сақлаш) вазифаларини фарқлаш лозимлигини таъкидлайди.<sup>4</sup>

Бадий асар тили тадқиқига бағишиланган ишларда тилнинг айни «экспрессив вазифаси» атамаси билан бир қаторда «тилнинг поэтик вазифаси», «тилнинг бадий вазифаси», «тилнинг эстетик вазифаси» каби атамалар ҳам қўлланади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, «тилнинг эстетик вазифаси» атамаси филологик адабиётларда нисбатан кўп ишлатилади. Бундай бўлиши ҳам табиий, чунки эстетик вазифа тушунчаси экспрессивлик, бадийлик, поэтиклик каби бир қатор тушунчаларни ҳам ўз ичига олган ҳолда уларни умумлаштира олади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур тушунчаларга қараганда эстетик вазифа тушунчасининг қамрови анчайин кенг.

---

<sup>3</sup> Винокур Г.О. О языке художественной литературы. -М., 1991., с-35.

<sup>4</sup> Аворин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка.-Л.,1975,с-44

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дунё тилшунослиги тарихида айрим олимлар тилнинг эстетик вазифасини керагидан ортиқ абсолютлаштириб талқин этган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, итальян файласуфи ва сиёсат арбоби Бенедетто Кроче 1902 йилда нашр эттирган, 1920 йилда рус тилида босилиб чиқсан «Эстетика как наука о выражении и как общая лингвистика» номли китобида тилшуносликни эстетика билан айнан тенглаштирган. Б. Кроче ғояларини давом эттирган немис филологи Карл Фосслер эса сўз ва гапнинг эстетик бўёғи бетакрорлигига ва айни шу бўёқнинг тилда етакчи вазифани бажаришига ишонган. Албатта, тил вазифалари орасида эстетик вазифани асосий, етакчи вазифа деб қараш, яъни тилни тамомила эстетик моҳият сифатида талқин этиш тўғри эмас. Аммо бу олимларни ана шундай мутлақ фикрга олиб келган нарса тилдаги эстетик вазифа ҳам ўзини ҳар қадамда, айниқса, бадиий матнда намоён этиб туриши билан боғлиқ эканлиги тайин.

Прага лингвистик тўгараги аъзолари томонидан тилни вазифаларига кўра фарқлаш концепцияси ишлаб чиқилган. «Прага лингвистик тўгараги тезислари»да биринчи марта тил вазифалари билан уларнинг реаллашиш шакллари ўртасидаги алоқа ҳақидаги қоидалар аниқ таърифлаб берилган. «Тезислар» муаллифлари мана бундай деб ёзганлар: «Тилни ўрганиш ҳар бир хусусий ҳолатда тилнинг вазифалари ва бу вазифаларнинг реаллашиш шаклларининг хилма-хиллигини қатъий тарзда ҳисобга олишни тақозо этади. Акс ҳолда ҳар қандай тилнинг, хоҳ синхрон, хоҳ диахрон бўлсин, тавсифи муқаррар равишда янглиш ва маълум дараражада сохта бўлиб қолаверади». Бу фикр шу жойда яна қуйидагича давом эттирилган: «Нутқий фаолият ижтимоий роль бажарап экан, у ғайрилисоний борлик билан алоқасига кўра фарқланади. Бунда нутқий фаолият ё алоқа-аралашув вазифасига эга бўлади, яъни ифодаланмишга йўналтирилган бўлади, ёки поэтик вазифага эга бўлади, яъни белгининг ўзига йўналтирилган бўлади».<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup> Пражский лингвистический кружок. – М., 1967., с-24.

Табиийки, тил ўзининг ҳар бир вазифасини ўзига хос шаклларда ифода этади, шунинг учун ҳам, «Тезислар» муаллифлари таъкидлаганларидек, тил тавсифида ана шу реаллашиш, ифодаланиш шаклларини ҳисобга олиш шарт. Аммо тилнинг у ёки бу вазифаси бир-биридан мутлақо ажратилган, тамомила мустақил ҳолда реаллашади дейиш унчалик ҳам тўғри бўлмайди. Зотан, коммуникатив (алоқа-аралашув) вазифа тилнинг вазифалари орасида энг марказий, етакчи вазифа эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Албатта, ҳар қандай бадиий асарда тилнинг коммуникатив вазифаси ҳам реаллашади, аммо эстетик вазифа биринчи планда туради, етакчилик қиласи. Шунинг учун ҳам лингвистик адабиётларда бу ҳолатга мана бу тарзда алоҳида урғу берилади: «Бадиий матн ҳар қандай нобадиий матндан фарқли ўлароқ алоҳида вазифани – коммуникатив вазифа билан мураккаб ўзаро алоқадорликда намоён бўлувчи ва матннинг ўзига хос қурилишида ҳал қилувчи омил ҳисобланувчи эстетик вазифани бажаради».<sup>6</sup> Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, тилнинг бу ўзига хос эстетик вазифаси намоён бўладиган соҳа фақат бадиий асар матнидир, ундан бошқа бирон бир нутқ кўринишида тил ўзининг бу вазифасини реаллаштира олмайди деб қараш ҳам асосли эмас. Бу маънода тишлинос Д. Н. Шмелевнинг мана бу фикрлари диққатга сазовор: «Тилнинг бу вазифаси (эстетик вазифаси) фақат бадиий асардагина намоён бўлмайди. Бизнинг диққатимиз жумланинг шаклига, фикр қай тарзда ифодаланганлигига қаратилган ҳар онда биз айнан шу вазифанинг ҳаракати доирасига кирамиз».<sup>7</sup>

Олимнинг алоҳида таъкидлашича, сўзловчи ўз нутқининг ташқи шаклига эътибор бера бошлиши, лисоний ифода имкониятларини баҳолашга ўтиши билан тилнинг эстетик вазифаси ўзининг бошланғич кўринишида намоён бўлади, яъни сўзловчи нимани ифодалашнигина эмас, балки айни шу

<sup>6</sup> Гореликова М.И., Магомедова Д.М. Лингвистический анализ художественного текста.-М: Русский язык, 1989, с-5.

<sup>7</sup> Шмелев Д.Н. Русский язык в его функциональных разновидностях.-М: Наука, 1977, с-35.

«нимә»ни қандай ифодалашни ҳам мұхим деб ҳисоблашидан бошлабоқ тилнинг бу вазифаси ишга тушади. Жонли сўзлашув, кундалик мулокот жараёнидаги кўпдан-кўп ўткир ҳазиллар, латифанамо кулгилар, чукур маъноли сўз ўйинлари, кимларгадир тақлид қилишлар ва ҳоказо ҳолатларда ҳам тил белгиси, унинг бадиий-ифода имкониятларига ўз-ўзидан диққат қилинадики, бунда тилнинг эстетик вазифаси яққол намоён бўлади.


Бу муносабат билан Д. Н. Шмелев қуйидагиларни ёзади: «Тилнинг эстетик вазифаси, албатта, сўзлашув нутқида ҳам доимий равишда намоён бўлади. Лекин барибир бу вазифани сўзлашув нутқида етакчи деб бўлмайди, бадиий матнларда эса тил ҳамиша айни шу алоҳида вазифаси билан иштирок этади (бу вазифа, албатта, тилга, унинг барча кўринишларига ҳамиша хос бўлган коммуникатив вазифасини чекламайди, балки уни ўзига хос бир шаклда трансформация қиласди)».

Демак, тилнинг эстетик вазифаси бутун ўзига хослиги ва мураккаблиги билан, албатта, коммуникатив вазифани ҳам трансформация қилган, бадиият манфаатларига тўласича хизмат қилдирган ҳолда бевосита бадиий нутқда намоён бўлади. Умумхалқ тилидаги барча бирликлар бадиий тилда у ёки бу даражада эстетик қиммат касб этади.

Бадиий асар тилини ўрганишдаги иккинчи, яъни «стилистика» йўналиш тилнинг худди шу эстетик вазифасини тадқиқ этишга қаратилган. Айтиш лозимки, тилнинг эстетик вазифасининг асосий намоён бўлиш ўрни бадиий асар матни экан, бу вазифанинг ўзига хос хусусиятларини фақат тилшунослик ёки фақат адабиётшунослик доирасида ўрганиш қийин. Бунинг учун адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, поэтика каби адабиётшунослик йўналишлари ва лингвистик стилистика, тил тарихи, лексикология, семасиология, этимология, грамматика каби тилшунослик йўналишлари бир-бiri билан ҳамкорликда иш кўриши лозим. Тилнинг эстетик вазифаси масаласи бу икки йирик фан оралиғидаги мураккаб муаммодир. Ҳатто асримиз бошида бир қатор тилшунос ва адабиётшунослар бу муаммони илмий асосда ўрганадиган алоҳида фан тури шаклланиши лозимлиги ҳақидаги қарашни

илгари сурганлар. Масалан, Б. А. Ларин 20-йилларнинг бошларида мана бундай деб ёзган эди: «Эртадир - кечdir, менимча, жуда тез орада тил эстетикаси алоҳида фан сифатида тан олинади».<sup>8</sup>

Бадий асар тилини тилнинг айнан эстетик вазифасининг намоён бўлиши тарзида ўрганувчи соҳани «лингвистик поэтика» - «лингвопоэтика» деб номлаш филология илмида анча турғунлашган ҳамда «лингвистик поэтика»нинг филологик илмлар тизимида алоҳида мустақил фан сифатидаги ўрнини аниқлаштиришга бағишлиланган кўплаб тадқиқотлар яратилган. Ана шу маънода бадий асар тилини «стилистик аспект»да ўрганишни «бадий асар тилини лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш» тарзида номлаш ва талқин этиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда лингвопоэтика бўйича жиддий изланишлар олиб борган В.П.Григорьев тавсия қилган бир чизмани ҳавола қилишни лозим топдик. Бунда **Я** – тилшунослик (языкознание), **Л** – адабиётшунослик (литературоведение), **ЯК** – лисоний танқид (языковая критика), **ЛК** – адабий танқид (литературная критика), **ЛП** – лингвистик поэтика, **СВ** – шеършунослик (стиховедение).<sup>9</sup>



Чизмадан англашиладиган маъно шуки, лингвопоэтика ҳам адабиётшунослик ҳам тилшунослик фанлари эришган назарий ютуқлардан фойдаланган ҳолда бадий матн устида тадқиқотлар олиб боради. Бизнингча, лингвопоэтик таҳлил кенг қамровли жараён. Унда нафақат адабиётшунослик ва тилшуносликнинг, балки социология, психология, эстетика,

<sup>8</sup> Ларин Б.А. Эстетика слова и языка писателя.-Л:Художественная литература, 1974, с-28.

<sup>9</sup> Қаранг: Ёқубекова М.Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. –Т: «Фан» 2005, 21-б.

фалсафа каби фанлар эришган илмий-назарий ютуқлардан фойдаланиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида бадиий асар тили лингвопоэтик нуқтаи назардан тадқиқ этилган ишлар жуда қўп. Масалан, бир қатор ишларда Алишер Навоийнинг насрый ва назмий асарларининг тили бадиий маҳорат жиҳатидан ўрганилган, улуғ мутафаккирнинг бадиий услубига хос лисоний воситаларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат килинган. Академик Ш.Шоабдурахмоновнинг бир қатор ишларида ўзбек халқ достонлари, шунингдек, адиллар бадиий асарларининг тили чуқур таҳлил этилган, лексик-семантик, грамматик бирликларнинг конкрет асардаги бадиий-эстетик қиммати очиб берилган. Бадиий тил масаласини айни лингвопоэтик мақсадлар билан ёритиш борасида Х.Дониёров, С.Мирзаев, Х.Самадов, И.Қўчқортоев, Х.Абдурахмонов, М.Миртожиев, Н. Маҳмудов ва бошқалар алоҳида дикқатга сазовор бир қанча ишларни яратганлар.

Ўзбек тилшунослигида кейинги ўн йилликларда муайян бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, ёзувчининг у ёки бу тил сатҳи бирликларини қўллашдаги ўзига хосликларини муфассал кўрсатишга бағишлиланган жуда кўплаб тадқиқотлар юзага келганлиги қувонарлидир. Айтиш лозимки, бадиий тилни ўрганишда кўпроқ лексик бирликларнинг лингвопоэтикасига эътибор қилинганлиги кўзга ташланади. Масалан, тилшунос Л.Абдуллаева ўзининг монографиясида<sup>10</sup> ўзбек бадиий адабиёти тилининг лексик стилистикаси муаммолари ҳақида фикр юритган. Э.Қиличев эса «Бадиий тасвирнинг лексик воситалари» (1982) деб номланган китобида бадиий тасвирда иштирок этадиган лексик воситалар, уларнинг ифода имкониятлари билан боғлиқ масалалар устида тўхталган. Б.Умурқуловнинг «Поэтик нутқ лексикаси» (1990) номли монографиясида ҳозирги ўзбек шеърияти тилининг лексик манбалари, поэтик лексика, анъанавий поэтизмлар, сўз варианtlари ва уларнинг эстетик қиммати каби масалалар тадқиқ этилган. Кўриниб турганидай, ўзбек тилшунослигида

---

<sup>10</sup> Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы.- Т:Фан, 1979.

бадиий асар тилининг лингвопоэтикаси бўйича анча-мунча иш қилинган. Аммо бу йўналишдаги тадқиқотлар доираси нечоғлик катта бўлишига қарамасдан, улар адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутадиган жиддий асарларнинг барчасини қамраб олган деб бўлмайди. Бунинг устига, мазкур тадқиқотларнинг илмий савиясини ҳам бир хил деб айтиш қийин.

Ушбу қўлланмада ёзувчининг лисоний бирликлардан фойдаланиш маҳоратининг бадиий матнда акс этиш даражасини аниқлаш, бадиий матн ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва шу асосда талабаларнинг умумфилологик савиясини ошириш каби вазифаларни бажариш мақсад қилинди. Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилиши назарда тутилди:

- матн тушунчаси, матн типлари ва таркибий бутунлиги;
- бадиий матн тавсифи, бадиий матннинг бошқа матнлардан фарқи, бадиий нутқ услуби, бадиий матннинг композицион бутунлиги, бутунликни таъминловчи лисоний воситалар;
- бадиий матнни таҳлил қилиш методологияси, лингвопоэтик таҳлил тамойиллари ва усуллари, таҳлил типлари;
- бадиий матнни тил сатҳлари бўйича таҳлил, бадиий матнда фонологик ва лексик-фразеологик бирликлар эстетикаси, тасвирий воситаларнинг бадиий матндаги вазифаси ҳамда грамматик бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятлари.

Эстетик ҳодиса сифатида бадиий асар тилини ўрганиш асносида муаллифнинг индивидуал услубий маҳорати ҳамда унинг бадиий асар ёзишда тил тизими имкониятларидан қай даражада фойдалана олганлигини аниқлашга ҳам эътибор қаратиш назарда тутилган.

### **Матн**

«Матн» атамаси илмий адабиётларда турлича талқин қилинади. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида<sup>11</sup> матн сўзининг

---

<sup>11</sup>Ўзбек тилининг изоҳли лугати. –М: Русский язык, 1981, 452-б.

арабчадан ўзлашганлиги, эскирган китобий сўз эканлиги ва айнан текст сўзи англатган маънога тенглигига ишора қилинади. Изоҳли луғатнинг 156-бетида текст сўзига қуидагича таъриф берилади: [р<sub>лат</sub>] 1.Ёзилган, кўчирилган ёки босилган ижодий, илмий асар, нутқ, ҳужжат ва шу кабилар ёки уларнинг бир парчаси; матн. Мақоланинг тексти. 2.Музика асарига, масалан бирор куйга, опера, романс ва шу кабиларга асос бўлган шеър, сўз. 3.Полиграфияда йирик шрифтлардан бирининг номи. Бу таърифда матннинг асосий хусусиятлари тўғри кўрсатилган. Факат ахборот-коммуникация воситаларининг тараққий этиши натижасида матн (текст) сўзи англатадиган маъно янада ортганлигини кўришимиз мумкин. Компьютерда терилган матн формати Word, RTF матн, оддий матн, форматланган матн, гиперматн кабилар ҳам истеъмолда фаоллашди.

Бугунги кун тилшунослигига матн тилнинг алоҳида йирик бирлиги (суперсинтактик бутунлик) ва матн тилшунослиги деб аталаётган соҳанинг асосий обьекти сифатида талқин қилинади. Матнни тадқиқ этишда уни сўз бирикмаси ва гапдан фарқлаш лозимлиги, матннинг ҳам ўз категорияси ва қонуниятлари борлиги айтилади. Тилшунос М.Х.Ҳакимов илмий матн тадқиқига бағишланган диссертацион ишида бу ҳақда шундай ёзади: Матн сўзининг луғавий маъносига бирикиш, боғланиш тушунчаларининг борлиги, шунинг учун матн таркиби ўзаро қайсиdir боғловчилар ёрдамида бирикишини ўрганиш «Матн тилшунослиги» соҳасининг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолди. Матн бирликларининг ўзаро боғланишини ифода этувчи такрор ва унинг бир неча кўриниши, олмош туркумiga оид баъзи сўзлар, гапнинг сўроқ шаклига хос бўлган кўринишининг матн ҳосил қилишдаги вазифалари матн тилшунослигига алоҳида ўрин тутади.<sup>12</sup> Мазкур ишда муаллиф «матн» атамасини «нутқ», «контекст» каби бошқа лингвистик атамалардан фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Нутқ оғзаки ва ёзма шаклларда намоён бўлади. Нутқнинг ёзма шакли матн атамаси

<sup>12</sup> Ҳакимов М. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. Н.Д. -Т.,1993,7-б.

ифодалайдиган мазмунга мувофиқ келади. «Нутқ субъектдан адресатга йўналтирилувчи нутқий фаолият ҳисобланади. Матн эса фақат объектив информациидан иборат бўлмай, балки ўзига прагматик мазмунни ҳам қамраб олган нутқнинг материал кўринишидир».<sup>13</sup> Тилшунос олим М.Аррив «Дискурс, ифода (recit) ва булар орасидаги алоқани майдонга келтирадиган бутунликка матн дейилади»<sup>14</sup> дейди. Илмий адабиётларда контекст атамаси нутқий вазият маҳсули деб кўрсатилади. «Контекст – бу бир лексик ёки грамматик бирлик асосида ифодаланган маъно ёки тушунчани ойдинлаштириш учун келтирилган, тузилган минимал нутқ бирлиги. Қоида бўйича бу – сўз бирикмаси, баъзан гап, камдан-кам абзац ёки яхлит матнга teng келади».<sup>15</sup> Масалан, туёқ сўзи ҳайвонга алоқадор аъзо ҳисобланади: Лойи кўпириб ётган йўлда от тақалари, мол туёқларидан ҳосил бўлган чуқурчаларни лиммо-лим тўлдирган сариқ зардоллар жимирилаб, ёни-веридан сирқиб ётарди (П.Турсун). Мазкур сўз инсонга нисбатан қўлланилганда салбий оттенка биринчи планга чиқади: Обрўйинг борида туёғингни шиқиллатиб қол. Контекст сўзларнинг семантик маъноси реаллашадиган ўзига хос майдон, нутқий вазият ҳисобланади. Бу ўринда С.Д.Кацнельсоннинг куйидаги фикрини келтириб ўтиш ўринли: «Борлиқнинг мавжуд далиллари луғатларда берилганидек алоҳида сўзларда эмас, балки нутқий алоқаларда, тугал хабарларда, матнларда, уларнинг минимал бўлаги бўлган гапларда акс этади... Сўзлар ва улар маъноларининг онг ва борлиқقا муносабати гап орқали боғланган, гапдан ташқарида улар фақат потенциал бирлиқdir, холос. Уларни механизмнинг деталлариiga қиёслаш мумкин, уларнинг вазифаси фақатгина бутун бир механизм билан алоқада тушунилади».<sup>16</sup>

<sup>13</sup> Матвеева Т.В. Функциональные стили в аспекте текстовых категорий.–Сверд. 1990, с-5.

<sup>14</sup> Қаранг: *Serif Aktaş Edebiyatta üslup ve problemleri.* –Ankara, «Akçağ», 1993,46.s

<sup>15</sup> Зильберман Л.И. Лингвистика текста и обучение чтению английской научной литературы. –М., 1988, с-29

<sup>16</sup> Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. ДД.–Т.,1999, 187-б.

Тилшунос Э.Қиличев «Матннинг лингвистик таҳлили» деб номланган китобида «Матн – ҳамма элементлари ўзаро зич алоқада бўлган ва автор нуқтаи назаридан маълум бир мақсадга йўналтирилган номинатив – эстетик ахборотни ифодаловчи мураккаб тузилма» деган таърифни келтиради. И.Р.Гальперин матннинг маълумот бериш, бўлинувчанлик, когезия (алоқалар системаси), континиум (вақт ва макон изчиллиги), қисмлар автосемантияси, ретроспекция ва проспекция, модаллик, яхлитлик ва тугалланганлик каби саккиз категорияси мавжудлиги ҳақида маълумот беради. Умуман матн, дейилганда нутқий жараён маҳсули бўлган, тугалланган, ёзма шаклда мавжуд бўлган, адабий шаклланган, суперфразали бирликлардан тузилган, лексик, грамматик, логик, стилистик алоқалар билан боғланган, аниқ мақсадли ва прагматик қурилмали нутқий асарни тушунмоқ керак. Тилшунос И.Расуловнинг фикрича, гапдан катта бирлик мураккаб синтактик бутунлик бўлиб, у фикран ва синтактик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган гаплар бирлашмасидан иборат. Унда фикр гапга нисбатан анча тўлиқ бўлади. Ҳозирги даврда матн турлари ва уларга хос бўлган белги-хусусиятларни аниқлаш давом этмоқда. Биз матннинг ўзига хос белгилари сифатида ахборот бериш, мустақил гаплар ёки мураккаб синтактик бутунликдан ташкил топиши, таркибий қисмлар орасида мазмуний ва синтактик алоқаларнинг мавжудлиги, макон ва замон изчиллиги, яхлитлиги ва тугалланганлиги, бир умумий мавзуга эгалиги кабиларни тушунамиз. Матн ана шундай белгиларни ўзида мужассамлаштирган мураккаб коммуникатив - синтактик бутунликдир.<sup>17</sup> Ю. М. Лотман «матн ифодалилик (маълум бир фикр ифодаланган бўлиши), чегараланганилик (мазмун ва ифодадаги меъёрийликнинг бўлиши) ва структурал бутунлик белгиларига эга бўлиши лозим»<sup>18</sup> лигини таъкидлайди. Айниқса, бадиий матн учун мазкур белгилар фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

<sup>17</sup> Ҳакимова М.К. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. НД., -Фарғона, 2004, 103-б.

<sup>18</sup> Лотман Ю.М. Структура художественного текста. -Москва, 1970, с-67.

Матн услубий моҳиятига кўра илмий матн (тезис, мақола, маъруза, аннотация, тақризлар), бадиий матн (насрий ва назмий асарлар), расмий матн (маълумотнома, қарор, буйруқ, тавсифнома, тавсияномалар), оммабоп матн (мақола, сұхбат, табрик ва хитоб нутқи матнлари) каби тармоқларга бўлинади. Биз ушбу қўлланмада фақатгина бадиий матн ҳақида фикр юритамиз.

### **◊Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Матн сўзига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қандай таъриф берилган?
2. И.Р.Гальперин тавсия этган матннинг саккиз категорияси ҳақида маълумот беринг.
3. Нутқнинг ёзма ва оғзаки шакллари ҳақида маълумот беринг.
4. Контекст деб нимага айтилади?
5. Матн деб нимага айтилади?

### **Матн типлари**

Матн ҳажм ва мазмун белгисига кўра иккига бўлинади:  
 1.Ҳажм белгисига кўра матн типлари. 2.Ифода мақсади ва мазмун белгисига кўра матн типлари.

#### **1.Ҳажм белгисига кўра матн типлари.**

Матн гапдан кўра йирик ҳажмли алоқа воситаси, нутқий фаолият маҳсули, муайян қонуниятлар асосида шаклланган ёзма нутқ кўринишидир. Матнни ҳажм белгисига кўра иккига ажратамиз: **Минимал матн** (микроматн) ва **максимал матн** (макроматн). Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим адабиётларда матн ҳажм жиҳатидан учга ажратилган: кичик, ўрта ва катта ҳажмли матнлар. «Телеграмма, маълумотнома, ариза, ишонч хати, тушунтириш хати ҳамда вақтли матбуотда чиқадиган эълон ва кичик хабарлар кичик ҳажмдаги матнлар саналади. Ўрта ҳажмдаги матнларга ҳикоя, қисса, шеър, достон, поэмалар киради. Катта ҳажмдаги матнларга повесть, роман, драмматик асарлар, трилогиялар киради.»<sup>19</sup> Лекин бу тарздаги бўлиниш айрим чалкашликларни юзага чиқаради. Шундай достонлар борки, ҳажм жиҳатидан романдан катта. Нафакат ҳажм жиҳатидан балки, ички мазмун, характерлар тасвири, руҳият талқини жиҳатидан ҳам унча-мунча романдан қолишмайдиган достонлар бор. Масалан, «Алпомиши», «Гўрўғли» каби гўзал достонларимиз шакл ва мазмун жиҳатидан йирик ҳажмли асар ҳисобланади. Ёки кичик ҳажмли шеърларни ҳам ўрта матн ҳисоблаймизми? Умуман бу тарздаги тасниф жиддий асосга эга эмас. Шунинг учун матнни тишлиносликда кенг тарқалган иккига ажратиб текшириш тамойили асосида ўрганишни ҳам мантиқан ҳам амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Бадиий услубда **минимал матн** дейилганда бирор мавзуни ёритишга бағишланган қатралар, халқ донишмандлигини ифодалайдиган мақол, матал ва афоризмлар, миниатюралар, ҳажвий асарлар, номалар, шеър ва шеърий парчалар, умуман, кичик мавзуни қамраб оловчи бир неча гаплардан иборат бутунлик тушунилади. Матннинг ички томонини мазмун яхлитлиги, ташқи томонини эса турли шаклдаги боғламалар, синтактик воситалар бирлаштириб туради. Масалан:

---

<sup>19</sup> Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. «Бухоро университети», 2000, 6-7-б.

Талантсиз ёзувчи товуқقا ўхшайди. Ёнғоқдек тухум туғади-да, қақоғлаб оламни бузади!(Ў.Хошимов)<sup>20</sup>

Ёки: **Севги нима?** Инсоният пайдо бўптики, шу савол устида бош қотиради. Аммо жавоб тополмайди. Агар инсон севгининг барча сир-асрорларини билганида эди, унинг модели – қолипини яратган бўларди. Севги ҳеч қандай қолипга сифмагани учун ҳам сирли ва абадийдир (Ў.Хошимов).

Микроматн деб аташ мумкин бўлган иккита парчани келтирдик. Таркибланиш жиҳатидан биринчиси иккита гапдан тузилган. Мазмунни бирлаштиришга хизмат қиласиган сарлавҳа берилмаган. Бу вазифа товуқ ва у билан боғлиқ сўзларга юклатилган (товуқ-тухум-қақоғламоқ). Истеъдодсиз ёзувчи биринчи гапда товуқقا ўхшатилмоқда. Иккинчи гап эса бу ўхшатишни тўлароқ изоҳлаш ёки сабабини кўрсатиш учун келтирилган. Яъни, истеъдодсиз ёзувчи товуқقا ўхшатилди, аммо товуқнинг қайси сифат ва хусусиятига? Муаллиф муносабати иккинчи гапда тугал ифодасини топган. Матн бутунлигини таъминлашда товуқ-тухум-қақоғламоқ сўзлари **мазмуний ўқ** вазифасини бажармоқда. Кейинги кичик ҳажмли матнни оладиган бўлсак, ушбу матннинг ички мазмуни савол шаклидаги сарлавҳа орқали ошкор қилинган. Матн 4 та гапдан ташкил топган. Бутунликни таъминлаётган воситалар сирасига изчил ва тугал оҳанг, аммо боғловчиси, агар боғловчиси ва матннинг **мазмуний ўқини** ташкил қилувчи севги сўзи киради. Демак, масала савол шаклида қўйиляпти ва унга матн орқали жавоб бериляпти. Яъни, Севги нима? Севги - сирли ва абадий тушунча.

Ўткир Хошимовнинг Дафтар ҳошиясидаги битиклар туркумига киритилган **Садоқат** деб номланувчи лавҳада бошқачароқ ҳолатни кўришимиз мумкин.

Қадим замонда бир юрт бор экан. Халқи меҳнаткаш, подшоси одил, ҳаёти тинч, турмуши фаровон экан. Бошқа бир мамлакатнинг шоҳи ғайрлиги келиб, ўша юртни босиб олмоқчи бўпти. Бироқ дафъатан ҳужум қилишга журъят этолмай, ўша юртга ўз хуфиясини юборибди. «Қандай қилиб бўлмасин,

<sup>20</sup> Ўткир Хошимовдан келтирилган мисоллар адабнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» деб номланган китобидан олинди. –Т., «Шарқ», 2005.

подшонинг ишончига кирасан, юртнинг сир-асорорини билиб келасан» дебди.

Хуфия ўша юртга борибди. Вақти келиб, чиндан ҳам подшонинг ишончига кирибди, мулозимларидан бирига айланибди. Сўнг, ўз мамлакатига қайтиб бориб, шохига «Бу юртни олиб бўлмайди!» дебди. «Нима, қалъаси мустаҳкамми?»-деб сўрабди шоҳ. «Гап қалъада эмас», -дебди хуфия. «Бўлмаса гап нимада ўзи?»-дебди шоҳ дарғазаб бўлиб. Шунда хуфия ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб берибди:

-Бир куни ўша подшо шикорга чиқди. Ёнида қирқ нафар йигити ҳам бор эди. Мен ҳам уларга қўшилдим. Подшо учқур бир кийик ортидан от қўйди. Ҳаммамиз унга эргашдик. Кийик чўққига қараб югурди. Подшо ҳам унинг ортидан от суриб кетаверади. Бир маҳал кийик чўққи тепасига етганда тубсиз дара устидан сакради-да, нариги чўққига ўтиб кўздан ғойиб бўлди. Подшо ноилож жилов тортиб, ортидан тушди. Терлаб кетган эди. Ёнидан рўмолча чиқариб, пешонасини артмоқчи бўлган эди, ногаҳон шамол келиб, рўмолчани дарага учирив кетди. Шунда қирқ йигитнинг ҳаммаси ўзини тубсиз жарликка отди. Қанчаси парча-парча бўлиб кетди. Қанчаси майиб-мажруҳ бўлди. Омон қолган бир йигит рўмолчани олиб чиқиб, подшога топширди.

У юртда бунақа йигитлар кўп. Бунақа юртни енгиб бўлмайди...

Мазкур матн садоқат ҳақида, Ватанга, юртга вафодорлик ҳақида. Биз матннинг нима ҳақда эканлигини дастлаб сарлавҳадан билиб оламиз. Бу сўз матн ичида бошқа қайтарилмайди, лекин сарлавҳа сифатида келган шу сўз матннинг ҳам **мотивацион яхлитлигини ҳам композицион бутунлигини таъминлашга хизмат қиляпти**. Шунга кўра ёзувчи мазмуний ўқни ном даражасига кўтариш орқали мақсадига тўла эришган дейишимиз мумкин. Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳамма номлар ҳам бундай вазифани бажаравермайди.

Мутахассислар баъзан биттагина гап ҳам микроматн тушунчасига teng келиши мумкин деган фикрни илгари суришган. Масалан: Баҳор... Бу жумлада «табиатнинг жонланиши», «ҳаммаёқнинг кўм-кўк тусга кириши», «атроф-

муҳитнинг гўзал тусга бурканиши» каби яширин мазмун мавжуддир.<sup>21</sup> Лекин бу типдаги кўринишларни том маънода матн деб аташ мумкин эмас. Чунки матн структурал жиҳатдан гапдан йирик синтактик бутунлик. Демак, гаплардан ташкил топади. Яширин мазмун сифатида ҳавола қилинаётган маънолар сўзнинг маъно структураси билан боғлиқ. Мазкур гап ўзидан кейин келадиган изохловчи ёки кенгайтирувчи гаплар билан бир бутунлик ҳосил қилгандагина матн дейиш тўғри бўлади. Агар яширин мазмунга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, исталган сўзни матн дейишимиз мумкин бўлади. Масалан, она деган сўзни оладиган бўлсак, бу сўзнинг ҳам моддийлашмаган яширин маънолари мавжуд ва улар мазкур сўзни талафуз қилишимиз биланоқ, кўз олдимизда у ёки бу тарзда намоён бўлади.


**Максимал матн** дейилганда кенг кўламдаги воқеаларни ёритиш эҳтиёжи билан юзага келган бутунлик назарда тутилади. Бадиий услубда ҳикоя, қисса, роман, эпопея каби йирик ҳажмли асарлар максимал матн ҳисобланади. Максимал матн микроматнлардан ташкил топади. Энг кичик бутунлик абзацга, энг катта бутунлик эса боб(қисм ёки фасл)ларга тўғри келади. Бундай матн таркибида эпиграф, сўзбоши (муқаддима), сўнгсўз (эпилог) каби ёрдамчи қисмлар ҳам иштирок этиши мумкин. Улар асар мазмуни ва ғоясига, шунингдек, мавзунинг танланиши ва ёритилишига оид айрим масалаларга қўшимча изоҳ, шарҳ бўлиб келади. Максимал матн ташқи жиҳатдан турлича шаклланган бўлади. Масалан, Ф.М.Достоевскийнинг жаҳон адабиётининг мумтоз намунасига айланган «Жиноят ва жазо» романини олайлик. Роман 6 қисм ва эпилогдан ташкил топган. Ҳар бир қисм 5-7 бўлимни ўз ичига олган. Қисм ва бўлимларга алоҳида ном берилмаган. Романнинг умумий ҳажми 21 босма табоқ. Ёки, Пиримқул Қодировнинг «Ҳумоюн ва Акбар» тарихий романини кўздан кечирадиган бўлсак, мазкур асар икки мустақил қисмга ажратилади. Ҳар икки қисм алоҳида номланади (Ҳумоюн. Акбар). Қисмлар 9-10 тадан бўлимларга бўлинади ва ҳар бир бўлим воқеа бўлиб ўтаётган

---

<sup>21</sup> Ҳакимов М.Х. Ўша асар. 24-б.

жой ҳамда гап ким ёки нима ҳақида кетаётганлигига қараб номлаб борилади (Масалан: 1.Агра. Ҳамида бону аросатда... 2.Ганга. Күргилик. в.х.). Романнинг умумий ҳажми 30 босма табоқ.

Макроматнинг ташкилланишини қуидаги схема асосида янада яққолроқ қўришимиз мумкин:




Макроматнинг энг кичик бирлиги абзацдир. Абзац бир мазмуний бутунлик бўлиб «матннинг бир хат бошидан кейинги хат бошигача бўлган қисми» ҳисобланади. Абзац **қисқа хабар** (абзацда айтилмоқчи бўлган мавзу ҳақидаги дастлабки, қисқача хабар), **олдинги хабар билан кейинги хабарни боғловчи воситалар** (боғловчи воситалар абзацни ўзидан олдинги абзацга боғлайди, шунингдек, абзац ичидаги хабар жумлаларини бир-бирига боғлайди), **хабарнинг тўлдирилиши** (дастлабки хабар тўлдирилади, изоҳланади, шарҳланади) ва **хулоса** (хабар якунланади, натижа айтилади) қисмларни ўз ичига оладиган бутунликдир. «Матн лингвистикаси» қўлланмасида абзацни ташкил этган гаплар ўзаро синсемантик (синтактик ва лексик-семантик) ҳамда, автосемантик (грамматик алоқаларсиз, фақат семантик) алоқа усулида бирикиши айтилади. Шунингдек, абзацларнинг структурасига кўра қуидаги кўринишлари мавжудлиги санаб ўтилади: 1) Содда гапдан иборат бўлган абзацлар; 2) Қўшма гапдан иборат бўладиган абзацлар; 3) Периодик нутқ формасидан иборат бўлган абзацлар; 4) Суперфразали синтактик бутунликдан иборат бўлган абзацлар; 5) Кўчирма-ўзга гапли абзацлар.<sup>22</sup>


<sup>22</sup> Мамажонов А. Текст лингвистикаси. –Т: ТДПИ., 1989, 39-40-6.

Бунга аралаш типдаги нутқ формаларидан ташкил топган абзацларни ҳам киритиш мумкин. Абзацдаги «хабар» тема-рематик муносабатдаги гапларда ифодаланади. Тема (юончa *thema* – асос бўлган нарса) деб гапнинг актуал бўлинишида сўзловчи ва тингловчи (ўқувчи) учун маълум (таниш) бўлган нарсани ифодаловчи, янги нарсани ифодалашга ўтиш учун асос хизматини бажарувчи қисмга айтилади. Рема (*rHEME-commentaire* – маълумот, шарҳ) эса темадан кейин келиб сўзловчи тингловчига (ўқувчига) билдиromoқчи, айтмоқчи бўлган янги хабар мазмунини ифодаловчи қисм, гапнинг янги маълумот (ахборот) қисми.<sup>23</sup> Одатда гапнинг эга состави тема, кесим состави эса рема вазифасида келади: Аҳмад //дарсга келмади. Сотовлди // нима қилишини, қаёққа боришини билмай, ҳайрон турарди. У // Сотовлдининг дадаси Тўлаган эди.


Лекин ҳар доим ҳам эга состави тема бўлавермайди. Буни қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин: *Дўстим менга китоб совга қилди*. Бу гапда тема тўлдирувчи вазифасидаги сўз билан ифодаланганди. Рема эса эга ва кесим составидан иборат гап билан ифодаланганди. Юқорида тема - рематик муносабатдаги гапларнинг кетма-кет келиши натижасида абзац юзага келишини таъкидлагандик. Фақат бу кетма-кетлик қай тарзда намоён бўлади, деган табиий савол туғилади. Буни қуйидаги гаплар мисолида кўриб чиқамиз. *Дўстим менга китоб совга қилди*.(1). *Китоб самимий ва беғубор муҳаббат ҳақида* эди.(2). *Муҳаббат ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган туйгу*.(3). Биринчи гапда қўшнимга сўзи тема қолганлари рема эканлигини кўриб чиқдик. Иккинчи гапда биринчи гапнинг ремаси янгилик хусусиятини йўқотиб, тема мақомига ўтади. Учинчи гапда ҳам шу жараён рўй беради. Бундай боғланиш тарзини **изчил тема-рематик боғланиш** деб атаемиз. Буни қуйидаги чизма орқали янада аниқроқ тасаввур қилишимиз мумкин:



<sup>23</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т., ЎМЭ, 2002.




Баъзан тема ўзгармас бўлади. Дастребки тема билан алоқадор янги хабарлар, маълумотлар кейинги гапларда бериб борилади. Масалан: Аҳмад дарсга келмади(1). Шанбаликда ҳам қатнашмади(2). Байрам тантанасида ҳам театрда ҳам кўринмади(3). Бундай боғланишни **ўзгармас темали боғланиш** деб атаемиз. Чизмада қуидагича ифодалаш мумкин:



Баъзан дастлабки гапдаги темани кейинги гаплардаги темалар ўзига алоқадор ремалар билан бирга тўлдириб келади. Бунда дастлабки тема гипертемага айланади.<sup>24</sup> Масалан: Бу хотин бутун кеча бўйи жуда тинч ва хотиржам ухлаганга ўхшайди. Бир оёғи тиздан қуийиси букилиб, сўричадан пастга осилибди, бир оёғи унисини қувлаб бориб сўричанинг қирғозида ухлаб қолибди. Узун кўйлаги бутун баданини кам-кўстсиз ётиб туради. Факат бир енги тирсаккача шимарилиб қолган. Оппок қўллари ва билаклари ўз ёнида – ўз онасининг тўқлисидай – бир чиройлик ухлайди (Чўлпон).

Бундай боғланишни **гипертемали боғланиш** деб атаемиз.

Чизмада қуидагича ифодаланади:



<sup>24</sup> Бу ҳақда қаранг: Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши. НДА., -Фарғона, 2004, 12-б., Москалъская О.И. Грамматика текста.-М: «Высшая школа», 1981. с-136.

## Тема<sub>3</sub>+Рема<sub>3</sub>

### **2.Ифода мақсади ва мазмунига кўра матн типлари.**

Мулоқот пайтида, гапираётганда ёки ёзаётганда ҳар доим янгидан матн яратмаймиз. Эҳтиёжимизга кўра турли матн типларидан фойдаланамиз. Баъзан бошимиздан ўтган ёки ўзимиз гувоҳ бўлган воқеаларни кимгадир айтиб берамиз. Тингловчига нотаниш бўлган бирор киши ёки жойни батафсил тасвирлаб беришга ҳаракат қиласиз. Баъзан фикримизни турли далиллар ёрдамида исботлашга, изоҳлашга эҳтиёж сезамиз. Ёхуд кимгадир панд-насиҳат қиласиз. Уни турли ҳаётий воқеалар воситасида тарбиялаш ёки айтилганлардан хулоса чиқаришини истаймиз. Мулоқот мақсадимиз баъзан қандайдир информациини тингловчига етказишга қаратилган бўлади. Шу билан бирга бирор ишни қандай бажариш кераклиги ҳақида тавсиялар берамиз ёки бирор ишни қилмаслик ҳақида буйруқ берамиз. Мақсадимизга эришиш учун турли кўрсатма, таъкиқ ва хитоб жумлаларидан фойдаланамиз. Инсонлар ўртасидаги мулоқот мақсади ва мазмuni шулар билангина чегараланиб қолмайди. Инсон ҳиссиётларини, туйғуларини, ҳаяжонларини, азоб ва қайғуларини ифодалаш, шу орқали тингловчи ёки китобхонни таъсирлантиришни истайди. Ана шундай ҳолларда баъзан муболага баъзан ўхшатиш – қиёслаш каби тасвирий воситалардан фойдаланамиз.

Шундан келиб чиқиб матнни, хусусан, бадиий матнни қуидаги типларга бўлиб чиқиш мумкин: 1.Ҳикоя мазмунли матн. 2.Тасвирий матн. 3.Изоҳ мазмунли матн. 4.Дидактик матн. 5.Хабар мазмунли матн. 6.Буйруқ мазмунли матн. 7.Ҳиссий ифода мазмунли матн.<sup>25</sup>

**1.Ҳикоя мазмунли матнлар** (Le texte narratif - нарратив матн). Бундай матнда муаллиф ёки асар қаҳрамони ўзи бошидан ўтказган, эшитган, ўқиган ёки гувоҳ бўлган бирор воқеани ҳикоя қилиб беради. Хотиралар, эсдаликлар, эртак ва ривоятларни нарратив матн типига киритиш мумкин. Ҳикоя тарзи асосан ўтган замон шаклида, биринчи шахс бирлик ёки

---

<sup>25</sup> Матн типлари ҳақида қаранг: Filizok R. Metin tipleri. <http://www.ege.edebiyat.org>.

кўплиқда ифодаланади. Ҳикоя қилинаётган воқеа – ҳодиса кичик ёки кенг қамровли бўлиши мумкин. Секин - аста кўтарилиб борувчи изчил ва яхлитловчи оҳанг кузатилади. Бирёқлама ифода услубидан фойдаланилади. Яъни, матн шаклланишида асосан, ҳикоя қилувчи (ровий) етакчи фактор ҳисобланади. Монологик нутқ кўриниши бундай матнлар учун жуда мос ва қулай бўлади. Ўрни билан диологик нутқ кўринишларига мурожаат қилинганлигини кузатишмиз мумкин. Шунда ҳам ҳикоя матнининг мотивацион бутунлиги ровийга боғлиқ бўлади. Бу тип матнларда тасвирий, изоҳ, хабар, ҳиссий ифода мазмунли матнлар бирданига иштирок этиши мумкин.

**«Дуогўй».** Сайд Аҳмад ака бошчилигига бир гуруҳ адиллар олис тоғ қишлоғига етиб бордик. Мехмонга чақиришди. Уй тўла одам. Давра бошида тўрвадек соқоли кўксига тушган қария ўтирибди. Ҳамма унга таъзим бажо қиласди. Даврага ким келиб қўшилмасин чол узундан-узоқ дуо ўқийди. «Сен ҳам менинг ёшимга етиб юргин, бачам», деб фотиҳа тортади.

Бир хил дуо такрорланавергач, Сайд Аҳмад ака сўради:

-Неча ёшга чиқдингиз, тақсир?

-Менба?-деди чол салмоқлаб. –Иккам жетмишга бордим.

-Вой бў-ў-ў!-деди Сайд Аҳмад ака бош чайқаб. –Агар сенинг дуоинг мустажоб бўлса, мен саккиз йил аввал ўлиб кетишим керак экан-да, укам? Мен етмиш олтига чиқдим! Турақол энди, жой алмашамиз! (Ў.Хошимов)

\*\*\*

**Йўли топилди.** Эркин Воҳидов университетни энди битирган пайтидаёқ таникли шоир эди. Ўзингиз биласиз, олий ўқув юртини битирган одам олдида уйланиш муаммоси кўндаланг бўлади. Шу масала юзасидан Эркин ака Сайд Аҳмад акага маслаҳат солибди.

-Оқсақол,-дебди. -Хабарингиз бор, бир-иккита китобим чиқди. Уч минг сўмча пулим ҳам бор (У пайтда уч минг катта пул эди). Лекин қайси бирига етказишни билмаяпман. Машина олайми, уй солайми, хотин олайми? Машина олсам, уй

сололмайман, уй солсам, уйланолмайман, уйлансан, машинага пул қолмайди... Нима қилай?

Сайд Аҳмад ака пешанасини Рашид абзининг гармонидай тириштириб, чукур ва узоқ ўйга толибди. Охири чехраси ёришиб бундай дебди:

-Болам, мен хўп ўйладим. Ҳисоблаб қўрсам уч минг сўм пулинг ҳаммасига етаркан. Маслаҳат шуки, сен автобус сотиб олгин! Автобус дегани машина бўлади. Рулинни қаёққа бурсанг кетаверади. Бу - биринчидан. Автобуснинг ичи кенг-мўл бўлади. Кўч-кўронингни олиб кирсанг тайёр уй бўлади. Бу – иккинчидан. Учинчидан, ростки автобус бўлгандан кейин ичидаги кондуктори ҳам бўлади. Ўша кондукторни хотин қилиб олиб қўя қоласан!..(Ў.Хошимов)

\*\*\*

Бундай зотларнинг ҳар бир учрашуви байрам бўлиб кетади, улар ўртасидаги дўстлик афсонага айланиб кетади. Таникли ўзбек адиби Носир Фозилов қачонлардир Собит Муқонов тўғрисидаги хотираларини «Меҳрибонлик» номи билан атаганди. Ўша хотираларда қизиқ бир воқеа эслатиб ўтилади.

Тошкентдан Собит Муқоновнинг уйига меҳмон бўлиб келган қадрдон дўсти Ойбекни машинага ўтқазиб, кўм-кўк ўтлок, боғ-роғ қоплаган Олатов этакларига олиб кетади. Табиат гўзаллигидан баҳраманд бўладилар. Сип-силлиқ қизил қоялар ёнидан ўтаётиб, машинага тормоз беради. Харсанг тошлардан бирини айланиб томоша қиласди. Табиатнинг ўзи оби-тобида сайқал берган тошдан кўзларини узолмасдан бош чайқади-да: «Гўзал! Мўъжиза!» дейди. Собит эса сир бой бермасдан Ойбекнинг ёнига яқинлашади унга синчиков разм солиб:

-Хўш, ёқиб қолдими?-деб сўрайди.

-Бўлмасам-чи!-деб тўлқинланиб жавоб беради.

-Ундей бўлса, буни мен сенга совға қиласман. Факат ўз номимдан эмас, бутун қозоқ халқи номидан совға қиласман. Анъянамиз бўйича аргумоққа эга бўлдим деявер.

Шундай қилиб, Медео чегарасида ётган харсанг тош меҳмонга ёқиб қолади: Собит уни совға қиласди, Ойбек қабул қилиб олади. Тез орада Ойбек Тошкентга қайтиб кетади. Собит

эса кейин ўша харсанг ёнига битта тоштарошни ёллаб боради. Харсанг тошга ҳеч ўчмайдиган сўзлар ўйиб ёзилади:

«Бу силлиқ тошни мен Мусо Ойбекка совға қилдим. Собит Муқонули. 1962 й. 3. VI».

Ўша куни Собит ўз ҳаётида бафоят масъулиятли вазифани адо этган кишидек кайфияти кўтаринки ҳолатда қувноқ қўшиқ айтиб уйига қайтади.

-Мен ўз ҳаётимда жуда кўп саҳий одатларни кўрганман. Лекин тоғда ётган чақиртошни совға қиладиган Собитга ўхшаш одамни асло учратмаганман,-деб тез-тез эслаб юради Ойбек.<sup>26</sup>

Берилган матнларда уч хил ҳолатни кузатиш мумкин. Биринчи матнда ёзувчи ўзи гувоҳ бўлган воқеани ҳикоя қиляпти, иккинчи матнда муаллиф эшитган воқеасини сўзлаяпти. Учинчи матнда эса муаллиф ўқиб таъсирланган воқеасини айтиб беряпти. Шунга кўра ифода тарзи ўзгариб борган. Ҳикоя мазмунли матн бошқаларига қараганда мураккаб таркибланганд бўлади.

**2. Тасвирий матнлар** (Le texte descriptif - дескриптив матн). Бундай матн тингловчига номаълум бўлган бирор киши, жой, ҳайвонот ва наботот оламига мансуб мавжудот ёки қандайдир нарса-буюм ҳамда воқеа-ходисани батафсил тасвирлаб бериш мақсадида тузилган бўлади. Тасвирий матнда ҳам монологик нутқ кўриниши етакчилик қиласди. Партонимик тасвир бундай матннинг энг характерли хусусияти ҳисобланади. Яъни, тасвирланаётган обьектнинг дастлаб, бирламчи хусусияти тилга олинади. Кейин унга алоқадор хусусиятлар ва қисмлардан сўз юритилади. Масалан:

**Якан** деган ўсимлик бўлади. Нима учундир санъаткорлар, аниқроғи отарчилар пулни «якан» дейишади. Аслида эса якан – қамишзорда ўсувчи ўсимлик. Яканни ўриб олиб, қуритиб узум осадилар ёки сават қалпоқ тўқийдилар. Маълумки, қамиш узун, якан эса, аксинча, пастак ўсимлик. Шундай бўлибдики, бир куни якан қамишга қараб:

-Ў, биродар, ҳадеб ғўддаяверма, салгина эгил. Оллоҳнинг қуёши нуридан биз ҳам баҳраманд бўлайлик,-дебди.

---

<sup>26</sup> Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. –Т: «Шарқ», 1998, 103-б.

Қамиш унга қарагиси ҳам келмабди, жавоб ҳам бермай бурнини жийириб күя қолибди. Вақти-соати келиб аввал қамишни, сўнг яканни ўрибдилар. Тасодифни қарангки, ўша қамишдан ясалган бўйрани бир уйга тўшабдилар. Тасодифни қарангки, шу уй тўсинларига узумларни осибдилар, якандан тўқилган сават қалпоқларни эса девордаги қозиқларга илибдилар. Орадан кунлар ўтаверибди. Қамиш пастда, оёқ остида, якан эса тепада экан. Оёқости бўлавериб хорланган қамиш ахийри яканга қараб зорланибди:

-Мени ўриб олиб қуритдилар, тепкилаб қовурғаларимни синдиридилар, сўнг сувга бўктиридилар. Сўнг қайириб-букиб мана шу бўйра ҳолига келтирдилар. Энди эса тинимсиз, ҳар куни тепкилайдилар. Бу ҳам етмагандай сал қайириб, оstimга носларини тупурадилар.

Бу зорланишни эшитиб якан дебдиким:

-Сиз бекорга ғўддайдингиз. Ғўддайиб ўсавердингиз. Ичингиз ғовак эканини унутдингиз. Ғовак бўлганингиз учун ҳам тепкилашдан бўлак нарсага ярамадингиз. Ҳали ҳам кеч эмас, сиз ўсан ерда илдизингиз қолган. Сиз ўсажак қамишларга етказинг. Сизнинг ҳолингизга тушмасинлар.

Қамишни баъзан томга ҳам тўшайдилар. Лекин барибир унинг баشاрасига лой чапланади...<sup>27</sup>

Келтирилган матнда якан деб номланадиган бир ўсимлик тасвиrlenади. Буни **тасвир обьекти** деймиз. Унинг ўсимлик эканлиги ҳақидаги ахборот **бирламчи хусусият** ҳисобланади. Унинг қандай ўсимлик эканлиги ҳақидаги ахборот **алоқадор хусусият** ҳисобланади. Бу матнда алоқадор хусусият деб аталувчи қисм бошқа бир ўсимлик билан боғлиқ тасвир фонида янада равшан ифодаланган.

Ёки Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романини бир сарой тасвиридан бошлайди:

Дарбозаси шарқи-жанубийга қаратиб қурилған бу донғдор саройни Тошканд, Самарқанд ва Бухоро савдогарлари эгаллаганлар, саройдаги бир-икки ҳужрани истисно қилиш билан бошқалари мусофиirlар ила тўла. Сарой аҳли кундузги

<sup>27</sup> Тоҳир Малик. Мөҳмон туйғулар. –Т: «Шарқ», 2002, 19-б.

иш кучларидан бўшаб ҳужраларига қайтқанлар, қўб ҳужралар кечлик ош пишириш ила машғул, шунинг учун кундузгиға қарағанда сарой жонлиқ: кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хохолаб кулишишлари саройни кўкка кўтаргудек.

Саройнинг тўрида бошқаларға қарағанда кўркамрак бир ҳужра, анови ҳужраларга кийгиз тўшалгани ҳолда бу ҳужрада қип-қизил гилам, утталарда бўз кўрпалар кўрилган бўлса, мунда ипак ва адрес кўрпалар, наригиларда қора чароғ сасиганда, бу ҳужрада шамъ ёнадир, ўзга ҳужраларда енгил табиатлик, серчақчақ кишилар бўлғанида бу ҳужранинг эгаси бошқача яратилишда.

Оғир табиатлик, улуғ гавдалиқ, кўркам ва оқ юзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндиғина мурти сабз урган бир йигит.<sup>28</sup>

Бу парчада **тасвир объекти** - сарой, бугунги тил билан айтадиган бўлсак, меҳмонхона. Унинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро савдогарлари орасида машҳурлиги ҳақидаги ахборот **бирламчи хусусият** бўлса, ҳужра ва жиҳозлар ҳақидаги ахборот **алоқадор хусусият** ҳисобланади. Бу матнда ҳам обьектнинг алоқадор хусусияти у ердаги инсонлар тасвири фонида янада аниқ ва тушунарли қилиб тасвирланяпти. Буни ўз навбатида **иккиламчи хусусият** у билан боғлиқ тасвири эса **иккиламчи алоқадор хусусият** деб атасак бўлади. Якан ҳақидаги матнда қамиш иккиламчи хусусият, у билан боғлиқ тасвир **иккиламчи алоқадор хусусият** ҳисобланади. Мазкур матн ўша хусусиятлар тасвирига асосланиб шакллантирилган. Матнда бундай алоқадорлик битта ёки бир неча бўлиши мумкин. Битта ва иккиталик турини таҳлил қилиш қулай. Агар иккитадан ортиқ бўлса таҳлил мураккаблашиб кетади. Бундай пайтда энг характерлиси ва матннинг ташкилланишида етакчилик қиласиганини оламиз. Буни қуйидагича формулалаштиришимиз мумкин:

- 1.  $m=(bx-ax)$ ;**
- 2.  $m=n \cdot (bx-ax)$**

---

<sup>28</sup> Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар», -Т: «Шарқ», 2000, 11-б.

Бунда т-матн сўзининг белгиси, «**bx**»-бирламчи хусусият, «**ax**»-алоқадор хусусият, агар матн икки ва ундан ортиқ алоқадорликлардан тузилган бўлса «**n**» белгиси ўрнига уларнинг миқдорини кўрсатамиз.

**3.Изоҳ мазмунли матнлар** (Le texte argumentatif – аргументли матн). Бундай матнда айтилаётган фикрнинг ишонарлилигини таъкидлаш учун турли далил ва изоҳлар келтирилади. Асослаш, исботлаш, ўзини оқлашга уриниш ёки ҳимоя мақсадида ҳар хил важларни келтириш аргументли матн типининг ўзига хос жиҳатларидан ҳисобланади. Фикр билан келтирилган далил ўртасида **мантиқий боғлиқликнинг** (connecteurs logiques) бўлиши муҳим саналади. Бундай матнда чунки, зеро, лекин, аслида, шунинг учун, тўғрисини (очиғини, ростини) айтганда, эшитишимга қараганда, билишимча, тахминимча каби бирликлар (le lexique appréciatif) қўлланилганлигини кўрамиз. Китобхонни ёки тингловчини ишонтириш асосий мақсад бўлганлиги учун шунга мос риторик услуг танланади. Бадиий тасвир воситаларидан фойдаланилади. Гаплар ўзаро зич боғланган ва таъкид оҳанги сезилиб турадиган матн типи ҳисобланади.

**4.Дидактик матнлар** (Le texte explicatif – экспликатив матн). Кимгадир панд-насиҳат қилиш, уни турли ҳаётий воқеалар воситасида тарбиялаш ёки айтилганлардан хулоса чиқаришга ўргатиш истаги асосида тузилган матн экспликатив ёки дидактик матн дейилади. Мақсадга эришиш учун мақол, матал, афоризм, турли ҳаётий воқеалар, ривоятлар, масаллардан намуна сифатида фойдаланилади. Уларнинг матн ичига сингдирилиш тарзи турлича бўлади. Муаллиф бундай дидактик бирликларни матнга тўғридан тўғри олиб киради ва унинг қайси жанрга тааллуқли эканлигини айтиб ўтади. Дидактемалар матн ташқарисида аввалдан тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Муаллиф ёки қаҳрамон нутқида қуйидаги ифода шакллари ишлатилади: шундай мақол бор, машойихлар демишларки, улуғлар(эскилар)да шундай гап бор, дерларким, шундай ривоят (ўгит, воқеа, масал) эшитганман ва ҳоказо.

**Худҳуднинг Товусга жавоби.** Худҳуд унга жавоб бериш учун нафасини ростлаб, шундай деди:

- Эй жаҳолат аҳли каби ҳар нарсани ҳавас қилувчи! Сен шундай ҳолатларни баён этдингки, бу иш фақат девоналар ва ёш болалар қўлидангина кела олади, холос. Одам деган ташқи гўзаллик ҳақида сўз айтмайди. Кимки ундан фахр этар экан, уни одам қаторига қўшиб бўлмайди! Ноз ва ҳусн фақат дилбар қизларгагина ярашади. Эр киши эса дард ва мashaққат чекиши билан яхшидир. Барча шакл аҳли учун энг шарафли иш ана шудирки, у шаклдан маъно томон олиб боради. Сен ўз шаклингга бино қўйдинг, бунинг учун кишилар томонидан масхара этилишга лойиқсан. Чунки, инсон ўз ташқи гўзаллиги билан фахрланмайди, агар фахрланса, у масхараланишга сазовордир! (Алишер Навоий)

\*\*\*

**Донишманд дебдики:** ҳар қандай яхши қонуннинг муқаддимаси, шунингдек, хотимаси ҳам шундан иборатким, ҳар бир инсон бир бурда нонини яхши меҳнати билан топа олсин ва айни чоқда меҳнатига лойик яхши нон ола олсин (Т.Малик).

\*\*\*

**Демишлилар:** мору қушни бир қафасда асратиб бўлмас,  
Ватандин айри кўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.  
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас  
(А.Орипов).<sup>29</sup>

Дидактемаларни келтиришдан асосий мақсад шу орқали панд-насиҳат бериш, муаммоли масалани ечишга кўмаклашиш, қандайдир мураккаб вазиятдан чиқиш йўлларини кўрсатиш, тўғри йўлни топишда келтирилган мисолдан ибрат чиқаришга даъват қилиш ёхуд бўлиб ўтган воқеага муносабат билдиришдан иборат. Лингвопоэтик таҳлилда дидактемаларнинг эстетик моҳияти муҳим ҳисобланади.

**5.Хабар мазмунили матнлар** (Le texte informatif – информатив матн). Бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бериш мақсадида тузилган ёки ҳавола қилинган матн информатив матн ҳисобланади. Бадиий матнда информативлик ўзига хос

---

<sup>29</sup> Абдулла Ориповдан келтирилган мисоллар қуйидаги китобдан олинди: Сайланма. – Т: «Шарқ» 1996.

тарзда бўлади. Оддий хабардан фарқ қиласди. Эстетик мақсад юкланган бўлади. Нарратив, дескриптив, аргументли, дидактик каби матн типлари таркибида келади. Масалан, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романи якунида шундай бир хабарни келтиради:

Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғрисини суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлик йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғул қолибдир. Ўғулларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлук-тириги маълум эмас, дейдилар.

Бу ҳам хабар мазмунли матн ҳисобланади. Лекин асар ичида эмас балки, илова сифатида келтирилган. Асар қаҳрамонларининг ҳаётдан олингандигини таъкидлаш, бунга китобхонни ишонтириш истаги билан киритилган. Бу ҳақда асар аввалида ҳам ёзувчи алоҳида таъкидлаган эди: «халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан танишдиришкан ўзимизда мажбурият ҳис этамиз.» Балки, ёзувчи, ушбу қаҳрамонлар тақдирни қандай кечганлиги ҳақида китобхонларга хабар беришни хоҳлагандир, балки, романни давом эттиражагини, агар давом эттирилса воқеалар шу мазмунда бўлиши мумкинлиги ҳақида хабар бераётгандир. Бу бизга қоронғу, лекин келтирилган матн хабар мазмунига эга. Асар ичида ёзувчи томонидан келтирилган турли ҳаволалар ҳам информатив характерда бўлиши мумкин. «Ўткан кунлар»да муаллиф Мусулмонқулнинг довюраклиги ҳақида шундай ҳаволани келтиради:

Мусулмонқулнинг ўзи ҳам фавқулодда юраклик эди. 1853 м. тарихида Мусулмонқул қўқонлиларга асир тушиб, уни тўпдан отиб ўлдириш учун дордек бир нарсанинг устига ўтқузурлар. Иккинчи томондан тўпка ўт бериш кутиладир. Шу вақтда кишилар Мусулмонқулдан сўрайдилар: «Энди қалайсан, чўлоқ?» Мусулмонқул кулибкина жавоб берадир: «Алҳамдулиллоҳ, ҳали ҳам сизлардан юқори бир ерда ўлтирибман!»

**6.Буйруқ мазмунли матнлар** (Le texte injonctif – инжонктив матн). Буйруқ ҳамда маслаҳат оғанги етакчилик қиласынан, буйруқ майлидаги гаплардан түзилганды, бирор ишни бажартириш ёки турли таъқиқлашларни ифода этадиган матн типига буйруқ мазмунли матн дейилади. Асосан қаҳрамонлар нутқида кузатылады. Лекин муаллиф нутқида маслаҳат ёки тавсия маъносыда қўлланиши ҳам маълум. Масалан:

**Одат.** Ишдан нега кеч келганингизни сурштирса, ҳайрон бўлманг. Бўйинбогингизни ечишга кўмаклашиш баҳонасида ёқангизни ҳидлаб кўрса, ҳайрон бўлманг. Мажлисда нима масала кўрилганини сўраса, ҳайрон бўлманг. Кимнинг ёнида ўтирганингизни сўраса, ҳайрон бўлманг. Телефонингиз ранги қанақалигини сўраса, ҳайрон бўлманг. Неча киши қўнғироқ қиласынни сўраса ҳайрон бўлманг. Қаерда тушлик қиласынни сўраса, ҳайрон бўлманг. Буфет нечанчи қаватдалигини сўраса, ҳайрон бўлманг. Нима овқат еганингизни сўраса, ҳайрон бўлманг. Сизга чойни қайси қўли билан узатганини сўраса, ҳайрон бўлманг! Борингки, офтоб қайси томондан чиққанини сўрасаям ҳайрон бўлманг. Қизиқувчанлик – аёлнинг табиий одати! (Ў.Хошимов)

\*\*\*

**Бузилган никоҳ.** Уйни қонуний бўлашдингиз... Молмулкни қонуний бўлашдингиз... Мұхаббат бўлакланди... Садоқат бўлакланди... Бола-чи? Болани қайси қонун билан бўлашасиз? Онаси билан бўлса, отасиз қолса. Отаси билан бўлса, онасиз қолса... Яхшиси, униям иккига бўлинг! Бир нимтаси-эрига! Бир нимтаси-хотинга! Қани кўтаринг болтани, боланинг уволи туттурлар! (Ў.Хошимов)

\*\*\*

**Тириклар ва ўликлар.** Вақти-вақти билан қабристонга борасиз. Аждодларингиз бошида туриб ўтганлар руҳини хотирлайсиз... Кейин... ўз юмушингиз билан кетасиз.

Шошилманг. Дунё иши битганмас... Иложи бўлса, қабристонни осойишта айланинг. Шунда... ғалати ҳолат рўй беради. Марҳумлар сизга кў-ў-ўп нарсалар айтади...

Ишонинг, ўликлар тириклардан кўра теранроқ фикрлайди... (Ў.Хошимов)

**7.Ҳиссий ифода мазмунли матнлар** (Le texte expressif - экспрессив матнлар). Инсоннинг ички кечинмаларини, воқеликка муносабатини, ўзига хос пафос билан ифодалаш мақсадида тузилган матнлар ҳиссий ифода мазмунли матн дейилади.

Эрта баҳор – чексиз соғинчнинг уфқи. Музга айланишдан бош тортган исёнкор томчилар ёмғир бўлиб тўкилмоқда. Ёмғирнинг дарахтга, куртакнинг томчига айтадиган «шивири» йиғилганей-йиғилган. Хўнграб-хўнграб, бўзлаб-бўзлаб дил розини айтаётган эрта баҳор булути аслида осмон дардидан сўз очишга ботинган асов ғалаён. Ниш урмиш куртакка насиб этган ёмғир томчиси кўкнинг бекиёс эҳтироси парчаси. Ёмғир «шивири» умидларга тўла дарахт таъзимиға кутилмагандан дуч келса, бу ажиб бир шоёнлик таваллуди. Аслида бу «шивир-шивирлар» ришта холос. Аслида улкан осмоннинг жажжи заминга айтадиган дарди кўп-еий... Замин эса дил изҳорини миннатдор тинглар экан, жажжи дарахтлари, энди унажак ўт-ўлани-ю, чамбар гуллари-ла таъзим этади.

Еру-осмон, дарахту ёмғир, ниш уриш орзусидаги куртагу, унга лаб тегизган томчи, кўкдаги булатдан барқини кутган майсалар, чечаклар ямоқчи соғинч дардидан бутун бўладилар энди. Биламан, замин-у фалак висоли хаёлий уфқдагина намоён. Биламан... Аммо... Қалбим зулфларига урилган шивир-шивирларни сезмасликни эплай олмаяпман. Соғинч – умрим ямоғи... (Ё.Акрам)<sup>30</sup>

Бирор бир бадиий матнда санаб ўтилган матн типларининг ҳаммаси ёки айримлари иштирок этган бўлиши мумкин. Ёхуд бутун бошли асар юқорида зикр этилган матн типларидан фақатгина биттаси асосида шаклланган бўлиши ҳам мумкин.

### ♪Назорат учун савол ва топшириқлар

1.Матн ҳажм ва мазмун белгисига кўра қандай типларга бўлинади?

---

<sup>30</sup> Ёқутхон Акрам. Ёмғиркуй. –Т «Шарқ», 1994, 45-б.

2. Ҳажм белгисига кўра матн типлари ҳақида маълумот беринг.

3. Мазмуний ўқ тушунчасини изоҳланг.

4. Мотивацион яхлитлик ва композицион бутунлик тушунчаларини изоҳланг.

5. Микроматн ва макроматн ҳақида маълумот беринг.

6. Абзацнинг ташкилий қисмлари ва структурал кўринишлари ҳақида маълумот беринг.

7. Тема-рематик муносабат тушунчасини изоҳланг.

8. Ифода мақсадига кўра матннинг қандай типлари мавжуд?

9. Тасвирдаги бирламчи ва алоқадор хусусиятлар ҳақида маълумот беринг.

10. Ҳиссий ифода мазмунли матн деб нимага айтилади?

### **Бадиий матн қисмларини боғловчи воситалар**

Матн камида иккита гапдан тузилган мураккаб синтактик бутунлик. Гаплар ўзаро турли синтактик алоқа воситалари ёрдамида бирикади. Уларга такрорий бўлаклар, олмошлар, хиазматик конструкциялар, замон ва макон ифодаловчи бирликлар, кесимларнинг замон шакллари, модал сўзлар каби турли лексик-грамматик бирликлар киради. Тилшунос олим А.Мамажонов матн компонентлари ўртасида мустаҳкам синтактик алоқа мажудлигини таъкидлайди ва бу алоқанинг ўзига хослигини «Текст лингвистикаси» деб номланган рисоласида қуйидагича изоҳлайди: «Бизнингча, синтактик алоқанинг бу тури қўшма гап компонентлари орасидаги грамматик алоқага ўхшаб кетади, фақат мураккаброқ

кўринишда юзага чиқади. Маълумки, қўшма гап компонентлари орасида бириктириш, қиёслаш, зидлаш, сабабнаташи, шарт-пайт, аниқлаш, изоҳлаш каби мазмуний муносабатлар ифодаланади. Бу муносабатлар қўшма гапнинг учтури: боғловчисиз, боғланган ва эргаш гапли қўшма гапларда компонентларни ўзаро бириктирувчи синтактик алоқа воситалари: интонация, боғловчилар, боғловчи вазифасидаги сўзлар, гап бўлаклари тартиби, олмошлар, айрим сўзларнинг такрорланиши, умумий иккинчи даражали бўлаклар, кесимларнинг замон муносабати кабилар орқали реаллашади. Кўринадики, қўшма гапларда синтактик алоқа предикациялар орасида ўрнатилади. Текстда эса синтактик алоқа бир бутун гаплар, суперфразали синтактик бутунликлар, абзацлар, қисмлар, бўлимлар, боблар ўртасида юзага чиқиб унинг мазмуний ва структурал бирлигини таъминлайди».<sup>31</sup> Демак, матн таркибидаги гаплар фақат структурал жиҳатдан эмас, балки мазмунан ҳам бир-бирини тақазо қилиши керак экан. Матн бутунлигига **мазмуний яқинлик** қанчалик аҳамиятли бўлса, **мазмун изчилиги** ҳам шунчалик муҳим. Масалан:

- 1.Ховли ёғ тушса ялагудек топ-тоза бўлди.
- 2.Аҳмад бугун ҳам дарсга келмадими?
- 3.Ҳар қандай чукурликдан ҳам юксакликка кўтарилиш мумкин.
- 4.Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга орзу улашишдан, орзу қилишни ўргатишдан иборат бўлмоғи лозим.

Юқорида тўртта гап кетма-кет келтирилди. Лекин уларда мазмуний яқинлик йўқ. Куйидаги гаплар йиғинида эса мазмуний яқинлик кўзга ташланади, лекин мазмун изчилиги йўқ:

- 1.Қаламкашнинг Сўзи бир йўла ўн минг, юз минг китобхонга етиб боради.
- 2.Демак, унинг Сўз масъулияти ҳам бошқаларницидан минг ҳисса ортиқроқдир.
- 3.Мактаб ўқитувчисининг Сўзи ўттиз болага етиб боради.
- 4.Нотиқнинг Сўзи минг тингловчига етиб боради.
- 5.Дорилфунун домласининг Сўзи юз талабага етиб боради.

Юқоридаги гаплардан матннинг сўз ва унинг масъулияти ҳақида эканлигини пайқаш қийин эмас. Бу гаплар йиғинида

---

<sup>31</sup> Мамажонов А. Ўша асар, 15-6.

мазмун яқинлиги бор, лекин изчил эмас. Гапларнинг кетма-кетлиги бузилганлиги туфайли мазмун изчиллигига ҳам путур етган. Энди мазкур гапларни қайта териб чиқамиз:

Мактаб ўқитувчисининг Сўзи ўттиз болага етиб боради.

Дорилфунун домласининг Сўзи юз талабага етиб боради.

Нотиқнинг Сўзи минг тингловчига етиб боради.

Қаламкашнинг Сўзи бир йўла ўн минг, юз минг китобхонга етиб боради. Демак, унинг Сўз масъулияти ҳам бошқаларнидан минг ҳисса ортикроқдир.(Ў. Ҳошимов)

Муаллиф айтмоқчи бўлган фикр, аслида, охирги гапда келтирилган. Агар ёзувчи фақатгина охирги гапни келтириб қўя қолганида ўша фикрнинг таъсирчанлиги бўлмаслиги мумкин эди. Адид мақсадини қиёслаш усулидан фойдаланиб тўла ва аниқ етказишга эришган: **ўқитувчи** ва бунга параллел равишда **ўттиз бола, домла - юз талаба, нотик - минг тингловчи, қаламкаш - ўн минг, юз минг китобхон**. Бу матндаги қиёс поғонама-поғона «кенгайиб борувчи» лексик-семантик бирликлар фонида янада аниқ ифодасини топган:  
 1.Муассасалар: **мактаб→дорилфунун→ижтимоий-ижодий мактаб, яъни ҳаёт;** 2.Касб эгалари: **ўқитувчи→домла→нотик→қаламкаш;** 3.Миқдор: **ўттиз→юз→минг→ўн минг, юз минг.** Оҳанг ҳам шунга мувофиқ кўтарилиб боради.

Матн компонентлари ўзаро **контакт** ва **дистант алоқага** киришади. Орадан уч-тўрт кун вакт ўтди. Болага телефонимни берган эдим. Қўнғироқ қилмади. Бир куни яна уюшмага келсам, худди ўша китоб дўкони олдида турибди (Ш.Холмирзаев).<sup>32</sup> Бу матнда биринчи ва иккинчи, иккинчи ва учинчи, учинчи ва тўртинчи гаплар орасидаги алоқани **«контакт алоқа»**, биринчи ва учинчи, биринчи ва тўртинчи гаплар орасидаги алоқани **«дистант алоқа»** деймиз.

$$d=(a+b)+(b+c)+(c+d)$$

$$k=(a+c)+(a+d)$$

---

<sup>32</sup> Шукур Ҳолмирзаев. «Сайланма» Ҳикоялар.2-жилд. -Т: «Шарқ», 2005. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинган.

Бундай алоқани қуидаги лексик-грамматик воситалар юзага чиқаради:

**1.Кесимлик шакллари ёрдамида бирикиш.** Феълкесимларнинг бир хил замонда шаклланганлиги матн бутунлигини таъминлайдиган воситалардан ҳисобланади.

Олимлар ҳисоблаб чиқишиган. Пушкин ўз асарларида 21 минг 197 та бетакрор сўз **ишлатган**. Шекспир салкам 20 мингта, Сервантес 18 мингга яқин, Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 660 та сўз, шу жумладан 26 мингта бетакрор сўз **ишлатган**. Боиси, буюк бобомиз факат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам маҳорат билан **фойдаланган** (Ў. Ҳошимов).

**2.Олмошлар ёрдамида бирикиш.** Бунда матннинг биринчи компоненти таркибидаги от, сифат, сон туркумидаги сўзнинг кейинги компонентларда олмош сўзлар билан алмаштирилиши тушунилади.

Муҳаммад Раҳимхоннинг Тозабоғдаги сайргоҳ боғи. Унинг бир чеккасидан иккинчи чеккасигача айланиб чиқиши амри маҳол, киши чарчаб қолади. Катта ҳовлиниң орқасида қирғоқларига мармар ўрнатилган хон ҳовуз. Ундаги зогора балиқ, чўртан балиқ, лаққа балиқлар гоҳ сув юзига чиқиб ташланган нонларни ер, гоҳ билтанглаб ўйнаб шўнғиб кетарди. Ҳовузнинг тўрт томонида йўғон – йўғон қайрағочлар, таналари қуличга сифмайди. Хоразмда ҳовуз деса, дарҳол кўз олдингга катта – катта гужумлар – қайрағочлар келади. **Бу** дарахтлар гўё азamat дубни эслатади. Ҳовуз лабига хусн бериб турганлар ҳам ўшалар. **Уларнинг** кичкина – кичкина барглари орасидан қуёш нурлари мўралайди. Аммо **улар** қуёш ҳароратини ўзида сингдириб, пастга танга – тангадай оқ шуълаларини туширади. **Улар** кишига ором беради. (Ж.Шарипов)

Ушбу матн таркибидаги компонентлар **занжирили алоқа** усулида муносабатга киришган. Дастребки компонентда боғ ва унинг кимга қарашли эканлиги ҳақидаги ахборот келтирилади. Кейин ўша боғнинг катталиги ва ҳовуз ҳақидаги информация. Ҳовуз ичи ва атрофи тасвири. Дарахтлар ва улар билан боғлиқ тафсилотлар. Мазкур тасвирдан бутун-бўлак муносабати

англашилади. Занжирли алоқани қуйидаги сўз ва шакллар таъминлайди: боғ → унинг, ҳовуз → ундаги, гужумлар-қайрағочлар → бу, ўшалар, уларнинг, улар, улар. Кўринадики, олмошлар ўзидан олдин келган гаплардаги от туркумига мансуб сўзларнинг ўрнига қўлланган ва матн компонентлари ўртасидаги алоқадорликни мустаҳкамлаштирган. Ҳамда айни сўз такрори билан юзага чиқадиган услубий ғализлик олди олинган.

**3.Такрорлар ёрдамида бирикиш.** Биринчи гапда қўлланган айрим аффикслар, сўз, сўз бирикмаси ёки гапларнинг кейинги компонентлар таркибида такроран қўлланиши орқали матн шакллантирилиши мумкин. Такрор усулидан айтилаётган фикрни алоҳида таъкидлаш, тасдиқлаш, кенгроқ, батафсилроқ ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Нутқнинг таъсирчанлиги ортади. «Лексик такрорлар, олмошлар ва синонимлар ёрдамида ҳосил қилинадиган алоқа **занжирли алоқа**, бир хил грамматик формалар билан бошланувчи ёки тугалланувчи компонентлар йиғиндисидан ташкил топадиган алоқа **параллел алоқа** дейилади.»<sup>33</sup>

-Жаноблар, сиз бу ерга турли мамлакатлардан келгансиз. Сиз турли миллат, турли халқларнинг вакилларисиз. Бу ерда ҳеч мамлакат, ҳеч бир халқнинг вакили бўлмаган ёлғиз **мен**. **Мен** ҳамма халқларнинг, ҳамма мамлакатларнинг вакилиман. **Мен** шеъриятман. **Мен** бутун оламга teng нур сочувчи офтобман. **Мен** ҳамма ўлкаларга teng ёғувчи ёмғирман. **Мен** дунёнинг ҳамма ерида teng гуллагувчи дарахтман (Р.Ҳамзатов).

\*\*\*

**Турмуш ташвишлари,**  
**Турмуш ташвишлари,**  
**Биз сендан баландроқ турға олсайдик,**  
**Биз сендеқ баландроқ юра олсайдик,**  
**Балки ўнғаярди дунё ишлари,**  
**Турмуш ташвишлари,**  
**Турмуш ташвишлари.** (А.Орипов)

---

<sup>33</sup> Мамажонов А. Ўша асар. 18-6.

Такрорнинг бир неча кўринишлари бор, улар ҳам матн ташаккулида услубий вазифа бажаради: Аллитерация, ассонанс, анафора, эпифора кабилар. Аллитерация деб ундош товушларнинг услубий мақсадларда такрорланишига айтилади. Ассонанс эса унли товушларнинг такрорланишидир. Анафора деганда сўз ёки сўз биримларининг шеърий мисралар бошида такрорланиши тушунилади. Эпифорада эса мисралар охиридаги сўз ёки қўшимчаларнинг такрорланиши назарда тутилади. Буларнинг бари матннинг композицион бутунлиги учун хизмат қиласи.

Такрорлар қўлланиш ўрнига кўра **горизонтал** ва **вертикал** **такрорларга** бўлинади. Бундай такрорлар айниқса, шеърий матнларда ўзига хос оҳангдорликни юзага келтиради. Такрорланувчи бирликнинг қайси туркумга мансублигига кўра **от такори, сифат такори, олмош такори, феъл такори** кабиларга бўлинади. Синтактик табиатига кўра **сўз биримаси такори** ва **жумла такори** ҳам фарқланади. Мазкур бирликларнинг жойлашиш тартибига кўра ҳам тасниф қилиш мумкин: **симметрик такрор** ва **асимметрик такрор**. Шунингдек, ўртадаги масофасига кўра ҳам гурухлаштириш мумкин: **яқин ўринли такрор, узок ўринли такрор**. Бадий асарларда маълум бир фикрнинг турли шаклларда такрорланишига қараб **мазманий такрор** турини ҳам кузатишимиз мумкин.

**4.Хиазматик конструкциялар ёрдамида бирикиш.** Хиазм асосан, иккита гапдан ташкил топган матн кўринишларида учрайди. Хиазм «X» ҳарфи шаклида намоён бўлувчи услубий воситадир. Иккинчи гап биринчи гап компонентларининг тескари тарзда жойлашувиdir. Бунда ёзувчининг асосий мақсади иккинчи гапда берилган бўлади. Биринчи гап иккинчи гапдан англашиладиган маънони бўрттириб ифодалашга хизмат қиласи.

Масалан: Шижаатли бўл. Бироқ андишасиз бўлма.

Андишали бўл. Бироқ шижаатсиз бўлма.

(Ў. Ҳошимов)

«Хиазм поэтик нутқда қуидаги вазифаларни бажаради:  
 1.Услубий-семантик вазифа. Бунда икки компонент мазмунин  
 ўзаро зидлик касб этади ёки аксинча, бир-бирини мантиқан  
 тўлдиради. 2.Экспрессив вазифа. Бунда ўқувчи ёки тингловчига  
 завқ бағишлиш, фикрни тез ва узок вақт эсда саклаб қолишига  
 хизмат қилиши назарда тутилади. 3.Эвфоник вазифа. Хиазмни  
 юзага келтираётган бўлаклар ўзаро ўрин ва вазифа жиҳатидан  
 алмашингандан оҳанг ҳам шунга мос равишда алмашиниб  
 боради.»<sup>34</sup>

**5. Замон ва макон ифодаловчи бирликлар ёрдамида** ҳам матнни шакллантириш ва унинг компонентларини боғлаш мумкин. Бадиий асардаги воқеа-ҳодисалар муайян вақт асосида рўёбга чиқади. Фақат бадиий асардаги вақт тушунчалик реал ҳаётдаги вақт мунтазамлигидан фарқ қиласи. «Вақт маъноли лексемалар матн қисмларини дистант (масофасиз, билвосита) ва контакт (масофали, бевосита) боғлаш учун хизмат қиласи. Айрим темпорал сўзлар лексик-грамматик боғловчи вазифасини бажариб, матндан хронологик кетма-кетлик, изчиликни акс эттириб туради»<sup>35</sup>.

Эрталаб-чи, ойи, ёмғир ёғди. Қаттиқ ёмғир ёғди. Сиз баҳор ёмғирини яхши кўрардингиз... Кейин офтоб чиқиб кетди. Қаранг, офтоб чараклаб ётибди...(Ў.Хошимов). Ушбу матннинг шаклланишида вақт маъноли бирликларнинг алоҳида хизмати бор. Биринчи гапда **эрталаб** лексемаси ёрдамида сутканинг шу қисмида содир бўлган табиат ҳодисаси ҳақидаги информация ифодаланяпти. Кейинги гапларда ифодаланган ҳодисалар ҳам айни вақт бирлигига кетма-кетликда рўёбга чиқсан. Яъни: эрталаб → ёмғир ёғди → қаттиқ ёғди → офтоб чиқди → чараклаб кетди.

Маконни билдирадиган лексемалар ҳам матнни шакллантирувчи восита бўла олади. Одатда ёзувчилар воқеа содир бўлаётган маконни батафсил тасвирилашга ҳаракат қиласиilar. Макон маъноли лексема келтирилдими, албатта

<sup>34</sup> Бу ҳақда қаранг: Мамазияев О.Х. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация. НДА., -Фарғона., 2004.

<sup>35</sup> Ҳакимова М. Ўша асар. 135-б.

унинг тавсифи ҳам берилади. Шу тарзда матн юзага келади. Гаплар ўзаро контакт ва дистант алоқага киришади.

**Боғ** жуда ораста, йўлакларга олтинранг қумлар солинган, мармар ариқлардан тиник сувлар жилдираб оқади. **Чорчаманларда** мамлакатнинг энг ноёб гуллари муаттар хид таратиб очилиб турибди (П.Қодиров).

**6. Парцелятли тузилмалар ёрдамида бирикиш.** Оғзаки нутқда, матнда баъзан мулоқот талабига кўра яхлит бир жумлада узилиш содир бўлади. Сўзловчи тингловчига бирор воқеа-ходиса ҳақида хабар бераётганда мана шу хабар ичидағи энг муҳим фикрни бошқаларидан ажратиб, алоҳида таъкидлаб айтишга ҳаракат қиласи. Маълумки, таъкид оғзаки нутқда оҳанг, пауза, мантиқий ургу каби воситалар ёрдамида амалга оширилса, матнда парцелятив тузилмалар - матн компонентларини экспрессив-стилистик мақсадга кўра қайта тартиблаш орқали намоён бўлади. Масалан: **1.Хуррият ва адолат учун қурашиш керак.** Ёки: **2.Курашиш керак.** **Хуррият учун. Адолат учун.** Биринчи гап одатдаги тартибда тузилган содда гап ҳисобланади. Иккинчи гап эса парцелятли тузилма ҳисобланади. Уч компонентли бу курилмада биринчи қисм - **асос**, қолганлари эса **парцелят бўлак** ҳисобланади. «Парцелятли тузилмалардаги тартиб моҳият эътибори билан таъсирчан сўз тартиби бўлиб, услубий жиҳатдан бетараф тузилмали гап қисмларини коммуникатив мақсадга мувофиқ тарзда гуруҳлаш, синтактик жиҳатдан қайта ўринлаштириш сифатида рўёбга чиқади. Гап тузилмасини бу хилда қайта қуриш (унинг қисмларини синтактик жиҳатдан қайта тартиблаш) маълум қисмни мантиқий жиҳатдан ажратишга асосланади ва ўзига хос экспрессив ифода шакли ҳамда функционал - семантик муносабатлар таркиб топади».<sup>36</sup>

Жалил ака дераза тагида ётарди(1). Тўшакда(2). Болиши баланд(3). Унга суюниб, бошини кўтарса, боғни кўради(4). Ўзи обод қилган боғ у(5). (Ш.Холмирзаев).

---

<sup>36</sup> Тошлиев И. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис. Синтактик ва синтагматик қайта бўлиниш. Парцеляция. –Т: «Zar qalam», 2004, 88-б.

Бу матн парчаси бешта гапдан ташкил топган. 1-гап асос, 2-гап парцелят. Асосдаги ўрин ҳоли конкретлаштирилмаганлиги учун парцелят бўлак сифатида ажратилган. 3-парцелят гап ҳам асосдаги ўрин ҳолини таъкидлашга хизмат қилган. Шунингдек, 4-гап билан 1-гап ўртасидаги алоқани зичлаштирган. Яъни, қаҳрамон дераза тагида ётибди. Тўшакда ётибди. Баланд болишли тўшакда ётибди. Унга суюнса ўзи обод қилган боғни қўради. 5-гап 4-гапнинг парцеляти ҳисобланади. Яъни асос(4) даги тўлдирувчи(боғ)ни аниқлашга хизмат қилган.

**7.Номинатив (атов) ва инфинитив гаплар ҳам матнни шакллантирувчи синтактик бирликлар ҳисобланади.** Атов гаплар бош келишикдаги от орқали ифодаланган грамматик асос ёрдамида ифодаланган нарса-буюмнинг мавжудлигини англатади. Атов гаплар матнда ёлғиз қўлланмайди, улардан кейин атов гап мазмунини очувчи, тавсифловчи бошқа гап ёки гаплар келтирилади. Натижада матн ҳосил бўлади. Масалан: Бугун байрам. Кўчалар гавжум. Шўх-шўх куйлар янграйди. Гурас-гурас одамлар ўтади. Ўйин-кулги, шодон шовқин баҳор осмонини титратади(Ў.Хошимов).

Инфинитив гаплар грамматик асоси ҳаракат номи билан ифодаланадиган, якка сўз ёки сўз бирикмасидан иборат бўлган гаплардир: Севмоқ! Бу тошга қараб ҳам гулни кўрмоқдир. Ёки, Кутиш! Сониялар дақиқаларга, дақиқалар соатларга айланадиган бекат.

**8.Мурожаат бирликлари ва уларнинг матнни шакллантириш имкониятлари.** Мурожаат бирликлари кундалик ҳаётимизда, нутқ фаолиятида – нутқ жараёнида кенг қўлланиладиган, ўзаро алоқа аралашувга фаол хизмат қиладиган, сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатини ифодалайдиган, ўзида турли модал маъноларни ташийдиган ўткир, таъсирчан воситадир. Мурожаат бирликларидан нутқда тингловчи эътиборини тортиш, хитоб қилиш, ундаш каби мақсадларда фойдаланилади. Бундай бирликларда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги яқинлик, ҳурмат, ишонч; масофа (субординация), ҳурматсизлик, ишончсизлик каби

коммуникатив муносабатлар ҳам ифодаланган бўлади. «Шунга кўра доимийлик белгисига эга бўлган мурожаат бирликлари нутқда appellativ (хитоб ва мурожаат орқали мулоқотни бошлаш), коннотатив (субъектив муносабат – салбий ва ижобий муносабатларни ифодалаш), эмотив (хиссий муносабат) функцияларни бажаради.»<sup>37</sup> Мисоллар: - Маликам,- дебди жаҳл отига миниб. – Сизга руҳсат! Салтанат хазинасидан ўзингиз учун энг қимматли нарсани олинг-да юртингизга жўнанг! (Ў.Хошимов) Ҳой, овсар! Босар-тусарингни билмай қолдинг-ку! (С.Аҳмад). Ойиша, Ойиша, Ойиша она, Нечун кўзларингдан оқар маржон ёш. (А.Орипов) Келтирилган биринчи мисолдаги «маликам» мурожаат бирлиги appellativ-хитоб, мурожаат қилиш орқали ўзаро мулоқотни бошлаш вазифасини бажармоқда. Иккинчи гап таркибидаги «овсар» мурожаат бирлиги камситиш, ҳақорат каби шахсий муносабатни ифодалаш орқали коннотатив вазифани бажарган. Учинчи гапда сўзловчининг эмоционал муносабати такрор қўлланувчи «Ойиша она» мурожаат бирлиги орқали яна-да аниқ ифодаланган. Мурожаат бирликларининг бадиий матндаги қўлланилишини ўрганишда ким, кимга, нимага, қандай ҳолатда, қандай нутқий вазиятда мурожаат қилинаётганлигига эътиборни қаратиш керак бўлади. Мурожаат қилинаётган баъзан нарса-буюм бўлиши ҳам мумкин. Масалан:

Аё, сарв! Юксакларга интилмоқни бизга ҳам ўргат!

Ай, ғунча! Ўзликни намоён этмоқни ўргат! (Ж.Румий)

Таҳлилда бунинг сабаби аниқланиши талаб қилинади. Ёзувчи ёки шоирнинг мурожаат қилишдан мақсади ва бадиий нияти нимадан иборат эканлиги, мурожаат бирликларидағи денотатив ва коннотатив маънолар ҳақида мулоҳаза юритилади. Адабиётшуносликда мазкур усул риторик мурожаат атамаси остида ўрганилади. Риторик мурожаатда риторик сўроқда бўлгани каби жавоб талаб қилинмайди, балки, «объектга эътиборни кучайтиради ва китобхонда бирор муносабатни уйғотади». <sup>38</sup> Асосан, «шоирнинг поэтик нутқда

<sup>37</sup> Бу ҳақда қаранг: Аҳмедова Н.Ш. Ўзбек тилида мурожаат бирликлари. -Тошкент, Н.Д.

<sup>38</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. -Т: ТДПУ., 2001, 92-6.

ўзи хоҳлаган интонацияни – тантанаворлик, кўтаринкилиқ, ғазабкорлик, кесатиш кабиларни ифодалашда»<sup>39</sup> кенг фойдаланилади.

### ◊Назорат учун савол ва топшириқлар

- 1.Матн компонентлари ўртасидаги синтактик алоқа ҳақида маълумот беринг.
- 2.Мазманий яқинлик ва мазмун изчиллиги тушунчаларини изоҳланг.
- 3.Контакт ва дистант алоқа деганда нимани тушунасиз?
- 4.Матн қисмлари қандай воситалар ёрдамида боғланади?
- 5.Мурожаат бирликларининг матнни шакллантириш имкониятлари ҳақида маълумот беринг.

### **Бадиий матн**

**Бадиий матн** бадиий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услугуб кўринишларини муаллиф ихтиёрига кўра эркин жамлай оладиган, кишиларга эстетик завқ бериш хусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунлик хисобланади. Бадиий матнда бошқа услугуб матнларида бўлганидек қатъий мантиқ, соддалик, тушунарлилик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўқис амал қилинавермайди. Унда бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади. Оҳангдор, жозибадор сўзлар кўп қўлланилади. Тасвирланаётган воқеликда уйғун бир мусиқа, ички бир гармония сезилиб туради. Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш,

---

<sup>39</sup> Зуннунов А., Хотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма.-Т: «Ўқитувчи», 1978, 101-б.

эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ходисаларга теран, бошқача назар билан боқишига ўргатиш каби күплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган. Бадий матн, маълумки, бадий услуг талаблари, қолиплари асосида шакллантирилади, шунинг учун унда поэтик, романтик, тантанавор ифода шаклларидан кенг фойдаланилади. Сўзларнинг танланиши, гап тузилиши, лексик – семантик, ритмик – интонацион бирликларнинг қўлланиши ҳам мазкур услуг талабларидан келиб чиқади. Бадий матннинг лисоний хусусиятларидан энг муҳими ҳам шундаки, унда эмоционал бўёқдор сўзларга, шева сўзларига, тарихий ва архаик сўзларга, жаргон ва арголарга, кўчма маъноли сўзларга, маънодош, шаклдош, ўхшаш талаффузли ва зид маъноли сўзларга, шунингдек ибора, мақол-мatal ва афоризм каби бирликларга кенг ўрин берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай матн ўзига хос системадир. Буни ўзаро бир-бирини тақазо қиласиган ҳалқалар мажмуига ўхшатиш мумкин: товуш(ҳарф)лар → сўзлар → иборалар → гаплар → абзац → бўлим, қисм, боблар.

Матн таркибидаги бу узвларнинг ўзаро муносабати гапдаги сўзларнинг бир-бири билан бўлган муносабатига ўхшайди. Лекин матннинг таркибланиши гапдаги таркибланишдан тубдан фарқ қиласи. Гапнинг синтактик қолипи турғунлашган, асрлар давомида шаклланган, ҳамма учун қулай фойдаланиладиган ва деярли ўзгармас бўлади. Сўзловчи ёки муаллиф ўз ниятига кўра мазкур қолиплардан ихтиёрий равища фойдаланаверади. Матндаги ҳолат бундан бошқачароқ. Матнда сўзлар орасидаги муносабатдан кўра гаплар ўртасидаги алоқадорлик муҳим ҳисобланади. Агар гаплараро ҳам мазмунан ҳам шаклан алоқадорлик мавжуд бўлмаса, матн бутунлиги ҳақида ҳам гапириш мумкин эмас. Бадий матндаги композицион бутунлик тушунчаси макон ва замон мувофиқлиги, ифода ва қолип уйғунлиги, ҳамда мотивацион яхлитлик тушунчалари билан узвий боғлиқ.

Бадий матнни лисоний таҳлил қилиш жараёнида бундай боғлиқликларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

### **Бадий нутқ услуби**

Воқеликни бадий идрок этиш ва уни ифодалашнинг асосий воситаси бадий услуг ҳисобланади. Бадий услуг инсоннинг феъл-атворини, унинг ички дунёсини, руҳий ҳолатларини, табиатдаги турли воқеа – ҳодисаларни тугал, бутун мураккаблиги билан ифодалаш имкониятини ўзида мужассам қилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Бадий нутқ услубининг энг характерли хусусияти тасвирийлик ва эмоционаллик ҳисобланади. Агар илмий услуг умумлашган тушунчаларни қатъий қолипга солинган, маҳсус терминлар ва формулалар билан англатса, бадий услуг ўз заҳирасидаги сўзлар ёрдамида инсон қалби ва табиатининг энг нозик нуқталаригача тасвиrlаш имкониятига эга. Бадий услубда муаллиф асарнинг эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида тилнинг тасвирий воситаларидан унумли ва ижодий фойдаланади, шунингдек, ўзи ҳам янги сўз ва ифода шаклларини яратади. Шунинг учун ҳам бу услубда ёзувчилар мавжуд сўзларни ишлатиш билангина чегараланиб қолишмайди. Маҳоратли ёзувчилар учун мавжуд тилдаги сўз заҳираси ҳар доим чекланган имконият ҳисобланади. Ўзлари янгидан-янги индивидуал сўз ва иборалар ижод қилиш пайда бўлишади. Бадий нутқда тил бетакрор қиёфа, феъл-атвор, воқеликка мос манзара яратишга, юксак образлилики намоён қилишга хизмат қиласи. Бошқа услуг материаллари бадий нутқда муаллиф мақсадига биноан эркин ҳолда ишлатилиши мумкин. Бу услубда ҳар бир ёзувчи воқеликни бадий идрок этиш кўлами, ижодий салоҳияти, ифода маҳорати, матнни композицион шакллантириш тарзига қараб бир-биридан фарқланади. Шунга кўра, бадий нутқ услуги бошқаларига қараганда кенг имкониятларга эга, ўта қамровдор ва тасвирий ифода воситаларига бой нутқ кўриниши ҳисобланади. Бадий матн бадий нутқ услубида яратилади.

«Бадий нутқ асар ичида муаллиф томонидан қай тарзда хикояланишига қараб ёзувчининг фикрлаш доираси, ёзиш

услуби, фалсафий мушоҳадаси ҳақида тасаввур ҳосил қиласиз. Муаллиф баён жиловини бадиий-эстетик ниятга қўра гоҳ ўз кўлида ушлаб туради, гоҳ персонажлар қўлига тутқазади, гоҳ ўзга ҳикоячига топширади. Натижада китобхонни зериктирмайдиган, реализмнинг мундарижасини кенгайтира оладиган кўпқиррали тасвир-ҳикоя нутқи – полифоник нутқ пайдо бўлади<sup>40</sup>. Бадиий асар матнида **муаллиф нутқи** ва **қаҳрамонлар нутқи** фарқланади. Қаҳрамонлар нутқи **ички** ёки **ташқи**, **диалогик** ёки **монологик** нутқ кўринишларида бўлади. Муаллиф нутқи бадиий асар тилининг муҳим қисми ҳисобланади. Унда қаҳрамонларга, воқеликка нисбатан ёзувчи муносабати ифодаланган бўлади. Муаллиф нутқи икки хилда ифодаланади:

**1. Муаллиф-ҳикоячи нутқи.** Бунда асар воқеаларини сўзлаб берувчи одам ёзувчининг ўзи бўлади. Пейзаж тасвири ва қаҳрамонлар қиёфаси, феъл-атвори, уларнинг руҳий ҳолати, маънавий такомили ҳамда уларнинг онгида рўй берган ўзгаришлар муаллиф-ҳикоячи нутқида холис баён шаклида келтирилади. Бадиий асар тилининг қизиқарли, таъсиран бўлиши тил бирликларининг тўғри танланиши, матн мазмунига мос келиши муаллиф-ҳикоячи нутқига боғлик. Муаллиф-ҳикоячи нутқида воқеликни ташқаридан кузатиш, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини ошкора ёки яширин билдириш тарзи сезилиб туради. Агар муаллиф қаҳрамонга нисбатан ижобий муносабатда бўлса, тасвирда унга нисбатан муаллиф-ҳикоячи хайриҳоҳлигини сезиб турамиз.

Саратоннинг иккинчи куни... Марғилоннинг шимолида бўлған Б... маҳалласининг кунчикар томонида жанубга қараб бурулғон тор кўчанинг юқориғи бурчагида отининг тизгинини ушлагани ҳолда бир йигит кийимиға ўлтурган чанг-тўзонларни қоқар эди. Йигитнинг узоққина йўлдан келганлиги, унинг киприк ва қошлариға, ҳам эндинигина чиқа бошлиған соқол-муртларига ўлтурған тўзонлардан билгулик эди. Йигирма икки ёшлар чамасида бўлған бу йигит сариқ танлик, уккининг кўзиdek чақчайиб, ўйнаб ва ёниб турған қизил кўзлик, юзига

---

<sup>40</sup> Раҳимов З. «Кўхна дунё» роман поэтикаси. –Фарғона, 2005.

парчинлангандек юза (пучук) бурунлик, манглайи қанча ташқариға ўсиб чиқған бўлса, юзи ўшанча ичкарига кеткан, қисқаси вақтсизроқ яратилиб қолғон бир маҳлук эди. (А.Қодирий)

**2. Қаҳрамон-ҳикоячи нутқи.** Айрим асарларда ёзувчи асар воқеасини атайнин қаҳрамонга ҳикоя қилдиради. Масалан, воқеалар Ғафур Ғуломнинг «Ёдгор» қиссасида Жўра тилидан, Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» романида Аҳмаджон тилидан, Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романида Рустам тилидан ҳикоя қилингандигини кузатишими мумкин. Буни ёзувчининг бадиий-эстетик нияти билан боғлиқ эҳтиёждан келиб чиқсан десак адашмаган бўламиз. «Чунки ҳар бир инсон дунёни ўз кўзи билан кўради, фикрлайди, таҳлил қиласи, баҳолайди. Ёзувчи учун эса ўз қаҳрамони ҳақида унинг қандай эканлигини айтишдан кўра, қандайлигини кўрсата олиш, кўрсатганда ҳам персонажнинг хатти-ҳаракати, ўз хаёллари, дунёқарashi, атрофдагиларга бўлган муносабатида намоён қила олиш, яъни уни тўлалигича акс эттира олиш катта ютуқдир. Шу билан бирга китобхон учун ҳам ўзиникига айланиб қолган персонажнинг руҳий ҳолатларини, ички кечинмаларини «эшитгандан» кўра «кўриш» мароқлироқ, тушунарлироқ бўлади». <sup>41</sup>

**Қаҳрамонлар нутқи.** Бадиий асарда қаҳрамон нутқи ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ёзувчи қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш орқали уларнинг маънавий дунёсини, ички кечинмаларини, ҳиссиётларини, фикрлаш тарзини, дунёқарashi ва атрофидаги воқеа-ходисаларга муносабатини акс эттиради. Қаҳрамонлар нутқи орқали унинг қандай муҳитда ёки қаерда яшаётганлиги, қайси шевага мансублиги, қайси тоифага мансублиги, ким билан нима ҳақида сұхбатлашаётганлиги, унинг сұхбатдошларига муносабати ва бошқа маълумотларга эга бўламиз. Қаҳрамонлар нутқи **диалогик** ёки **монологик** нутқ кўринишларида бўлади. **Диалогик** нутқ деб икки ёки ундан ортиқ қаҳрамоннинг ўзаро мулоқотига айтилади. Диалогик нутқда қаҳрамонлар табиатини аниқ

---

<sup>41</sup> Раҳимов З. Ўша асар. 53-б.

ифодалаш имконияти мавжуд. Диалогик нутқ таҳлили объекти алоҳида олинган гаплар таҳлилидан эмас, балки матн таҳлилидан иборат бўлади. «Диалогик матн икки шахснинг мавзуй ва мантиқий бир бутунликни ташкил этадиган, бири иккинчисини тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келадиган гаплар йиғиндисидан ташкил топган бир бутун нутқий бирлиқдир».<sup>42</sup> Диалогик нутқ кўринишида тингловчига ахборотни тез, аниқ, содда ва таъсирchan етказиши мақсад қилинган бўлади. Шунинг учун сухбат жараёнида эллипсисдан, турли имо-ишоралардан кенг фойдаланилади. Мутахассислар фикрича, «алоқа-аралашувда сўз, сўз бирикмаси, гап, айрим ҳолларда матнлар ҳам эллипсисга учраши ёки нолисоний воситалар билан алмаштирилиши мумкин. Диалогик матнлар таҳлили шуни кўрсатадики, коммуникантлар алоқа-аралашув жараёнида нолисоний воситалардан лисоний воситани изоҳлаш, тўлдириш, таъкидлаш, аниқлик киритиш, компенсация қилиш (лисоний бирлик ўрнида қўллаш) мақсадларида фойдаланадилар».<sup>43</sup> **Монологик нутқ** бадиий асар қаҳрамонларининг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нутқидир. Ҳам шеърий ҳам насрий асарларда ишлатилади. Бадиий асарлардаги мактублар асосан **монологик ёзма нутқ** кўринишида бўлади (эсланг: Кумушнинг Отабекка ёзган мактуби, ёки Отабекнинг Кумушга ёзган мактуби). Шеърий матнларда лирик қаҳрамон кечинмаларини тугал тасвирлаш учун монологик нутқдан фойдаланилади. Ички монологик нутқ - «қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан ичдан гапириши, фикрлаши, фикр ва туйғуларининг ички ифодасидир. Ички монологда қаҳрамон ўзининг сирли, яширин фикрларигача айтади, шу боисдан ички монолог орқали қаҳрамон китобхон олдида ўз-ўзини очади. Шунинг учун ҳам унинг шахсиятида хеч нарса сирли ёки тушунарсиз бўлиб қолмайди. Ички монолог сўзлашув нутқидан ўзининг очиқ ва ошкоралиги билан ажralиб туради».<sup>44</sup>

Аросат яланглигига Йигит ёлғиз ўзи. Йигит.

<sup>42</sup> Сайдхонов М. Диалогик нутқнинг коммуникатив таҳлили.//ЎТА., 2004, №2, 71-б.

<sup>43</sup> Сайдхонов М. Ўша жойда.

<sup>44</sup> Шодиев Р. Рӯҳият рассоми. –Т: «Фан», 1997, 6-б.

Умрим ўтди сарсонлиқда, саргардонлиқда,  
 Яхши-ёмон замонларни кўриб келдим мен.  
 Баъзан маъно топа олдим чин инсонлиқда,  
 Баъзан эса уни ерга уриб келдим мен.  
 Мана, ўша тарозибон, у-ку фаришта,  
 Инсонлардан кўра юксак туражак-ку у.  
 У зотга ҳам қийин экан бундақа ишда,  
 Кўзларида алланечук норизо туйғу.  
 Қийин ахир уларга ҳам, қалблари бордир,  
 Қийин ахир уларга ҳам-бордир кўзлари.  
 Фақатгина фармон берар Оллоҳи Қодир,  
 Лекин қалбни англамайди қизлар сингари.  
 Энди қайга борсам экан бу дашт, сахрова,  
 Қайга бориб падаримни кимдан сўрасам?  
 Билолмасам, ким дўзахда, ким арш-аълода... (А.Орипов)

Диалогик нутқ ҳам монологик нутқ ҳам уч кўринишда бўлиши мумкин: **ички нутқ, ташқи нутқ ва параллел нутқ.** Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида Мирёқубнинг «мен» билан сухбати диалогик нутқ характерида лекин ифода тарзи ички нутқ шаклида берилган. «**Параллел нутқ** - қаҳрамон ички ва ташқи нутқларининг бир вақтнинг ўзида намоён бўлишидир. Бу нутқ шакли кўпинча қаҳрамонлар ўртасидаги диалог жараёнида кузатилади ва ички нутқ бундай ҳолларда сухбатдошга бўлган муносабатни билдиради».<sup>45</sup>

Фурсатни тўғри келтириб туриб:

- Империя нима дегани?-деб сўрадим.
- Нега сўраб ётибсиз?-деди.

-Ўзингиз билган амалдор ошнам бир кун «Империя ботиб боради» деди, шунда жуда хафа бўлиб гапирди.

-Унинг империя дегани ўрис подшосининг қўл остидаги юртлар. Унда ҳар қайси миллатдан бор, шу қаторда биз шўрликлар ҳам бор. (...) Соғин сигирни ким истамайди? Оппоқ, ширин сути бор...

-Ниманинг сути бор? –деб сўрадим мен.

Кулди.

---

<sup>45</sup> Раҳимов З. Ўша асар. 26-б.

-Сиз-биз соғин сигирмиз, бизнинг ширин сутимз бор, руслар ва бошқа ажнабийлар «бизни» эмиб ётадилар. Бир биз эмас. Қарангиз, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Тунис, Жазоир, Мағрибистон, яъни Марокаш (...)

У гапиради, гапиради. Мен ҳайрон бўламан. Мунча номларни қайдан билади? Ҳаммаси қандоқ қилиб эсида туради? Ҳаммасини ўз кўзи билан кўрганми? Ё мени лақиллатиб, ўз ичидан чиқариб айтадирми? (Чўлпон)

Шарофуддин Ходжаев билан Мирёқуб ўртасида бўлиб ўтаётган ушбу сұхбат жараёнида Мирёқубнинг ички нутқи билан ташқи нутқи параллел равишда бериб борилган. Қаҳрамон ички дунёсида рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиришда бу усулдан фойдаланилади.

Драматик асарлар таркибида изоҳ характеридаги ўзига хос матн - **ремаркалар** мавжуд бўлиб, ёзувчи томонидан китобхонга, асарни саҳналаштирувчи режиссёрга ёки актёрларга «ёрдам» маъносида киритилган бўлади. Ремаркада ёзувчининг қаҳрамонлар қиёфаси, ҳатти-харакати, ёши, воқеа жойи ҳамда, нутқ жараёни ҳақидаги изоҳлар берилади. Асосан драматик асарлар тилига хос:

Чин севиш

Ҳинд ихтиолчилари турмушидан олинған

5 пардали ишқий-ҳиссий фожиадир

Кимсалар:

Нуриддинхон – файласуф табиатли, 35 яшар ўқумиш(ли) бир йигит (Ҳинднинг ўртаҳолли кишиларидандир).

Аҳмадхон – 25 яшар ўқумиш(ли) бир йигит (Нуриддиннинг иниси).

Сарвархон – ўқумиш(ли) бир йигит (Нуриддиннинг ўртоғи).

Зулайҳо – 16 яшар, ўқумиш(ли) бир қиз. (...)

Воқеа Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида

Биринчи парда

Эрта билан Учмоҳ кўрунишли бир боғча. Ўртада бир узун масонинг теграсинда ўриндуқлар қўйулған. Оғоч тагинда қўйилғон бир ўриндиғда Зулайҳо қизил ипакли бир кўйлак билан ўтирибдир. Қўлинда кичкина бир битик. (Фитрат)

Ўткир Ҳошимов кичик ҳажмли «Болалик – пошшолик» деб аталадиган қатраларида ҳам ремарка усулидан фойдаланганлигини кўриш мумкин:

Юлдуз. Уч яшар.

- Нима ейсан, Юлдуз нокми, шоколадми?

- Ноколад!

\*\*\*

Жаҳонгир. Олти яшар.

- Аяжон. Нега дадажоннинг соchlари йўқ?

- Дадажоннинг кўп ўйлайдилар-да, ўғлим. Дадажон ақллилар!

- Бўлмаса, нега сизнинг сочингиз кўп?

- Ўчир овозингни, зумраша!

### **◊Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Бадиий матн деб нимага айтилади?
2. Матннинг таркибланиши ва гапнинг таркибланиши ўртасидаги умумийлик ва хусусийлик ҳақида маълумот беринг.
3. Бадиий нутқ услуби деганда нимани тушунасиз?
4. Бадиий нутқнинг қандай кўринишлари бор?
5. Муаллиф нутқи ва қаҳрамонлар нутқи қайси хусусиятларига кўра фарқланади?
6. Диалогик ва монологик нутқ, ички, ташқи ва параллел нутқ деганда нимани тушунасиз?
7. Ремарка ва уларнинг матнни шакллантириш имкониятлари ҳақида маълумот беринг.

## **Бадий матннинг фонетик-фонологик хусусиятлари**

Бадий матнни таҳлил қилиш жараёнда фонетик бирликларнинг эстетик хусусиятларига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Шеърий матнда нутқ товушларининг эстетик имкониятлари тез ва қулай идрок этилади. Чунки шеърда ўзига хос жозибадор оҳанг бўлади. Бу оҳангдорликка товушларни услубий қўллаш натижасида эришилади. Шеъриятда асосан, аллитерация (ундошлар такори), ассонанс (унлилар такори), геминация (ундошларни қаватлаш) каби фонетик усуллардан фойдаланилади. Насрда унлиларни чўзиш, ундошларни қаватлаш, товушларни такрорлаш, сўзларни нотўғри талаффуз қилиш, товуш орттириш ёки товуш тушириш каби фонетик усуллар ёрдамида экспрессивлик таъминланади. Товушларни услубий қўллаш билан боғлиқ қонуниятларни ёзувда «айнан» ифодалаш имконияти чекланган. Бироқ, талаффуз ва баён мувофиқлигига **фонографик воситалар** ёрдамида эришиш мумкин. Афлотун ва Арасту яшаган замонлардаёқ сўзнинг талаффуз тарзи ва уни айнан ёзувга кўчириш муаммоси

мутафаккирлар эътиборини ўзига жалб қилган эди. Ҳатто бу нотиқлик санъати билан боғлиқ бўлмаган равиша, сўзнинг, сўздаги ҳарфларнинг талаффузи билан боғлиқ оҳанглар гармонияси буюк файласуфларга илҳом манбаи бўлган эди. Улар сўз таркибиға сингиб ўзига хос маъно ва оҳанг касб этиб улгурмаган товушларга ҳам ўзгача мазмун беришга интилишган эди. Масалан, «г» – тезликнинг, шиддатнинг рамзи, «l» - виқорнинг, силлиқликнинг, ялтироқликнинг ифодачиси, «i» - торнинг, «a» - каттанинг, «e» - абадиятнинг белгиси сифатида талқин қилинган. Кейинроқ товушлар табиати билан шуғулланувчи мутахассислар «и», «d», «г» товушлари даҳшатни ёдга солиши, «i» хурсандчиликнинг, «т», «п», «l» товушлари назокатнинг сирли рамzlari эканлиги хақидаги мулоҳазаларини баён қилишган.<sup>46</sup>

Бадий асарларда руҳий ҳолатни ёзувда ифодалаш ўзига хос мураккабликни юзага чиқаради. Қаҳрамонлар руҳиятидаги ички ҳаяжон, хурсанд бўлиш, хафа бўлиш, розилик, таажжуб, ялиниш, ҳайратланиш, киноя, пичинг, кесатиқ, олқиш, сўроқ, таъкид, қониқмаслик, норизолик, тилак-истак, қўллаб-куватлаш каби ҳолатларни айнан беришда ёзувчилар унли ёки ундошларни бирдан ортиқ ёзиш усули – **фонографик воситалардан** фойдаланадилар. Масалан:

**1. Унлиларни бирдан ортиқ ёзиш.** Бунда унлини чўзиб талаффуз қилинганлиги тушунилади. Унлини чўзиб талаффуз қилиш орқали қаҳрамоннинг воқеликка муносабати ойдинлаштирилади. Илмий адабиётларда мазкур усул орқали белгининг меъёрдан кучсиз ёки ортиқ эканлигини ифодалашда фойдаланилиши таъкидланади.<sup>47</sup> Масалан, **белгининг кучсизлиги:** Ортиқ жizzаки кўринмаслик учун бос-и-иқ товуш билан деди... (П.Қодиров). **Белгининг ортиқлиги:** Узо-оқ йўл, аҳйо-онда бир келади, қато-ор иморатлар, ўйла-аб турсам, ўғлим, дунёни иши қизиқ.(А.Мухтор) «Шарқ» саҳнаси билан «Турон»нинг тўртта карнайи: **ғо-о-о-о-от, ғо-о-оту-у-у ғо-о-о-от!** Форт-форт-форт! Ҳа, товушинг ўчкур, ҳа, эгасиз қолғур!! (А.Қодирий)

<sup>46</sup> Қаранг: Кухаренко В.А. Интерпретация текста. –М: «Просвещение», 1988.

<sup>47</sup> Қаранг: Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши.-Т: «Фан», 1983.

- Қадрласангиз, қани, сиз ҳам бир дуо беринг,-деди муаллим. – Би-ир томоша қилиб, гуллар териб какликларингизни сайрашини эшитиб кетайлик.

Шунингдек, бадий матнда унлиларни бирдан ортиқ ёзиш усулидан қаҳрамоннинг бирор нимадан **ҳайратланиши, таажжубга тушиши** каби ҳолатларини ифодалашда фойдаланилади. Масалан:

- Марҳамат... Ў-ў, какликнинг сайрашини дедингизми? – Унинг манглайи тиришиб ва ғижиниб давом этди: - Биз ҳам сизга қўшилиб эшитар эканмиз-да? (Ш. Холмирзаев)

- Ў-ўў, окахон, туда-суда тўлайсиз-да. (Ш. Холмирзаев)

**-А-а-а**, ўша сизмидингиз, буни қаранг-а, танимапман. Уйимизга яна бир келган экансиз. Йўқлигимни қаранг-а.(С.Аҳмад)

Мен ўзимнинг одми плашимни ҳам девордан даромад қилиб ясалган шифонерга илдим. – **О-о!** – деб яна ўзи ичкарига йўл тортди Таваккал.- **Яхши-ии...** А, Гулсара? Бир кишига бўлади-да! (Ш. Холмирзаев)

Мазкур фонографик усулдан бадий матнда **хитоб, чақириш, даъват, тингловчи эътиборини жалб қилиш** каби мақсадларда ҳам фойдаланилишини кузатиш мумкин. Масалан, **чақириш**:

Зиёдни онаси пахтазор қараб-пахтазор қараб чақиради:

-Зиёд-у-у-у!

Мен Зиёдни онаси қўлидан тортиб-тортиб йиглаб қўябераман.

Юринг кетамиз, момо! – дейди . – Юринг кетамиз, ҳозир самолёт келади!

Зиёдни онаси гапимни корламайди. Энтикиб-энтикиб чақиради:

-Зиёд-у-у-у!

Зиёдни онаси ўпкаси тўлиб-тўлиб чақиради:

-Зиёд-у-у-у! (Т.Мурод)<sup>48</sup>

**2.Ундошларни бирдан ортиқ ёзиш.** Аслида орфоэпик меъёр бўйича бир ундош талаффуз қилиниши керак бўлган

---

<sup>48</sup> Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. Т., «Шарқ», 1994, 73-б.

сўзлар муайян вазиятларда экспрессия ва эстетик мақсад талаби билан атайин қаватлаб талаффуз қилинади. Сўзловчининг ички руҳияти (сиқилиш, хурсандлик кабилар) ва мақсадини китобхонга «айнан» етказиш учун ёзувчилар бадиий матнда бу ҳолатни ундошларни бирдан ортиқ ёзиш орқали ифодалашга ҳаракат қиласидар. Бунда белгининг меъёрдан ортиқлиги, ҳаракатнинг давомийлиги ёки онийлиги (бир онда рўй берганлиги), такрорийлиги, товуш кучининг баландлиги ёки пастлиги каби маънолар ифодаланган бўлади. Масалан, **белгининг ортиқлиги:** Айёрлиқда уччиға чиққанман деб мақтансам ёлғон эмас (Ойбек). Ўзим шу байтни яккахонлик қилмоқдаман: Дарди йўқ - кессан, Ишқи йўқ - эшшак! (А.Қодирий)<sup>49</sup>

**Ҳаракатнинг давомийлиги:** –Менинг хотиним бўлиб, ароқ очишни билмайсанми? – деди мингбоши, хохолаб кулди. – Ўрган! Мана қараб тур! – Шишанинг тагига йўғон шапалоғи билан икки марта урди, пўкак чачраб чиқиб шифтга тегди, сўнгра у ердан сачраб товчадаги катта жомга келиб тушди, «жар-р-ранг!»... этди жом.

– Ҳа-ҳа-ҳа!.. – деди мингбоши. Жомларингни жаранглатдим, синталок! (Чўлпон).

Ўҳ-ҳӯ, бунақа сигир бозорда фалон пул бўлса керак.(С.Аҳмад)

Зиёдни онаси бетини билакларига босади. Зиёдни онаси из-з-из-з йиғлайди. Зиёдни онаси юм-м-юм-м йиғлайди. (Т.Мурод)

Ярим соатлик қонли «**ГОВ-В-В-В, ГУ-В-В-В, ОВ-В-В-В-В, ОВ-В-В-В**»дан сўнг Маллахоннинг давангиси мағлуб бўлиб, фажеъ бир суратда яраланди. (А.Қодирий)

**Ҳаракатнинг онийлиги:** Машина Чукурсойга қайрилиш ўрнига йўлнинг ўртасида таққа тўхтади.

**Овоз кучининг баландлиги:** «Буммм» деган товуш эшитилдию, кўкни чанг тўзон қоплади.(Газетадан)

**Овоз кучининг пастлиги:** Аммо шунчалик давру давронлар ўтқузилған ва ўтқузилмоқда бўлған бўлса ҳам

---

<sup>49</sup> Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами.1-жилд.-Т: «Фан», 1995

бунчалик очуб—...ти~~с-с-с~~! Ёпиғлиқ қозон-ёпиғлиқ... түя күрдингми - йўқ... (А.Қодирий) Машина бир-икки **пиф-ғ-ғ** деган овоз чиқарди-да бутунлай ўчиб қолди.

**3. Сўзларни нотўғри талаффуз қилиш.** Оғзаки нутқда турли сабабларга кўра айрим сўзлар, асосан, ўзлашма сўзларни бузиб талаффуз қилиш ҳолати мавжуд. Бундай хато сўзловчининг ўзлашган сўз имлосини тўғри тасаввур қилмаслиги, бошқа миллатга мансублиги, паронимларни фарқламаслик натижасида юзага келади, деб изоҳлаш мумкин. Бадий асарда бу усулдан қаҳрамон нутқини индивидуаллаштириш ҳамда ифодани оғзаки - жонли нутққа яқинлаштириш мақсадида фойдаланилади. Айрим ўринларда кулги қўзғатиш мақсадида ҳам сўзлар атайнин бузиб талаффуз қилинади ва ўша тарзда ёзилади. Масалан: -Котибадан, кирсам мумкинми, деб сўраш керак.

–Жинни бўлдингми, Неъмат?

–Мен сизга Неъмат эмасман, ўртоқ **Баббаев** бўламан, ўртоқ **Хажжайип.**(С.Аҳмад)

–Шайхантовур **ярманкасига** рўза бўйи мол ёйғон жувонлар, кампирлар, қизлар, тумсалар фаже бир қиёфа билан «алвидо, ё моҳи рамазон», деб рўмол силкитадирлар.(А.Қодирий)

–Хўп, бўпти. Унинг оти Зулфиқор, **фомиласи...** – айтаверайми, деб унга қаради. (С.Аҳмад)

Бўрихон бегона уйга кириб қолган одамдек қовушмай туради. У укаларига, сингиллариға нима дейишни билмасди. Тўғри, нима дейишни биларди. Аммо, тил билмаса нима қилсин? Ўйлаб-ўйлаб, «**Салям!**» деди. Жигарлари кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай ҳайрон туриб қолишиди. (С.Аҳмад)

Режиссёр тағин елкам қоқди.

–**Барра калла, барра калла!** – деди.

Режиссёр елкам қоқа-қоқа мени машина тараф жўнатди.

Мен йўл-йўлакай раисимиздан сўрадим:

–Раис бова, режиссёр нима деяпти?

–Баракалла деяпти, баракалла.(Т.Мурод)

**Аллитерация.** Бадий нутқнинг оҳандорлигини ва таъсирчанлигини таъминлашда аллитерациянинг ўрни

беқиёсдир. Шеърий нутқда мисралар, ундағи сўзлар ҳамда бўғинлар бошида ёки охирида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланишига аллитерация дейилади. Товушлар замиридаги мусиқийликка асосланган бу усул қадимдан Шарқ шеъриятида кенг қўлланилиб келинган. Кўхна бадииятшунослик(«илми бадеъ»)да аллитерация «**тавзиъ санъати**» деб юритилган. Аллитерация деганда забардаст шоир Эркин Воҳидовнинг машҳур «**қ**» аллитерацияли шеъри қўз олдимизга келади:

**Қаро қошинг, қалам қошинг,  
Қийик қайрилма қошинг қиз,  
Қилур қатлимга қасд қайраб –  
Қилич қотил қарошинг, қиз.  
Қафасда қалб қушин қийнаб,  
Қанот қоқмоққа қўймайсан.  
Қараб қўйгил қиё,  
Қалбимни қиздирсин қуёшинг қиз.**

Бундай усулни шоир Элбек ижодида ҳам кузатиш мумкин:

**Кўкламда қўкарса қўк қўкатлар,  
Кўкларга қўмилса катта-катталар,  
Кўм-қўк қўкариб қўринса қўллар,  
Кўнгилни қўтарса қўркли гуллар.**

Ёки, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг машҳур «Халқ денгиздир» деб бошланувчи шеъри ҳам аллитерациянинг гўзал намуналаридан ҳисобланади:

**Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...**

Насрда бу тарзда жумла тузиш шеъриятдагидек бадиий эффект бермаслиги мумкин. Шунинг учун насрда камдан-кам ҳоллардагина кузатиш мумкин бўлади. Болалар фольклорида аллитерацияга асосланган *тез айтиши* ҳамда *айтишмачоқ* ўйинлари бор. Тез айтишлар: Бир туп тут, тутнинг тагида бир туп турп. Тут турпни туришиб турибдими, турп тутни туришиб турибдими? Оқ чойнакка оқ қопқоқ, Кўк чойнакка кўк қопқоқ. Айтишмачоқда иштирок этувчи болалардан айнан бир хил товуш билан бошланадиган гап тузиш талаб қилинади.

Бошқа товуш билан бошланадиган сўз аралаштириб юборган иштирокчи ютқазган ҳисобланади ва ўйиндан чиқади. Масалан:

**Али:** Бугун Баҳодир боққа бормай бобосиникига бордими, бозорга бордими?

**Вали:** Бугун Баҳодир бобосиникигаям бормади, бозоргаям бормади. Баҳодир болалар билан биргаликда Бағдодга борди.

**Али:** Баҳодирга Бағдодда бало бормикан?

**Вали:** Бало борми билмадимку, Баҳодир Бағдодга бот-бот борадиган бўлди.

**Али:** Бир балоси бордирки бот-бот Бағдодга боради. Билмадингми?

**Вали:** Билмадим. Болалардан биргина Бобур биларкан.

**Али:** Бобурдан сўраб кўрчи.

**Вали:** Ютқаздинг!

Аллитерациядан халқ мақолларидағи интонацион бутунликни таъминлашда ҳам кенг фойдаланилганлигини кузатишимиш мумкин:

**Сўймаганга сўйканма, сўйганингдан айрилма.**

\*\*\*

**Тулкининг тушига товуқ кирап,**

**Товуқнинг тушига тариқ кирап.**

\*\*\*

**Тек турганга шайтон таёқ тутқазар.**

\*\*\*

**Халқ ҳукми – ҳақ ҳукми.**

**Ассонанс.** Бадий нутқа интонацион бутунлик, оҳангдорлик ва эмоционал – экспрессивлик бағишлиш мақсадида қўлланиладиган фонетик усуллардан бири ассонансдир. Адабиётларда ассонанс айнан ёки яқин унлиларнинг такрорланиб келишидан ҳосил бўладиган оҳангдошлиқ эканлиги баён қилинган. Унлиларнинг такрорланиши мақолларда кўп кузатилади:

**Овни отсанг, билиб от,**

**Дол нишонга қўйиб от.**

\*\*\*

**Нон қон бўлса, қон – жон.**

\*\*\*

**Ўзинг ўйда бўлсанг ҳам, ўйинг уйингда бўлсин.**

\*\*\*

**Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк.**

Ассонанс қофиядош сўзлар таркибида келиб, шеърий нутққа кўтаринки рух ва ўзига хос мусиқийлик баҳш этади:

Руҳимда йўқолди қарорим,  
Танимда қолмади мадорим.  
Бизларни бир йўқлаб келибсан,  
Вафо қиласмисан, баҳорим?!

Ёз ўтди, куз ўтди, қиши ўтди,  
Бошлардан савдоли иш ўтди.  
Юракка изғирин - ниш ўтди,  
Вафо қиласмисан, баҳорим?!

Ям-яшил қирларни соғиндим,  
Чечакзор ерларни соғиндим,  
У инжа сирларни соғиндим,  
Вафо қиласмисан, баҳорим?!

Лоланинг лаблари хандадир,  
Доғи ҳам тубида – андадир.  
Ўхшали рух ила тандадир,  
Вафо қиласмисан, баҳорим?!

Интиқмиз дўст билан, ёр билан,  
Шеър билан, соз билан – топ билан.  
Дийдорлаш бизнингдек хор билан,  
Вафо қиласмисан, баҳорим?! (А.Орипов)

**Геминация.** Бадиий нутқда кенг қўлланиладиган фонетик усуллардан яна бири – геминациядир. «Тилшунослик

терминларининг изоҳли луғати»да мазкур ҳодиса «**қўшундошлиқ** – икки айнан бир хил ундошли ҳолатнинг юзага келиши» сифатида изоҳланади.<sup>50</sup> «Ўзбек тили тарихий фонетикаси» ўкув қўлланмасида эса бу ҳодиса «**қўшоқланиш**» ёки «**иккиланган ундош**» деб юритилади: «*Kўshoqqlanishi* – ундошларнинг чўзилиши, иккиланниши ҳодисасини фонетик ўзгаришлар сирасида кўриб чиқиши ўта шартлидир. Лекин бу ҳодиса фақат икки унли орасидаги якка ундошда содир бўла олиши билан фонетик ўзгаришларга ўхшайди. Қўшоқланиш, асосан, икки унли орасида келган **к**, **қ**, **т**, **л** товушларида ва фақат **2, 7, 8, 9, 30, 50** саноқ сонларини номлашда содир бўлади. Бу сонорларни бир ундош билан ҳам, **иккиланган ундош** билан ҳам талаффуз этиш мумкин бўлган. Саноқ сонлар номидаги бу хил қўшоқланиш сабаблари ҳалигача очилмаган. Лекин катта, латта, якка, ялла, чакки, укки каби сўзлардаги иккинчи **т**, **л**, **қ** лар тарихан морфологик кўрсаткич бўлиб, улардаги қўшоқланиш сингиш (адаптация) натижасидир деган фикр мавжуд.»<sup>51</sup> Адҳам Абдуллаев эса «**ундошларни қаватлаш**» атамасини ишлатган.<sup>52</sup> Ундошларни қаватлаб қўллаш орқали бадиий асарда қаҳрамон руҳиятидаги хурсандлик ва хафалик ҳолатлари тугал тасвирлашга эришилади. Масалан, Айёрликда уччиға чиққанман деб мақтансам ёлғон эмас (Ойбек). Уни айблашга сизнинг маънавий ҳаққингиз йўқ, ука! - деди ғазаб билан (газетадан). Келтирилган мисоллардаги ундашларнинг қаватланиши қаҳрамонлар табиатидаги субъектив ҳолатни ифодалашга хизмат қилган. Яъни, биринчи гапдаги қаҳрамоннинг ўз «ишихунаридан» мамнунлиги, «канойи» эмаслигини таъкидлаш истаги қаватланган «ч» ундоши орқали янада аниқ ифодаланган. Иккинчи гапдаги қаҳрамоннинг қаҳр-ғазаби эса «қ» геминатаси билан кўрсатиб берилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ундошларнинг қаватланиши алоҳида услубий воситадир. Дуч келган товушни қаватлаб қўллаб бўлмаганидек, сўзда турли сабаблар билан

<sup>50</sup> Ҳожиев А. Ўша асар. 143-б.

<sup>51</sup> Немматов Ҳ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. –Т; «Ўқитувчи», 1992, 86-б.

<sup>52</sup> Абдуллаев А. Ўша асар. 18-б.

ёнма-ён келган барча ундошлар ҳам лингвопоэтик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлавермайди. Масалан: – Укагинам, бу кенойингизга (келин ойингизга – эллипсис) загса патта (*сўз имлосида мавжуд*) кесилмаган. Биринчисидан тўққизта (*сўз имлосида мавжуд*) бола бор. Бечора гирой бўламан роса туғди. Тўққизинчисини туғдию ўзимизнинг тилда айтганда бракка (*брак+га/ка*) чиқиб қолди. (С.Аҳмад)

### **◊Назорат учун савол ва топшириқлар**

- 1.Бадиий матнда фонетик бирликларнинг эстетик хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.
- 2.Бадиий матнда фонографик воситаларнинг қўлланиш сабабини тушунтиринг.
- 3.Аллитерация деб нимага айтилади?
- 4.Ассонанс деб нимага айтилади?
- 5.Геминация деб нимага айтилади?

## **Бадиий матннинг лексик-семантик хусусиятлари**

Адабиётнинг сўз санъати эканлиги ҳақидаги ҳақиқат жуда қадим замонлардан бери такрорланиб келинади. Демакки, адабиётнинг бош унсури сўз, умуман, тилдир. Адабий асарнинг абадий асар даражасига кўтарила билиши унинг лисоний таркиби ва асар муаллифининг бадиий ифода балоғатига боғлиқ эканлиги шубҳасиз. Шундай экан, ҳар қандай адабий асарнинг моҳиятини холис баҳоламоқ учун, энг аввало, унинг лисоний таркибининг ўзига хослиги таҳлил этилмоғи лозим.

Тил ва ёзувчи ўртасидаги муносабатни шахмат ва шахматчи ўртасидаги муносабатга қиёслаш мумкин. Шахматда ҳар бир донанинг мавқеи, даражаси, шахмат тахтаси устидаги ҳаракатланиш қоидалари аввалдан белгиланган. Ана шу қоидаларни тугал эгаллаш оқибатида юзага келган юксак маҳорати туфайли шахматчи тамоман янги, кутилмаган юришлар қиласи, бетакрор комбинациялар яратадики, бу унга рақибини мағлуб ва мухлисини мафтун қилиш имконини беради. Тилда ҳам ҳар бир унсурнинг ўз вазифаси, маъно доираси, бошқа унсурлар, бирликлар билан боғланиш қонуниятлари мавжуд. Ана шу қонуниятлардан мукаммал боҳабар бўлган, бадиий диди, сўз сезгиси ва маҳорати юксак ёзувчи бетакрор тасвир, кутилмаган, охорли бадиий лавҳалар, сўз чақинларини пайдо қила оладики, китобхон адибнинг нафақат ғояси, балки гўзал тилининг асирига айланади. Бунда ёзувчи умумхалқ тилидаги бадиий тасвирга фавқулодда

мувофиқ бирликларни танлаш, саралаш ва сайқаллаш асосида, лисоний-бадиий қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда уларга юкландган хилма-хил бадиий-эстетик маънолар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Сўз қўллашнинг санъат даражасида ёки санъат даражасида эмаслигини баҳолаш учун, энг аввало, сўз, унинг маъноси ва бу маънонинг тузилишини аниқ тасаввур этиш лозим. Албатта, сўзниң қўлланиши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқадиган қўшимча маъно нозикликлари, мазмун ўзгачаликлари турли тасвир усуллари ва воситалари орқали реаллашиши мумкин. Аммо таъкидлаш жоизки, бундай қўшимча маъно нозикликлари аксар ҳолларда, аввало, сўз маъно қурилишининг ўзида имконият сифатида мавжуд бўлади, улар сўзниң маъно қурилиши таркибида илгаридан қайд этилган бўлади.

Тилдаги номинатив бирликларнинг маъно тузилишини ўрганишда тилшуносликда семантиканинг коннотатив жиҳати тушунчасига алоҳида эътибор қилинади. Бу масалани монографик тарзда тадқиқ этган В.Н.Телия таърифича, «коннотация – тил бирликлари семантикасига узуал ёки оккозионал равишда кирадиган, нутқ субъектининг борлиқни жумлада ифодалашида унинг айни шу борлиқقا бўлган ҳиссий – баҳолаш ва стилистик муносабатини ифодалайдиган ҳамда шу ахборотга қўра экспрессив қиммат касб этадиган мазмуний моҳият»dir.<sup>53</sup> Коннотация, таърифидан кўриниб турганидай, сўзловчининг борлиқни ифодалаш воситаларига муносабатига дахлдор бўлган жиҳатдир. Масалан, *юз, бет, чеҳра, руҳсор, афт, башира, турқ* каби сўзлар қаторидан тегишли нутқ вазияти ва субъектив нуқтаи назарга мувофиғини танлаш сўзловчининг ўзига берилган имконият эканлиги маълум. В.Н.Телия таъкидлаганидек, бундай сўзлар семантикасида «сўзловчининг ифодаланмишга бўлган муносабати ҳақидаги информация кодлаштириб қўйилган бўлади ва жумла қурилар экан, худди сиқилган пружина қўйиб юборилганидай, бу информация дарҳол ишга тушади», демак, луғат бирликлари

---

<sup>53</sup> Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц.–М.1986, с-5

фақат номинатив фаолият учунгина эмас, балки прагматик фаолият учун тайёр материал бўлиши мумкин. Тадқиқотчи айни шу ўринда ана шу мулоҳазаларга асосланган ҳолда сўзнинг семантик қурилишида номинатив жиҳатга қўшимча коннотатив жиҳатнинг бўлиши нутқий тежамкорлик учун ёрдам беришини ҳам таъкидлайди.<sup>54</sup> В.Н.Телия сўзнинг лексик маъносини, камида, уч макроузвнинг комбинацияси сифатида тасаввур этиш мумкинлигини айтади: 1) маънонинг борлиқдаги муайян реалликни ифодаловчи денотатив узви; 2) категориал-грамматик узви; 3) нутқ субъектининг сўз орқали ифодаланган нарсага муносабатини англатадиган эмотив-модал узви.<sup>55</sup> Ана шу учинчи узв экспрессив бўёқ, услубий бўёқ, эмоционал бўёқ, субъектив баҳо каби тушунчаларни умумлаштирувчи коннотатив маънолардир. Бундай узвнинг мазмун-моҳияти ўзбек тилшунослигига ҳам анча кенг очиб берилган. Масалан, «Ўзбек тили лексикологияси» китобида сўз нарса-ҳодисани ифодалashi баробарида кўпинча шу нарса-ҳодисага сўзловчининг субъектив муносабатини ҳам англатиши алоҳида таъкидланган: «...Луғат составидаги сўзларни кузатиш уларнинг баъзилари бирор нарса, ҳодисаларни атабгина қолмай, айни пайтда сўзловчининг ифодаланаётган тушунчага ўз баҳосини, муносабатини ифодаланишини ҳам кўрсатади. Бу муносабат доирасига ғазаб, эркалаш, қойил қолиш, нафратланиш, жирканиш, киноя каби хилма-хил эмоционал муносабат кўринишлари киради. Хусусан, *азамат*, *ўқтам*, *қойилмақом*, *сўлқилдоқ*, *бопламоқ*, *олчоқ*, *малъун*, *разил*, *сатанг*, *санқи*, *асфаласофилин*, *миянқи*, *қойил*, *дўндирма*, *момоқаймоқ* каби сўзлар, маълум тушунча англатишдан ташқари, сўзловчининг шу тушунчага лоқайд қарамаслигини, аксинча, ижобий ва салбий эмоционал муносабатда эканлигини ҳам кўрсатиб туради. Бу баҳо элементи тингловчи томонидан ҳам одатда сўзловчи назарда тутгандагидек идрок этилади. Тилшуносликда бундай хусусиятга эга бўлган лексика

<sup>54</sup> Телия В.Н. Ўша асар. 7-б.

<sup>55</sup> Телия В.Н. Ўша асар. 16-б.

эмоционал - экспрессив лексика, экспрессив - стилистик лексика терминлари остида ўрганилмоқда».<sup>56</sup>

Бадий матнни лисоний таҳлил қилиш жараёнида ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини намоён этадиган, эмоционал-экспрессив ифода семалари қабарик ҳолда реаллашган лексик бирликларни аниқлаш ва улар адебнинг бадий-эстетик мақсадига қай даражада хизмат қилгани ҳақида мулоҳаза юритиш талаб қилинади. Бунинг учун бадий асар тилидаги маънодош, шаклдош, зид маъноли, кўп маъноли, тарихий ва архаик сўзлар, янги ясалмалар, шевага оид сўзлар, чет ва вульгар сўзлар ажратиб олинади ва асарга нима мақсад билан олиб кирилганлиги изоҳланади.

### **Маънодош сўзлар**

Маънодош сўзлар тилнинг луғавий жиҳатдан бойлик даражасини кўрсатиб берувчи ўзига хос воситадир. Тилда маънодош сўзларнинг қўп бўлиши тилнинг эстетик вазифасини янада тўлиқ бажара олишини осонлаштиради. Бу жуда қадим замонлардан бери англанган, идрок этилган ва ўрганилган. Ўзбек тили маънодош сўзларга жуда бой. Ёзувчилар тилимиздаги маънодош сўзлар ичидан тасвир мақсади ва руҳига мувоғиқ келадиган аниқ сўзни топиб ўз асарларида қўллашга ҳаракат қиласидар, шу тариқа, қаҳрамонлар руҳияти ҳамда тасвир объектининг энг кичик қирраларигача реал кўрсатиб беришга интиладилар. Бадий матндаги маънодош сўзлар таҳлилида, асосан, икки жиҳатга эътиборни қаратиш зарур. Улардан бири муаллифнинг икки ёки ундан ортиқ маънодош сўздан ифодаланаётган мазмун учун энг мақбул бирини танлаши бўлса, иккинчиси айни бир матн таркибида икки ёки ундан ортиқ маънодош бирликларни бадий тасвир мақсадига уйғун ҳолда қўллаши масаласидир.

Тилшуносликда маънодошликтининг, асосан, уч тури фарқланади, яъни: 1) лексик маънодошлиқ; 2) фразеологик маънодошлиқ; ва 3) лексик-фразеологик маънодошлиқ.<sup>57</sup>

**Лексик маънодошлиқдан бир неча мақсадларда фойдаланилади.** Тил бирликларининг такори натижасида

<sup>56</sup> Ўзбек тили лексикологияси. –Т: «Фан», 1981, 160-б.

<sup>57</sup> Қаранг: Асқарова М., Қосимова М., Жамолхонов М. Ўзбек тили. –Т: «Ўқитувчи», 1989, 29-б.

юзага келадиган ифода камбағаллиги ва рангизлигидан қочиш учун: Иккала ўртоқнинг шарақ-шарақ гаплашган, бир-бирларига севинч билдиришган қувноқ ва баланд **овозлари** бошқа ҳамма унларни босиб кетди.(Чўлпон)<sup>58</sup> Тасвир объектига эътиборни жалб қилиш учун: Холбуки, мусулмонлик кийимда эмас, **қалбда, дилда.** (Чўлпон) Ижобий белгининг даражама-даража ортиб боришини аниқ ифодалаш учун: Зебихон билан келган бошқа қизлар ҳам бир-биридан **яхши**, бир-биридан **соз**, бир-биридан очик, бир-биридан қувноқ...(Чўлпон) Салбий белгининг кучайиб боришини ифодалаш учун: Хўш, мингбошининг ўзи одамлар айтганидай жуда **хунук** ва **бадбашара** одамми? (Чўлпон)

**Контекстуал маънодошлиқ.** Катта маҳоратли ёзувчиларнинг бадиий тил борасидаги устунликларидан бири шундаки, улар фақат тилда мавжуд бўлган, тайёр маънодош сўзлардангина фойдаланиб қолмасдан, бадиий тасвир эҳтиёжига кўра маънодош бўлмаган сўзларни ҳам шундай қўллайдиларки, бу сўзлар ҳам матнда худди маънодош сўзлар каби идрок этилади. Масалан: Кечагина **қарғаб, сўкиб, «ўлдирсан!»** деб юрган кундошини **ўпиб, қучоқлаб, силаб-сийпаб** бир нафасда иккаласи «қалин дўст» бўлган эмишлар. (Чўлпон)

**Фразеологик маънодошлиқ.** Воқеликни образли тасвиrlашда, уни китобхон кўзи ўнгидаги аниқ ва тўла гавдалантиришда фразеологик ибораларнинг маънодошлигидан кенг фойдаланилади. Тоқати тоқ бўлмоқ – сабр косаси тўлмоқ, бурни кўтарилимоқ – димоги шишмоқ, яхши кўрмоқ – кўнгил бермоқ, икки оёғини бир этикка тиқмоқ – оёқ тираб олмоқ, оғзига толқон солмоқ – мум тишламоқ кабилар фразеологик маънодошликка мисол бўлади. Жумла таркибида келган маънодош иборалар қаҳрамон билан алоқадор бирор бир сифатни, хусусиятни деталлаштириб, икир-чикиригача кўрсатиб тасвиrlашга хизмат қиласи. Масалан: У енгган, ютган, **ошиби олчи келган, деганини бўлдирган** кундош эмасми?

---

<sup>58</sup> Чўлпондан келтирилган мисоллар қўйидаги нашрдан олинди: Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. 2-жилд. –Т: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994

**Лексик-фразеологик маънодошлиқ.** «Луғавий бирлик сифатида фразеологизмлар сўзлар билан ҳам синонимик муносабатда бўла олади.»<sup>59</sup> Масалан: Хурсанд – оғзи қулоғида, ғазабланмоқ – жаҳли чиқмоқ, беғам – дунёни сув босса тўтиғига чиқмайди кабилар лексик-фразеологик маънодошлиқ ҳисобланади. Бадиий матнда маънодошлиқнинг бундай туридан ҳолатни бўрттириб, атрофлича тасвирлашда фойдаланилади: Курвон биби сўзга қанча эпчил бўлса, Рассоқ сўфи шу қадар **камгап, индамас, дамини ичиға солған**, зиқна одам эди.

### Шаклдош сўзлар

Тилимизда товуш (ёзувда ҳарфий) томони бир хил бўлиб, турлича маъноларни ифодаловчи сўзлар мавжуд. Бундай сўзлар омонимлар деб аталади. Тилшунослиқда омонимиянинг уч кўриниши мавжудлиги таъкидланади: Омолексема, омограф ва омофонлар. «Омолексемаларни белгилашда талаффуз жиҳатидан бўладиган бир хиллик ҳам, ҳарфий (график) ифода жиҳатидан бўладиган бир хиллик ҳам ҳисобга олинади.»<sup>60</sup> Масалан, қовоқ-I (инсон аъзоси) – қовоқ-II (ўсимлик номи). Омографлар эса, ҳарфий жиҳатдан бир хил бўлиб талаффузи ҳар хил бўлади: том-I (уйнинг томи) – том-II (жилд), атлас-I (ипакдан тайёрланган мато тури) – атлас-II (харита). Омофонлар деб талаффуз жиҳатидан тенг келиш ҳодисасига айтилади: бор(<боб) – бор, ёт(<ёд) – ёт, сутхўр(<судхўр) – сутхўр каби. Шаклдошлиқ ибораларда ҳам кузатилади: бошига кўтармоқ-І (эъзозламоқ) – бошига кўтармоқ-II (тўпалон қилмоқ), қўл кўтармоқ-І (овоз бермоқ, маъқулламоқ) – қўл кўтармоқ-II (урмоқ). Шаклдош сўзлар асосида юзага келадиган оҳангдошлиқдан бадиий асарда алоҳида услубий восита сифатида фойдаланилади. Насрда асқия ва пайров орқали кулги чиқариш мақсадида, шеъриятда эса туюқ ҳосил қилишда ишлатилади. Масалан:

Кўқонда Урфий деган, Хўжандда Камол Хўжандий деган шоирлар бир-бирлари билан дўст экан. Камол Хўжандий Урфийни меҳмонга чақирибди. Супада суҳбат қилиб

<sup>59</sup> Шоабдураҳмонов Ш. ва ба б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм,-Т. «Ўқитувчи», 1980, 144-б.

<sup>60</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили.-Т: «Университет», 2006, 45-б.

ўтирганларида Камол Хўжандийнинг кичкина кучуги дастурхон ёнига келиб, ҳатто дастурхонга тегиб кетса ҳам, у индамас экан. Урфийнинг жуда ғаши келиб, аччиғи чиқипти ва охири сўрапти:- Бу маҳсумчага нима ном қўйганлар?

Камол Хўжандий: **Урфий** номлардан бирини қўйганмизда.

Урфий: **Камолига етсин!**<sup>61</sup>

Туюқ:

Буним йўқ, **уним** йўқ,  
Уйимда **уним** йўқ.  
Ишимда **унум** йўқ,  
Айтишга **уним** йўқ. (Камий)

### Пароним сўзлар

Паронимлар (raga-ёнида + опута-ном) деб фонетик таркиби бошқа-бошқа, талаффуздагина ўхшаш, яқин бўлиб қолган сўзларга айтилади. Абзал (асли афзор-асбоб, эгаржабдуқ) – афзал (лафз сўзининг кўплиги), халос (озод бўлиш) – холос (фақат), хуш (яхши, ёқимли) – ҳуш (инсоннинг сезиш, идрок этиш қобилияти). «Паронимларга асосланган услубий фигура **парономазия** деб юритилади. Бадиий адабиётда парономазиядан ифодалилик, оҳангдорликка эришиш, комик эффект яратиш, сўз ўйини ҳосил қилиш каби мақсадларда фойдаланилади.»<sup>62</sup> Бадиий адабиётда ўхшаш сўз (пароним)лар қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш, уларнинг маънавий ҳамда лисоний савиясини кўрсатиш учун ҳам ишлатилади. Қуйидаги парчада паронимлардан комик эффект яратиш мақсадида фойдаланилган. Қаҳрмон **компот** (мевалардан тайёрланадиган шарбат) ва **компост** (чиқиндилардан ачитиб тайёрланадиган органик ўғит) пароним сўзларининг маъносини билмаганлиги учун кулгили вазиятга тушади: «Айланиб юриб тўртинчи бригада даласида жанжал устидан чиқиб қолибман. Бўлим бошлиғи Ўрмон ака билан бригадир Раҳимжон ака нима тўғрисидадир қўлларини пахса қилишиб баҳслашмоқда эди. Мени кўриши билан бўлим бошлиғи:

<sup>61</sup> Ўзбек ҳалқ ижоди. Аския. F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.-Т:1970,110-б.

<sup>62</sup> Ҳожиев А. Ўша асар, 80-б.

- Ўртоқ агроном сиздан бир илтимосим бор,-деб қолди.
- Агар малол келмаса, мана бу Раҳимжонга, унинг аъзоларига **компост** тўғрисида гапириб берсангиз. Булар ҳалигача ҳеч нарса тушунмас экан.
- Марҳамат,-дедимда, у ёқ-бу ёққа қараб олгач, лекция ўқишга тушиб кетдим:
- Ўртоқлар, **компот** жуда фойдали ичимлик, уни асосан мевадан тайёрлашади. Меваларнинг хили қанчалик кўп бўлса, у шунча ширин бўлади. Бизнинг Фарғона томонларда компотни ўрик, шафтоликоқи ва олчанинг қуруғидан тайёрлашади. Хуллас, компот ичмабсиз, дунёга келмабсиз... Гапимни тугатмасимдан ўтирган одамлар шарақлаб кулиб юборишиди. (Х.Тўхтабоев)

Сайд Аҳмад ўзининг «Синовчи учувчи» деб номланган ҳажвиясида ҳам ўхаш талафузли сўзлар воситасида паронамазияни юзага келтирган: Мухбир (микрофонга). Азиз радио тингловчилар! Ҳар бир корхонанинг маҳсулоти сифатини аниқлайдиган ўз синовчилари бўлади. Масалан: янги самолётни биринчи учириб берадиган учувчини **синовчи-учувчи** дейдилар... Мана, қаршимизда турган барваста қоматли, қараши бургут нигоҳини эслатадиган, бутун вужудидан куч-ғайрат, садоқат, вафо сезилиб турган мана шу заводнинг **синовчи-ичувчисидир...**

Биринчи парчадаги паронамазияда иккита ўхаш сўзнинг қаҳрамон тарафидан фарқланмаслиги, яъни иккита алоҳида сўз маъноларининг қориширилиши натижасида кулгили ҳолат юзага келган. Иккинчи парчадаги паронамазияда эса қаҳрамон кулгили вазиятни юзага келтириш учун атайин ўхаш талафузли янги конструкцияни ҳосил қиласди.

### **Зид маъноли сўзлар**

Тилда зид маъноли сўзларнинг мавжудлиги бадий нутқнинг ифодалилиги, экспрессивлиги, таъсирчанлигини таъминлашда қулай воситалардан биридир. Шарқ адабиётда жуда қадим замонлардан буён тилдаги бу ифода имкониятидан кенг фойдаланиб келинган. «Шоир учун жуда зарур бўлган санъатлардан бири тазоддир. Бу санъат яна *мутобақа, тибоқ, татбиқ, муттазод, иттизод* ва *такоғу* деб ҳам аталади. Бу

санъатда, бадиъшуносларнинг айтишича, зид маъноли сўзлардан фойдаланилади.»<sup>63</sup> Европа филологик анъанасида бу санъат «антитета» деб юритилади. Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилига бағишлиланган ишларда зидлантириш, қаршилантириш атамаларидан фойдаланилади. Зид маъноли сўзларни ёнма-ён кўллаш орқали тушунчалар, белгилар, ҳолатлар, образлар зидлантирилади. Одатда, лисоний ва контекстуал ёки нутқий зид маъноли сўзлар фарқланади. Масалан: **Эски қишлоқقا янги одат.** (Мақол) Ҳали анча баландда бўлса ҳам унинг **камолидан заволи яқинроқ** экани кўриниб туради. Шунча ер **кўлдан чиқкан** бўлса, унинг бараварига қанча давлат **кўлга киргандир**, муни худо биладио худонинг севимли бандаси қоракўз Мирёқуб билади!..(Чўлпон) Баъзан маҳоратли ёзувчилар қаҳрамонлар руҳиятидаги контрастликни бўрттириб тасвирилаш мақсадида муайян бир контекстуал синонимик қатордаги бир неча сўзни бошқа бир контекстуал синонимик қатордаги бир неча сўзга бирданига зидлантирадилар. Масалан: У вақтда ўзи – **кулди, очилди, қувонди, гердайиб, осмондан қараб қадам босди...** Хадичахон эса эзилди, куйди, ўртанди, хўрланиб – **хўрланиб, аччиқ – аччиқ йиглади.** (Чўлпон)

Контекстуал антонимлардан бадиий асарда тасвирининг таъсирчанигини ошириш мақсадида ишлатилади. Масалан:

«Зелихон Элчиндан қасос ҳақидаги гапларни биринчи марта эшитганда сергакланди. У **муштдек** юракни **қоядек** дард босиб турибди, деб юрса, бу вужудда вулқон куч тўплаётган экан...» (Т.Малик)

Бу нутқий парчада муштдек ва қоядек сўзлари «кичик» ва «катта» маънолари билан антонимик муносабатга киришган.

Зид маънолиликни барқарор бирикмаларда ҳам кўплаб кузатишимииз мумкин. **Ибораларда:** кўкка кўтармоқ – ерга урмоқ, юзи ёруғ – юзи шувут, кўнгли оқ – ичи қора, кўзига иссиқ кўринмоқ – кўзига совуқ кўринмоқ каби. Ёки сўз ва ибора ўртасидаги – лексик-фразеологик зид маънолилик: хасис – **кўли очик, хафа – оғзи қулоғида** каби. **Мақол ва**

<sup>63</sup> Рустмов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 64-б.

**маталларда:** Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда. Яхшидан от қолади ёмондан дод. Осмон йироқ – ер қаттиқ. **Ҳикматли сўзларда:** Билмагани сўраб ўрганган – олим, орланиб сўрамаган – ўзига золим. (А.Навоий)

### Кўп маъноли сўзлар

Ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини белгилашда бадиий нутқ ифодалилигини қай даражада таъминлай олганлигига эътибор қаратилади. Буни қўп маъноли сўзларни ўз ўрнида, муайян эстетик мақсад билан қўллай олишидан ҳам аниқласа бўлади. Кўп маъноли сўзлар нутқнинг ифода имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашувчи лисоний восита хисобланади. Масалан: **Юк** сўзи ўзбек тилида кўп маъноли сўз хисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мазкур сўзниң қуидаги маънолари қайд қилинган: 1) «Бир ердан иккинчи ерга кўтариб, ташиб борилиши лозим бўлган оғирлик»; 2) «Кишини уринтириб қўядиган, ташвишга соладиган ортиқча нарса, ташвиш, даҳмаза»; 3) «Қориндаги бола, ҳомила»; 4) «Диний эътиқодга кўра азиз-авлиёларни ранжитиш туфайли юз берадиган касаллик».<sup>64</sup> Ардокли адабимиз Чўлпон ўзининг «Кеча ва кундуз» деб номланган романида қаҳрамонлар нутқида ана шу сўзниң 2- ва 4- маъноларини қориштириш асосида ҳам қаҳрамонлар ички дунёсини ёрқинроқ очишга, ҳам чиройли кулги чиқаришга муваффақ бўлган: – Елкамда ўн путдан ўттиз пут **юким** бор... – деди мингбоши. Бу ҳам бақиришга яқин бир овоз билан айтилган эди. Учала хотин ҳам бу **юкнинг** нималигини англаб етолмадилар. Хадичахоннинг фикрича, мингбошига «иirim» қилган эдилар. Энди уни «қайтартирмок»дан ўзга илож йўқ эди. Бу фикр бошқа кундошларнинг мияларидан ҳам ўтмади эмас... Фақат Хадичахоннинг бу фикри қатъий бўлса керакким, яширишга лозим кўрмади:

– Ганимлар қасд қилганга ўхшайди. Қайтарма қилдириб берсамми? – деди.

---

<sup>64</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Москва: «Рус тили», 1981, 2-том, 465-б.

—Аёлларнинг билгани ирим, билгани қайтарма, билгани азайимхон... — деди мингбоши... Шу очилишдан дадилланиб бўлса керак Хадичахон яна эътиroz қилди:

—Ўзингиз ўз оғзингиз билан «**юк** босди» демадингизми?

Мингбоши кулиб юборди:

—«**Юк** босди» деган бўлсам «қандай **юк**?» деб сўрагин-да, бачағар! —деди у.

Бу вақтда уйдагилар ҳам аста-секин ташқарига чиқиб яқин ўртага келган эдилар. Мингбоши давом қилди:

—Учаланг **юк**мисан менга?

—Нима оғиримиз тушди сизга? —деди Хадичахон. (Чўлпон)

Кўп маъноли **юк** сўзи мингбоши нутқида «ортиқча ташвиш» маъносида, яъни «учта хотини ўн пуддан ўттиз пуд» даҳмаза маъносида қўлланган, хотинлар эса бу сўзниг қайд этилган 4-маъносида тушунгандар, шу тарзда кулгили ҳолат юзага келган.

Кўп маънолилик асосан сўзларга хос хусусият бўлиб бир сўзниг бирдан ортиқ маънога эга бўлиши тушунилади. Ибораларда ҳам кўп маънолиликни кузатиш мумкин. Масалан: юраги қинидан чиқмоқ ибораси севинчни ва қаттиқ қўрқувни ифодалашга хизмат қилади. Қизнинг паранжисини кўриши биланоқ йигитнинг юраги қинидан чиқаёзди (Ойбек). Қўрқмайман деб бўлмайди, ўғлим. Шунаقا вақтда одамниг юраги қинидан чиқиб кетади (А.Қаҳҳор). Бош суқмоқ – қисқа фурсатга кирмоқ, хабар олмоқ; аралашмоқ, одамларга қўшилмоқ. Томдан тараша тушгандай — кутилмаганда, қўққисдан; қўпол тарзда.

### Эскирган сўзлар

Жамият ўсиб-ўзгариб борар экан, ижтимоий-иктисодий, маданий-маънавий ҳаётдаги баъзи тушунчалар тамомила эскириб, амалиётдан чиқиб кетади. Бадиий асарда муайян давр воқеалари тасвирланар экан, ана шу даврга оид бўлган эски тушунчаларга мурожаат қилмасликнинг асло иложи йўқ. Тилшуносликда бундай тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар «архаик сўзлар» ва «историзм – тарихий сўзлар» деган номлар остида умумлаштирилади. Тилнинг ҳозирги даври учун

эскилик бўёғига эга бўлган тил бирлиги архаизм деб юритилади. «Архаизм ўзи номлаётган воқеликни англатувчи лексик бирлик билан ёнма-ён яшайди.»<sup>65</sup> Архаизмлар бадиий матнда тасвирланаётган давр воқелигини реал тасвирлаш, асарнинг тарихийлик руҳини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Ўрду-қўшин, ҳандаса-геометрия, тилмочтаржимон, миরза-котиб, садр-раис, лак-юз минг каби сўзлар ишлатилганда давр руҳи таъкидланган бўлади. Айрим архаик сўзлар замонавий маънодошига қараганда маънони кучлироқ ифодалаш хусусиятига эга бўлади. Масалан, йўқсил – камбағал архаик сўзларига эътибор берадиган бўлсак, «ҳеч нарсага эга эмаслик» маъноси йўқсил лексикмасида камбағал лексемасига қараганда анча ортиқ, чунки мазкур сўзлар таркиби тарихий-этимологик таҳлил этилганида англанадиган йўқ-кам сўзлари қиёсланса, биринчисида айни белгининг ноль даражада эканлиги сезилади. Архаик сўзлар муайян даврнинг ёзма услубини ифодалашда ёки қаҳрамоннинг нутқий характеристикасини беришда ҳам услубий восита сифатида ишлатилади. Шеъриятда нутққа кўтаринки рух бағишлиш мақсадида ишлатилади:

Сиз кўкнинг **қопқасин** қокқан соатда  
Куёш қўз уқалаб уйғонар эди.(Ғ.Ғулом)  
Улуғ шаҳарларнинг бўйсирасида  
Абадий ўринни топа олган **Шош.** (А.Орипов)  
Не-не зилзиладан чиқолган омон  
**Манглайи** ярқироқ маконсан буюк. (А.Орипов)

Ҳозирги кунда учрамайдиган, фақат тарихий нарса ёки воқеа-ҳодисаларнинг номини билдирувчи сўзлар историзм (тарихий сўзлар) дейилади. Историзмнинг архаизмдан фарқи шундаки, бугунги кунда ўша тарихий воқеликнинг ўзи ҳам уни англатувчи бошқа лексик бирлик ҳам бўлмайди, демак историзм ўзи ифодалаётган ҳодисанинг ягона номидир. Масалан: амин, пристав, мингбоши, нойиб, элликбоши, понсад кабилар бадиий матнда ишлатилганда китобхон ижтимоий бошқарув тизими билан боғлиқ тарихий воқеликни кўз олдига

---

<sup>65</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. 98-б.

келтиради. Тарихий сўзлар ҳам бадиий матнда ўтмиш воқелигини реал тасвирилаш мақсадида ишлатилади.

Бадиий асар тилидаги эскирган сўзларни таҳлил қилишда асар ёзилган даврни эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Чунки, «сўзлар ёзувчи яшаган, ижод этган даврдаёқ эскирган бўлиши мумкин бўлганидек, асар ёзилган даврда фаол истеъмолда бўлиб, кейинчалик истеъмолдан тушган»<sup>66</sup> бўлиши мумкин.

### **Янги сўзлар**

Янгилик бўёғига эга бўлган, янги нарса-ҳодиса ва тушунчаларни ифодалаш учун ҳосил қилинган лексемалар неологизмлар – янги сўзлар дейилади. «Неологизм тилга умуман мансуб бўлиши ёки якка шахс нутқига хос бўлиши мумкин. Биринчиси умумтил неологизми деб, иккинчиси индивидуал нутқ неологизми деб юритилади.»<sup>67</sup> Бадиий асарда асосан индивидуал нутқ неологизмлари бадиий-эстетик қиммат касб этади. Маҳоратли ёзувчилар воқеликни ўзига хос, бетакрор ва янгича ифодалашга ҳаракат қиласалар. Шунинг учун ҳали кўницилмаган ёки умуман қўлланилмаган, янги, оҳорли сўзлардан фойдаланадилар. Буни қўйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин: 1.Шу икки кечанинг ихтиёри менда! Мен – **жинланганман**, мен – ўтман, оловман! 2.Мирёқуб Акбарали мингбошини ҳақир кўради, хўрлайди, унинг **итланишидан** кулади. 3.**Баҳорлашиб** бир бориб келаман, деб юриб эдим. (Чўлпон) 4.Шу боисдан Тарлонни ошиқча **зарбаламадим**. 5.Бажаражак юмушларимни бот - бот **баёнлади**. 6.**Таътилланиб подаётоқقا** бордим. (Т.Мурод)

### **Шева сўzlари**

Ёзувчилар ўз қаҳрамонларини ўзлари яшайдиган ҳудуд ва муҳитдан айирмаган ҳолда, ҳаётдагидек ишонарли ва жонли тасвирилаш эҳтиёжидан келиб чиқиб шевага хос сўзларни ишлатади. Шева сўзлари маҳаллий колорит, ҳудудий мансубликни ўзида аниқ акс эттириш билан бирга «бадиий нутқда муайян эстетик функцияни бажаради. Бироқ

<sup>66</sup> Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи. НД.-Самарқанд, 2004.

<sup>67</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. 93-б.

диалектизмларнинг эстетик қиммат касб этиши уларнинг бадиий нутқдаги меъёри, қандай ишлатилиши ва айни пайтда қандай диалектизмларнинг қўлланиши билан боғлиқдир.»<sup>68</sup>

Тилшуносликка оида адабиётларда шевага хос бирликларнинг фонетик, лексик ва грамматик диалектизмлар сифатида тасниф қилинганлигини кузатиш мумкин. **Фонетик диалектизмлар** асосан, товушларни ўзгартириб қўллаш, товуш орттирилиши, товуш тушиши ва товушларни қаватлаб қўллаш кўринишларида намоён бўлади. Масалан: 1. Зебининг қиши сиқилиб, занглаб чиқсан кўнгли баҳорнинг илиқ ҳовури билан очила тушган; энди, устига похол тўшалган аравада бўлса ҳам, аллақайларга **тала**-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлиган эди.(Чўлпон) 2. Энахонларнинг бутун оиласи ёйилган қопнинг теграсида **жугари** уқалаб ўтирадилар. (Чўлпон) 3. Тошканийм олибдими-а? 4. Телевизорнинг ичидада, **улим**. 5. Обрўй бор-да, обрўй! 6. Ана энди, қуёшда **мазза** қилиб тобланиб ётамиз. (Т.Мурод) **Лексик диалектизмлар** ҳам ўз навбатида ички гуруҳларга бўлиб ўрганилади: соғ лексик диалектизмлар, этнографик диалектизмлар ва семантик диалектизмлар. Масалан: 1. Кампир **шотининг** ён ёғочини силаб ўйнар, Энахон оғзидан олган сакичини эзиб «сокқа» ясар...(Чўлпон) 2. Жиянингиз қишлоқдан зигир мой олиб келди. Шуни **чучитяпман**. (Т. Мурод). 3. У ёзлик кийимини кийиб, тўппа-тўғри биринчи класс номерга борди ва ўзи учун ажратилган кичкинагина **чиғилинг** (бежирим) ва соз уйига ўрнашди. (Чўлпон). 4. Ток ости **сўри олачалпоқ** қўлага бўлди. (Т.Мурод)

Муайян шева тарқалган худудда яшовчи кишиларнинг ўзларига хос бўлган урф-одатларининг номлари **этнографик диалектизмлар** деб юритилади. Бундай сўзлар тасвирининг реаллигини таъминлайди: У эшикдан кирап – кирмас **тўй тўққизини** хотинига узатиб: - Қизинг қани? – дея сўради.(Чўлпон) Бирор сўз адабий тилда ҳам, шевада ҳам мавжуд бўлиб, шевада адабий тилда бўлмаган маъноси билан қўллана оладиган сўзлар **семантик диалектизмлар** деб

<sup>68</sup> Абдураҳмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси.-Т: Фан, 1981, 24-б

юритилади. Масалан, Мен **бувимдан** (онамдан – М.Й.) берухсат меҳмон чакирмайман. (Чўлпон) **Грамматик диалектизмларнинг** ҳам морфологик ва синтактик деб аталувчи ички гуруҳлари мавжудлигини қайд этиш мумкин. Масалан: Қурвонбиби бу ҳақиқатни ўзи-ўз кўнглида неча марта такрорлаган **бўлсайкин**. Биламиз, тақсир, янги уйланган одамди гапга тутиб бўлмайди.

Шевага хослик ибораларда ҳам мавжуд бўлиб бадиий матн қаҳрамонларининг маълум бир ҳудудга мансублигини ва воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтаётган ўринни таъкидлашга хизмат қиласди. Масалан, Тоғай Мурод асарларида Сурхондарё шевасига хос фразеологизмлар кўп қўлланилган: Эсон хизматкорни боласи Ботир қўшчи тумандан **айниб келди**. Холилатиб-холилатиб **оёқ илди**. Шаҳодат бармоғини боши узра **ниш этди**.

### **Чет ва ҳақорат сўзлари**

Бадиий адабиётда муайян тасвир мақсади билан ўзга тилга оид сўз ва иборалар қўлланиши кузатилади. Тилнинг луғат таркибига киритилмаган, фақатгина оғзаки нутқда мавжуд бўлган бундай чет сўзларидан бадиий нутқда қаҳрамон характери, миллий мансублиги ва ички дунёси тасвирида ҳамда воқеа-ҳодисага хорижга хослик таъкидини бериш мақсадида ишлатилади. Шунингдек, воқеалар бўлиб ўтаётган ўринга ишора қилиш ёки нутқий вазият ва унда иштирок этаётганларнинг миллий мансублиги ҳақида маълумот бериш истаги билан ҳам киритилиши мумкин. Бундай бирликлар **варваризм** (айрим адабиётларда **экзотизм**)лар деб юритилади. Масалан, қуйидаги парчада татар миллатига мансуб Фатхуллин исмли амалдор нутқида келтирилган варваризмлар қаҳрамон характерини тўлиқ очиб беришга хизмат қилган:- Ўху, толковий малай шул. Бундан отличний коммунист чиқа. Ул партия учун атисидан кечди. Динсиз эканини доказат этиш учун колбаса йиб курсатди. Буни ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Только патриот коммунистгина колбасани шулай ейиши мумкин. Браво, браво! (С.Аҳмад)

Тилшуносликда **вульгаризмлар** деб аталувчи ҳақорат сўзларида ўта салбий муносабат, камситиш, менсимаслик,

ҳақорат каби бир қатор ифода семалари жуда очик кўриниб турган бўлади. Бундай сўзлар кўпроқ номинатив маъноларига кўра эмас, айни шу коннотатив маъноларига кўра нутқда яшайди. Ҳақорат сўзлари бадиий асарларда асосан, қаҳрамонлар нутқида ишлатилади. Лисоний таҳлил жараёнида бадиий асарга олиб кирилган вульгаризмларни кимнинг (жинси, ижтимоий табақаси, мавқеи, ёши кабилар) нутқида ишлатилаётганлигига қараб гуруҳлаш, қандай вазиятларда ва нима сабабдан қўлланилаётганлигини ҳамда уларнинг лексик-семантик таркиби, шевага хосланганлиги кабиларни аниқлаш лозим бўлади. Мисоллар: –Ҳей! Бақقا туш, энағар!, Момо қо-олди... Юрагинг совудими, ҳароми? Энди яйлов кенг бўлди сенга! Боғда жавлон урасан, **силкасал!** (Ш.Холмирзаев) - **Аҳмок!** – деди кампир. – Қаёқларда санқиб юргандинг? (С.Аҳмад) – Нима, нима? Менга тил тегизди? Нималар дейди **хотинталоқ?** (Чўлпон) -Ўббо, **баччаталоқ...** (А.Қодирий) Ғанимат ғарники, дейдилар,-деди Ботир фирмә. (Т.Мурод)

### **Барқарор бирикмалар**

«Икки ва ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган, нутқ жараёнига тайёр ҳолда олиб кирилувчи, тил эгалари хотирасида имконият сифатида мавжуд бўлган тил бирликлари барқарор бирикмалар дейилади.»<sup>69</sup> Иборалар, мақол-мatalлар ва ҳикматли сўзлар барқарор бирикмалар ҳисобланади.

**Иборалар.** Воқеликни образли тасвирлашда, уни китобхон кўзи ўнгига аниқ ва тўла гавдалантиришда фразеологик ибораларнинг ўрни, аҳамияти бекиёсдир. Иборалар ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиш, жамиятдаги мақбул ва номақбул ҳаракат-ҳолатларни баҳолаш, турмуш тажрибаларини умумлаштириш асосида халқ чиқарган хуносаларнинг ўзига хос образли ифодаларидир. Ёзувчилар одатда тасвир мақсадига мувофиқ ибораларни танлаб қўллаш билангина кифояланиб қолмайдилар. Балки, қаҳрамонлар

<sup>69</sup> Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (Академик лицейларнинг 2-босқич талабалари учун дарслик )-Т., «Шарқ», 2002, 103-б.

табиати, руҳий ҳолати, ҳаёт тарзига мослаб ўзгартиради ва қайта ишлайди. Шу тарзда халқ иборалари сайқалланиб, янги маъно нозикликлари билан тўйиниб боради. Халқ ибораларини қайта ишлашнинг усуллари, уларга янгича ранг ва тус, янгича маъно талқини беришнинг йўллари жуда хилма-хилдир. Бунга «умумтил ибораси замиридаги маънонинг янгича талқинини очиш, иборанинг лексик таркибини ўзгартириш ва унинг семантик-стилистик функцияларини кенгайтириш, иборага янгича мажозий ва образли маънолар киритиш каби усулларни киритиш мумкин.»<sup>70</sup> Фразеологик ибораларни қайта ишлашнинг турли усуллари Б.Йўлдошев томонидан кенг ўрганилган.<sup>71</sup> Бадиий матнда энг кўп учрайдиганлари қуидагилардан иборат:

**1.Ибора таркибидаги айрим сўзларни алмаштириш:** Яна уч кун жим туриб берсангиз, мулла минган **велосипеддек** ювош бўлиб қоласиз. (С.Аҳмад) Мингбошининг фалон – фалонлари бизни **кўзига** иладими?,- деб хабар ҳам қилмабмиз. Нега индамайсанлар? Оғзингга **пахта тиқдингми** ҳамманг? Дунёда ўз оёғига ўзи болта **чопадиган** аҳмоқ ҳам бўладими? (Чўлпон)

**2.Ибора таркибини кенгайтириш.** Бунда ибора таркибига янги сўз киритилади. Тилимизда жар солмоқ ибораси мавжуд. Чўлпон уни **қўшкарнайи** билан жар солмоқ тарзида кенгайтиради: Мингбошиликни тортиб олиб, эл кўзида тамом шарманда қиласигандай! Абдисамат билан Ёдгор эчки, Умарали пучуклар яна **қўшкарнайи билан жар соладигандай!**

**3.Ибора таркибини қисқартириш.** Ибора таркибидаги айрим сўзларни тушириб қўллаш тилдаги тежамкорлик талаби билан амалга оширилади. Аммо ёзувчилар бундан ўз бадиий-лисоний мақсадига кўра фойдаланадилар. Тилимизда қўлини ювиб қўлтиғига урмоқ ибораси мавжуд бўлиб, унинг маъноси «ихлоси қайтиб, ишонмай қўйиб, диққат-эътибордан соқит қилмоқ» тарзида изоҳланади. Чўлпон «Кеча ва кундуз» романида уни мана бундай қисқартирилган ҳолда қўллайди: Ундан кейин, қишлоқ одамларининг шунаقا ўзбошимча ҳаракатларига йўл қўйиб берсак, оз вақт ичида қишлоқдан **қўл**

<sup>70</sup> Шомақсудов А ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. –Т: 1974. 70-б.

<sup>71</sup> Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари.-Самарқанд, 1999.

**ювишимиз** керак бўлади. Бу иборанинг нойиб тўра нутқида қўл ювмоқ тарзида қисқариши нафақат шакл ихчамлиги учун, балки маъно силжиши учун ҳам хизмат қилган. Нойиб тўранинг «воқеалар шу тахлит давом этса, оз вақт ичида биз қишлоқни ташлаб чиқишимизга тўғри келади» демоқчи эканлиги мазкур ибора орқали таъкидланган. Бундан кўриш мумкинки, айни иборанинг қисқарган варианти «ташлаб чиқмоқ», «ажралмоқ», «қочиб қолмоқ» каби янги маъно қирралари билан матн бадииятини бойитган.

Бадий асарда қўлланилган ибораларни ўрганишда бир асар доирасидаги фраземалар микдорини (фондини) аниқлаш ва характерли хусусиятларига қараб таснифлаш, уларни структурал-семантик жиҳатдан тавсифлаш ҳамда матндаги вазифасини текшириш лингвопоэтик таҳлил талабларидан ҳисобланади. Ана шундай таҳлилда ёзувчининг имконият сифатида мавжуд бўлган тил бирликларидан фойдаланиш маҳорати ҳам намоён бўлади.

### **Мақол - матал ва ҳикматли сўзлар**

**Мақоллар** – грамматик жиҳатдан тугалланган фикрни билдирувчи, кичик, ихчам, ўткир мазмунли, қўчма маънода ёки ҳам кўчма маънода, ҳам ўз маъносида қўлланадиган ҳикматли халқ ибораларидир.<sup>72</sup> Мақолларда фикрни лўнда ва тиниқ ифодалаш имкониятининг мавжудлиги нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда жуда қўл келади. Бадий асарнинг халқчиллигини, ҳаққонийлигини таъминлашда ҳам мақолларга мурожаат қилинади. Қаҳрамонлар нутқини бойитиш, эмоционал-экспрессивликка эришиш мақсадида ҳам мақоллардан кенг фойдаланилади. Яхшининг сўзи – қаймоқ, Ёмоннинг сўзи – тўқмоқ. Эшикли бўлдинг – бешикли бўлдинг. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Сулаймон ўлди девлар қутилди. Ҳамал келди – амал келди каби образли ва яхлит барқарор бирикмалар мақол ҳисобланади. «**Маталлар** – тарбиявий, панд-насиҳат маъноларини ифодаловчи, грамматик жиҳатдан тўлиқ гап шаклида бўлган, фақат ўз маъносида – тўғри маънода қўлланадиган, қисқа, ихчам халқ

<sup>72</sup> Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати.-Т:«Ўқитувчи», 1984, 11-б.

ибораларидир.»<sup>73</sup> Масалан: Гўшт суюксиз бўлмас, шоли – курмаксиз. Гумон иймондан айирир. Гул тиконсиз бўлмас кабилар матал ҳисобланади. **Ҳикматли сўзлар** маълум шахслар томонидан айтилган ёки асарларида ишлатилган ихчам, маънодор, ишлатишга қулай ва қўйма фикрлардир. Нутққа тайёр ҳолда олиб кириш имкониятига эга бўлган бундай сўзлар **афоризмлар** ҳам дейилади. Тилшуносликда мақол-матал ва ҳикматли сўзлар «паремалар» деб ҳам юритилади. Ҳатто тилшунослар Ҳамдам Бердиёров ва Рассоқ Расуловлар томонидан махсус луғат – «Ўзбек тилининг паремиологик луғати» ҳам тузилган. Бундан ташқари мақоллар ҳамда афоризмларга бағишиланган кўплаб луғатлар мавжуд.<sup>74</sup> Бадий асарни лисоний жиҳатдан таҳлил қилишда бундай луғатлардан унумли фойдаланиш зарур.

### **◊Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Маънодош сўз ва ибораларнинг бадий матнаги ўрни ҳақида маълумот беринг.
2. Шаклдош сўз ва ибораларнинг бадий матнда кўлланиши ҳақида маълумот беринг.
3. Паронамазия деганда нимани тушунасиз?
4. Зид маъноли сўз ва иборалар матнда қандай вазифа бажаради?
5. Кўп маъноли сўз ва ибораларнинг эстетик функция бажариши ҳақида маълумот беринг.
6. Эскирган сўз ва иборалар деб нимага айтилади?
7. Янги сўзлар бадий матнда қандай вазифа бажаради?
8. Шева сўзларининг эстетик вазифаси ҳақида маълумот беринг.
9. Чет ва ҳақорат сўzlари нима мақсадда бадий матнга олиб кирилади?
10. Барқарор бирикмалар деб нимага айтилади?

### **Бадий матннинг морфологик хусусиятлари**

---

<sup>73</sup> Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўша асар. 12-б.

<sup>74</sup> Ўзбек ҳалқ мақоллари. –Т: «Шарқ», 2003.; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Т: «ЎМЭ», 2001.

Бадий матнинг лисоний хусусиятлари таҳлил қилинганда морфологик бирликларнинг ишлатилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида фикр юритиш талаб қилинади. Морфологик бирликларнинг эстетик вазифаси деганда «махсус сўз формалари воситасида, шунингдек маълум бир грамматик маъно ва функцияга эга бўлган сўз формасини маҳсус қўллаш орқали экспрессивлик – эмоционаллик ифодаланиши тушунилади.»<sup>75</sup> Экспрессивлик ижобий ва салбий маъно қиррасига эга бўлган сўзларда аниқ кўриниб туради. Бадий матн лисоний жиҳатдан текширилганда даставвал ана шундай маъно қирраларига эга бўлган бирликларни ажратиш ва қайси туркумга хослиги, кимнинг нутқида, нима мақсад билан қўлланилганлиги, кимга нисбатан, қандай вазиятда ишлатилганлигига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Одатда эркалаш – суйиш, ҳурмат – эъзозлаш, кўтаринкилик, улуғворлик, тантанаворлик каби маъноларни билдирувчи сўзлар ижобий маъно қиррасига эга бўлган сўзлар ҳисобланади. Масалан: қизалоқ, тойчоқ, ўргилай, гиргиттон бўлай, болагинам, оппоғим, дўмбоғим, арслоним, паҳлавоним, шакарим, шириним каби. Салбий маъно қиррасига эга бўлган сўзлар сирасига жирканиш, манманлик, менсимаслик, кибрлилик, масхара, нафрат, ғазаб, киноя, кесатиқ каби субъектив муносабатни ифодаловчи сўзлар киради. Бундай маъноларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш лисоний таҳлилнинг асосини ташкил қиласиди. Ўзбек тилида кичрайтириш шакли –ча, –чоқ, –чак қўшимчалари билан; эркалаш шакли –жон, –хон, –ой, –(а)лоқ аффикслари ёрдамида ҳосил қилинади. Ҳурмат, менсимаслик, истехзо, умумлаштириш, тур-жинсга ажратиш каби маънолар –лар аффикси билан ҳосил қилинади. –гина қўшимчаси чегара, эркалаш, яқинлик маъноларини юзага чиқаради. Таҳлил жараёнида матнда қўлланилган барча морфологик бирликлар эмас, эстетик мақсад аниқ кўриниб турадиган, ёзувчининг бадий нияти ифодаланган морфологик ўзгачаликлар ҳақида сўз юритилади. Масалан, энг кўп ишлатиладиган бадий тасвир

---

<sup>75</sup> Абдуллаев А. Ўша асар, 41-6

воситаларидан бири такрордир. Морфологик бирликларнинг такрорланишидан юзага келадиган услубий восита – **морфологик параллелизмнинг қўлланилиш мақсади лисоний жиҳатдан тадқиқ этилиши мумкин.** Ёки, **аффиксал синонимия, аффиксал омонимия ва аффиксал антонимия** ходисасидан экспрессив мақсадларда фойдаланилган ҳолатларни аниқлаш мумкин. Шунингдек, атоқли отлар сирасига киравчи – **антропонимларнинг муайян мақсад билан қўлланишига алоқадор кузатишлар олиб бориш мумкин.** Чунки бадиий асарда қўлланилган исмлар ичida алоҳида услубий мақсад юқланганлари ҳам бўладики, улар ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятини аниқлашга ёрдам беради. Ўзбек адабиётида персонаж характер – хусусиятини очиб берувчи киноявий тагмаъноли кулги яратувчи исмлар Сайд Аҳмад ва бошқа ёзувчиларнинг ҳажвий асарларида жуда кўп учрайди. Фойибназар Пинҳонов, Олди Соттиев, Тижоратхон каби киши номларида ёзувчининг кинояси аниқ сезилиб туради. Тоғай Мурод асарларидаги антропонимларнинг услубий қўлланиши хақида тадқиқодчи М.Қосимова қўйидагиларни ёзади: «Деҳқонқул – асардаги асосий қаҳрамон. Деҳқон – асосий касби экин экишдан, деҳқончиликдан иборат киши. Лекин ёзувчи Деҳқон сўзига ўзбек исмларига қўшиб айтиладиган – бой, –жон, –бек каби шакл ҳосил қилувчи қўшимчаларни эмас, айнан «қул» морфемасини қўшади. Бунда қул сўзининг кўчма маънодаги «кимсага кўр-кўrona хизмат қилувчи, бўйсунувчи, итоатгўй, малай, хизматкор» семалари юзага бўртиб чиқади. Натижада шўролар мустамлакаси даврининг муте, итоатгўй, хокисор қурбони бўлган Деҳқонқул образи китобхон кўз ўнгига яққол намоён бўлади»<sup>76</sup> ва узоқ сақланиб қолади. Қаҳрамоннинг хаёти, тақдири ва руҳияти билан унинг исми ўртасидаги мувофиқликдан экспрессив эффект юзага келган. Бу албатта ёзувчининг лисоний маҳорати ҳисобланади ва бундай ҳолатларни тадқиқ этиш орқали ёзувчининг поэтик оламига кириб борилади.

---

<sup>76</sup> Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари.-Андижон, НДА.

### **◊Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Бадиий матннинг морфологик хусусиятлари деганда нимани тушунасиз?
2. Ижобий ва салбий бўёқдор сўзларнинг эстетик вазифаси деганда нимани тушунасиз?
3. Анторпонимларнинг услубий хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.
4. Морфологик параллелизм деб нимага айтилади?
5. Қўшимчалардаги синонимия, омонимия ва антонимиядан бадиий матнда нима мақсадда фойдаланилади?

**Бадиий матннинг синтактик хусусиятлари**

Бадий нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда синтактик усулдан кенг фойдаланилади. Экспрессивликнинг намоён бўлиш шаклларини теран тадқиқ қилган тилшунос Адҳам Абдуллаев «синтактик градация, синтактик синонимия, боғловчиларнинг маҳсус қўлланиши, антитета, монолог, сукут, инверсия, такрорий гаплар, риторик сўроқ» каби услубий фигуralар «фикрнинг ўта таъсирchan ифодаланиши»га хизмат қилишини таъкидлайди.<sup>77</sup> «Бадий текстнинг лингвистик таҳлили» китоби муаллифлари синтактик фигуralарнинг қўйидаги асосий кўринишлари мавжудлигини баён қилишади: «анафора, эпифора, такрор, антитета, градация, эллипсис, аллитерация, риторик сўроқ кабилар»<sup>78</sup> Бу услубий воситалар мавзуга алоқадор бўлган деярли барча адабиётларда учрайди. Умумлаштирадиган бўлсак қўйидаги ҳолат юзага чиқади: 1.Синтактик параллелизм. 2.Эмоционал гап. 3.Риторик сўроқ гап. 4.Инверсия. 5.Эллипсис. 6.Градация. 7.Антитета. 8.Фарқлаш. 9.Ўхшатиш.

**Синтактик параллелизм.** Бадий матнда синтактик жиҳатдан бир хил шаклланган гаплар кўп қўлланилади. Тилшуносликда бундай курилмалар параллелизм атамаси остида ўрганилади. Параллелизм (юонча, *parallelos*-ёнма-ён борувчи) ёнма-ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлиши. Масалан: Ошхона тараф қулоқ тутади. Дарвоза тараф қулоқ тутади. Молхона тараф қулоқ тутади. Овоз қаердан келяпти – билолмайди (Т.Мурод). «Параллел бирликларнинг асосий вазифаси фикрга изоҳ бериш ва, энг муҳими, унга тингловчини тўла ишонтира олишдан иборат. Улар тил услубий воситаларининг бойиши манбаларидан бири бўлиб, поэтик нутқда кўп қўлланадиган, энг маҳсулдор ва таъсирchan синтактик бирлик ҳисобланади».<sup>79</sup> Бир хил шаклланган гаплар бадий нутқ таъсирчанлигини бойитиш билан бирга маънони кучайтиришга ва фикрнинг батафсил - атрофлича ифодаланишига, тасвир обьекти билан боғлиқ

<sup>77</sup> Абдуллаев А. Ўша асар. 58-6.

<sup>78</sup> Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадий текстнинг лингвистик таҳлили.-Т.1990,34-6.

<sup>79</sup> Шукурув Р. Синтактик параллелизмнинг услубий ваз-лари//ЎТА, 2004, №2, 73-6.

маълумотлар фондининг кенгайиб боришига хизмат қилади. Масалан: Қўшчи қалондимоғ – қалондимоғ қадам босди. Кибор – кибор қулоч отди. Керма қош – керма қош боқди.(Т.Мурод) Бу мисолда қаҳрамоннинг уч хил ҳаракати бир хил шаклланган гапларда ифодаланган, яъни, қадам босмоқ – қулоч отмоқ – боқмоқ. Куйидаги мисолда эса бир ҳаракат билан боғлиқ маълумотлар фонди параллел гапларда кенгайиб боради: Том бош – адоғилаб қадамлади. Вазмин – вазмин қадамлади. Олисларга доно – доно боқиб қадамлади. Ёки: Қўшчи қўллари кетида тағин қадам олди. Мағрибга боқиб қадам олди. Машриққа боқиб қадам олди.(Т.Мурод)

**Эмоционал гаплар.** Сўзловчининг ўта хурсандлик ёки ўта хафалик ҳолатларини ёки қаҳрамоннинг ҳис-ҳаяжонини, воқеа-ҳодисага эмоционал муносабатини ифодаловчи гаплар эмоционал гаплар ҳисобланади. Эмоционал гаплар таркибида маҳсус ижобий ва салбий бўёқдор сўзлар (чехра, ўқтам, табассум / турқ, қўпол, тиржаймоқ каби) мавжуд бўлади. Ўша сўзлар орқали қаҳрамон руҳиятида кечётган севиниш, қўрқув, ғазаб каби психологик жараёнларни ҳамда ёзувчининг тасвир объектига нисбатан субъектив муносабатини билиб оламиз. Эмоционал гаплар таркибида ижобий ёки салбий бўёқдор сўз ва иборалар, ҳис-туйғу ифодаловчи ундовлар (оҳ,вой шўрим, эҳ аттанг, бай-бай-бай каби), муносабат ифодаловчи ундалмалар қатнашади ва улар нутқнинг экспрессивлигини таъминлашга хизмат қилади: Қандай ёқимли тонг! Тўйиб–тўйиб нафас оласан! Бунча фусункор бўлмаса баҳор! Қишлоғимиз нақадар гўзал–а! (Газетадан). Сарваров тўнғиллади: –Иккинчи чиқишимда ушлаши керак эди. Биринчи чиқишимдаёқ ушлаб ўтирибди бу мияси айниган чол (С.Аҳмад). – Тилимни қичитма, жўжахўр! Айтмадимми, кузда қийқиллаб столнинг тагига кириб кетасан, деб... Эҳ-э, сенинг хўроз бўлишингга ҳали ўн тўрт процент бор. Баҳорда кариллаб ҳеч кимга сўз бермагандинг. Менга, кеккайма, дегандай шама қилдинг–а! (А.Қаҳҳор) Эвоҳ, эсиз умр, эсиз қизим!.. Вой бечора! – деди Гулсумбиби бирдан. Шўрлик қизга қийин бўлибди ҳаммадан (Ойбек).

**Риторик сўроқ гаплар** ҳам бадиий матнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминловчи услубий воситаларидан ҳисобланади. Тасдиқ ва инкор мазмунига эга бўлган, тингловчидан жавоб талаб қилмайдиган гаплар риторик сўроқ гап дейилади. Кўпинча риторик сўроқ гаплар таркибида *наҳотки, ахир* каби таъкидни кучайтирувчи сўзлар келади. Улар нутқقا кўтарики рух бағишлайди ва тасдиқнинг кучли эмоция билан таъкидланиши учун хизмат қилади. Бундай гап шакллари қаҳрамоннинг ҳайратланишини, қувончини, ажабланишини, шубҳа ва гумонсирашини, ғазаб ва нафратини ифодалашда жуда қўл келади. Ички ва ташқи нутқда, монологик ва диалогик нутқларда кенг қўлланилади. Ардоқли шоир Абдулла Ориповнинг «Оламонга» деб аталган қуйидаги шеъри риторик сўроқнинг гўзал намунаси бўла олади:

Машраб осилганда қаёқда эдинг?  
Чўлпон отилганда қаёқда эдинг?

Суриштирганмидинг Қодирийни ё  
Қалқон бўлганмидинг келганда бало?

Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан,  
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.

Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?  
Нечун томошага бунчалар ўчсан?

Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,  
Қачон халқ бўласан, эй, сен – оломон?!

**Инверсия** деб гап бўлакларининг ўрин алмашиниши, ёки гап бўлаклари жойлашиш тартибининг маълум бир мақсад билан ўзгариши ҳодисасига айтилади. Инверсия оғзаки нутқقا хос хусусият. Бадиий матнда қаҳрамонлар нутқини жонли нутқقا яқинлаштиришда, уларнинг тилини индивидуаллаштиришда мазкур усуслдан фойдаланилади: Болангни олиб кетсанг-чи! Кўрмаётипсанми, бу ерда одамлар ишлаб

ўтирипти! (А.Қаҳхор) – Ташла у тошни! – деб дўқ қилиб қолди онам. Кўчанинг ўртасидан ҳайдатиб кетдим аравани. – Биласизми, нимага эргашдим сизга? – деб қолса бўладими шунда. (Ш.Холмирзаев)

Шеъриятда эса ифодалиликни, оҳангдорликни ва таъсирчанликни таъминловчи муҳим услубий восита сифатида кўп ишлатилади: Бозорга ўхшайди асли бу дунё,

Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.

Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло,

Молим ёмон деган бирор кимсани.

(А.Орипов)

**Эллипсис** (юн. *elleipsis* – тушиш, туширилиш) деб нутқий алоқа жараёнида гап бўлакларининг муайян мақсад билан туширилиши ҳодисасига айтилади. Бундай туширилиш тилдаги лингвистик иқтисод - лисоний тежамкорлик тамойили асосида амалга оширилади. Масалан: –Авайлаганинг шу бўлса... унинг зардали овози ҳам жонимга тегди. (Ё.Акрам) Илтимос тўхтанг... Анавинга қаранг! (Ш.Холмирзаев) –Нима қиласардингиз шу сассик билан тортишиб? (С.Аҳмад) – Топамида, – дедим. Талантлар сени редакциянгга эмас, редакциям бўлмасаям менга келади. (Ш.Холмирзаев) Келтирилган мисолларнинг биринчи ва иккинчисида «нарса» сўзи, учинчи ва тўртинчисида «одам» сўзи эллипсисга учраган. Бу жонли нутқ учун табиий ҳол бўлиб, бадиий матнга ҳам худди шу – жонли нутққа хос табиийликни таъминлаш мақсади билан олиб кирилган. Бадиий матндаги эллипсис текширилганда, қайси гап бўлаги эллипсисига учраганлиги ва бундан қандай мақсад кузатилганлиги изоҳланади.

Эллипсисни мақолларда жуда кўп учратамиз. Сўзларнинг туширилиши натижасида мақол табиатига хос ихчамлик ва ифодалилик юзага келади: Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер. Яхши билан юрсанг, етарсан муродга. Ёмон билан юрсанг қоларсан уятга. Яхши хунук либос билан ҳам яхши. Аҳмоқ оғасини танимас, Тўқмоқ тоғасини танимас.

**Градация** (лот. *gradatio* – зинапоя, босқичма босқич кучайтириш) Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг

маъносини кучайтириб боришдан иборат услубий жараён.<sup>80</sup> Бадиий адабиётда ҳолатларни, туйғу ва кечинмаларни қиёслашда, ҳис-ҳаяжонлар жунбушини тўлиқ ифодалашда градация усулидан фойдаланилади. Адабиётларда градация хусусиятларига кўра турлича тасниф қилинади: моҳиятига кўра: **кўтариувчи градация** (кли макс) ва **пасаювчи градация** (антикли макс); ифода усулига кўра: **мантиқий**, **эмоционал** ва **миқдорий градация**; ифода материалига кўра: **лексик градация** ва **синтактик градация**.

Мен надоматларни унуганман. Мен мерос довламайман. Мен молпараст ҳам эмасман.

Лекин қани менинг етти маъдандан эритиб қуйилган дарвозам?

Жаҳоннинг бир мўъжизаси?

Олтин, темир, курч, қалай, пўлат, мис, кумуш дарвозам?

Бибихоним дарвозаси?

Йўқолган дарвоза...

Ўғирланган дарвоза...

Танга қилиб майдаланган дарвоза... (И.Фафуров)<sup>81</sup>

Келтирилган мисолда дастлаб шахсий сифатлар босқичма – босқич кучайтириб тасвираняпти. Кейин, дарвоза билан боғлиқ сифатлар тасвирида пасаювчи градацияни кузатиш мумкин: мўъжизавий дарвоза – олтин дарвоза – темир дарвоза – курч дарвоза. Ортидан дарвозанинг кимга тааллуқли эканлиги айтилади ва яна қўтариувчи градациядан фойдаланиб дарвозанинг ғойиб бўлиш сабаби ошкор қилинади: дарвоза йўқолган – (аслида) ўғирланган – (ва) танга қилиб майдаланган. Иброҳим Фафуровдан градацияга яна бир гўзал мисолни келтирамиз. Унда ҳисларнинг жунбуши қўтариувчи ва пасаювчи градация орқали ўта таъсирчан ҳолда ифодаланганди.

Беатриче ётмаган Усмоннинг тўшагида,  
Зарема ётмаган Усмоннинг тўшагида,  
Насима ётмаган Усмоннинг тўшагида,

<sup>80</sup> Қаранг: Ҳожиев А. Ўша асар, 31-б. Бобоев Т. Бобоева З. Ўша асар, 90-б. Мамазияев А. Ўша асар, 16-б.

<sup>81</sup> Иброҳим Фафуров. Илтижо. F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991.

Хурлар ётмаган Усмоннинг тўшагида,  
Парилар ётмаган Усмоннинг тўшагида.  
Фақат Усмон ётган Усмоннинг тўшагида.  
Қамоқнинг тўшаги.  
Миллионлаб бегуноҳлар ётган бундай тўшакларда.  
Улар кўз ёшлардан кўл бўлиб кетган,  
Улар унсиз нолалардан чўл бўлиб кетган,  
Улар армонлардан йўл бўлиб кетган...  
Дунё ётар шу тўшакда.  
Шеър ётади шу тўшакда. Парлари қофия. Сомони вазн.  
Усмон Носирнинг тўшаги –  
Хаёлларин кемаси.  
–Тўшагимни асранг, оға, –деди у энг сўнг  
дамда. –  
Олтин булутлар ухлаган унда. Армонли байтлар  
тунаган унда.  
Лек тўшакни асрамадилар. Фаросат етмади  
одамларда. (И.Фафуров)

**Антитеза** (*antithesis* – қарама-қарши қўйиш, зидлаш) деб мантиқий жиҳатдан қиёсланувчи фикр, тушунча, сезги ва тимсолларни қарама-қарши қўйиш, зидлаш ҳодисасига айтилади. Воқеа-ҳодисалар моҳиятидаги зиддиятни очиш учун асосан, бадиий нутқда зид маъноли қўшимчалар, зидловчи боғловчилар, сўз ва иборалардан фойдаланилади. «Зидлашда воқеа, ҳодиса, белгиларни ўзаро зид қўйиб шулардан бирининг белгиси алоҳида таъкидланади. Зидлаш ҳодисаси ҳам икки компонентдан иборат бўлади ва кейинги компонентдан англашилган мазмун таъкидланади. Демак, зидлашда икки қисм мавжуд: зидловчи қисм ва зидлаш асосида таъкидланувчи қисм.» Зидлаш асосан боғланган ва боғловчисиз қўшма гап шаклларида кузатилади. Бадиий матнни лисоний жиҳатдан таҳлил қилишда зидлантиришдан ёзувчининг кўзда тутган мақсади нима эканлигини аниқлаш талаб қилинади. Ёзувчининг маҳорати зидлантирилаётган воқеликлар учун танланган ифода материалида янада аниқ кўринади. Масалан: Нонингни йўқотсанг йўқот, номингни йўқотма! (Ў.Хошимов) Бу мисолда бир-бирига алоқаси бўлмаган иккита тушунча - нон

ва ном зидлантириляпти. Нега? Ёзувчи нима учун бу икки тушунчани қарама-қарши қўйяпти? Аслида нон – ҳаётнинг, тирикликтинг ажралмас бўлаги. Бир парча нон топиб ейиш учун одамзод меҳнат қиласи, тер тўқади. Аммо ҳаётда ўша бир парча нонни топаман деб ўз номига, шаънига доғ тушираётганлар ҳам учраб туради. Нон зарур, лекин ном ундан ҳам муҳим эканлиги мазкур мисолда таъкидланмоқда. Ҳақиқатан ҳам нонини йўқотган уни қайтиб топиши мумкин, лекин ўз номига, шаънига доғ туширса-чи? Уни қайтиб тиклаб бўлмайди. Бу мисолдаги «нон»ни «ҳаёт» учун керак бўлган ҳамма нарса, мол-дунё» маъносида ҳам тушуниш мумкин. Ёки: Нодонлар даврасида кар бўл. Дононлар даврасида соқов бўл... (Ў.Хошимов) Бу мисолда антитетзанинг ифода материали сифатида нодон – доно, кар – соқов бирликлари келтирилган. Болаликда дунё кенгу кийим тор. Кексайганда кийим кенгу дунё тор...(Ў.Хошимов) Зидланишни юзага келтираётган бирликлар (болалик – кексалик, кенг – тор, кенг дунё – тор дунё, тор кийим – кенг кийим) хиазматик конструкция шаклида келиб контрастликни янада бўрттириб ифодалашга хизмат қилган.

Адабиёт илмида **оксюморон** деб аталувчи ҳодисада ҳам мантиқан бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига мазмунан зид бўлган икки тушунчани ифодаловчи сўзлар ўзаро қўшиб қўлланилади. Оксюморон грекча сўз бўлиб, «ўткир лекин бемаъни» деган маънони билдиради. Улар айрим адабиётларда «оккозионал бирикмалар», «ноодатий бирикмалар» ёки «ғайриодатий бирикмалар<sup>82</sup>» деб ҳам юритилади. Бундай бирикмалар индивидуаллиги, янгилиги, кўниклимаганлиги ва оҳорлилиги билан тасвир ифодалилигини таъминлайди: Сокин ҳайқириқ (М.Али). Оташин муз, ёнғинли дарё, сўқир ломакон, қора нур, яланғоч шуур, яхлаган сароб (Р.Парфи), оппоқ тун, сўзсиз суҳбат каби бирикмалар оксюморонга мисол бўлади. Бундай ғайриодатий бирикмалар антитетзанинг бир кўриниши сифатида талқин қилинади. Маълумки, исталган икки сўзни бириктириш билан оксюморон

<sup>82</sup> Бу ҳақда қаранг: Абдураҳмонов X, Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. –Т: «Фан», 1981, 38-47-б.

юзага келавермайди. Бундай бирикмалар ёзувчининг бадиий тафаккур маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ғайриодатий бирикмаларни мантиқсизлик билан боғлаш мумкин эмас. Уларга эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш зарур. Ўзаро боғланмайдиган сўзларни боғлаётган куч нимада? Уларнинг бирикиб бадиий эффект бериши учун қандай ифода имконияти мавжуд? Ёзувчины бундай «маромсиз» бирикмалар яратишга нима мажбур қилди? каби саволлар билан мазкур ҳодиса моҳиятига кириб бориш мумкин.

**Фарқлаш** деб икки нарса – буюм, воқеа – ҳодиса ёки ҳолатлардаги дифференциал белгини аниқлашга айтилади. Фарқлаш ҳам қиёс ва чоғиширишга асосланади. Ифода усулига кўра антitezага яқин, лекин «антitezада мантиқий жиҳатдан қарама-қарши бўлган икки қутб қиёсланади. Бунда бири иккинчисини рад этади ёки инкор қилади»<sup>83</sup> Тасвирий восита сифатидаги фарқлашда белгилар қайси хусусиятига кўра фарқ қилаётганлиги аниқланади. Ўхшатиш ҳам қиёсга асосланади, бироқ ўхшатишда интеграл белгилар идрок қилинади. Фарқлашда қиёс асносида ўртага чиқадиган фундаментал тафовут назарда тутилади. Ўхшатишда бўлгани каби фарқлашнинг ҳам ифода унсурларини куйидагича тартиблаш мумкин: 1.Фарқлаш субъекти. 2.Фарқлаш нисбати. 3.Фарқлаш асоси. 4.Фарқлашни юзага келтирувчи шаклий белгилар. 5.Фарқлаш натижаси. Масалан: «Саройнинг тўрида бошқаларға қарағанда кўркамрак бир ҳужра, анави ҳужраларга кийгиз тўшалгани ҳолда бу ҳужрада қип-қизил гилам, утталарда бўз кўрпалар кўрилган бўлса, мунда ипак ва адрес кўрпалар, наригиларда қора чароғ сасиғанда, бу ҳужрада шамъ ёнадир, ўзга ҳужраларда енгил табиъатлик, серчақчақ кишилар бўлғанида бу ҳужранинг эгаси бошқача яратилишда. Оғир табиъатлик, улуғ гавдалиқ, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндиғина мурти сабз урган бир йигит. Бас бу ҳужра бино ва жиҳоз ёғидан, ҳам эга жиҳатидан дикқатни ўзига жалб этарлик эди.» (А.Қодирий. Ўткан кунлар).

---

<sup>83</sup> Шомақсудов А. ва бошқ. Ўша асар. 234-б.

Аён бўлганидек, парчада ҳужра, ҳужра ашёлари, ҳужра эгалари қиёсга тортилган. Қиёс асносида ҳужранинг қайси белгилари ўртага чиқарилган? Саройда бир неча ҳужра бор. Лекин тасвирда иккига ажратиляпти: **α** (битта) ҳужра ва **β** (кўп) ҳужра. **α**ни **β**дан ажратиб турувчи белгилар дастлаб умумий тарзда берилган: **α** кўркам (**β** кўркам эмас). Кейин ҳужра ашёларини бирма-бир санаш асносида ўртадаги фарқ кўрсатиб берилган: гилам – кийгиз; адрес қўрпа – бўз қўрпа; шамъ – қора чароғ; Шундан сўнг ҳужра эгаларидаги фарқ санаб ўтилади: **α** нинг эгаси оғир табиатлик, улуғ гавдалиқ, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабза урган бир йигит. **β**нинг эгаларини табиийки бу тарзда тасвирлаб бўлмайди. Шу сабабли **β**даги барча кишилар иккита белгида умумлаштиради: енгил табиатлик, серчақчақ. Фарқлашнинг ифода унсурига кўра ҳужра (**α**) – фарқлаш субъекти ҳисобланади. Чунки фарқланаётган предмет бу – ҳужрадир. Ҳужралар (**β**) – фарқлаш нисбати бўлиб ҳужра(**α**)нинг ўзига хослиги бошқа ҳужралар(**β**)га нисбатан аниқланяпти. Фарқлаш асоси сифатида «кўркамрак» сўзини олишимиз мумкин. Чунки **α**да мавжуд бўлган кўркамлик **β**да мавжуд эмас. Шу белги **α**нинг **β**дан фарқини таъкидлайди. Фарқлашнинг шаклий белгилари: «бошқаларга қараганд» бирикмаси ёрдамида ўртадаги тафовут янада бўрттирилган. Фарқлаш натижаси ёзувчининг бадиий ниятини аниқлашга олиб келади. Хўш, ёзувчи нима мақсадда бундай таққосни келтиради? Мазкур ифодаларнинг бадиий асар моҳияти билан қай даражада алоқадорлиги бор? Бу каби саволлар асосида фарқлашнинг бешинчи унсурига жавоб изланади. Келтирилган парчада З босқичли фарқлар силсиласи мавжудлигини сезиш қийин эмас. 1-босқич: ҳужра. 2-босқич: ҳужра ашёлари. 3-босқич: ҳужра эгалари.

Бадиий асарлардаги бундай ҳолатларни таҳлил қилиш орқали ёзувчининг мураккаб конструкцияли фарқлаш силлогизмини, қиёслаш, чоғишириш мантиғини тасаввур этишимиз мумкин бўлади.

**Ўхшатиш** деб «икки нарса ёки воқеа-ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, конкретроқ, бўрттириброқ ифодалаш»<sup>84</sup> айтилади. Ўхшатишлар энг қадимий тасвирий воситалардан бири сифатида нутқимизни, айниқса, бадиий адабиёт тилини безашда, тасвирининг аниқлиги ва образлигини таъминлашда фойдаланиб келинади. Адабиётларда ҳар қандай ўхшатиш муносабати тилда ифодаланаар экан, албатта, тўрт унсур назарда тутилади, яъни: 1) ўхшатиш субъекти; 2) ўхшатиш эталони; 3) ўхшатиш асоси; 4) ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичлари. Масалан: Алишер тулкидай айёр бола. Бунда: Алишер – ўхшатиш субъекти; тулки – ўхшатиш эталони; айёр – ўхшатиш асоси; -дай – ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи ҳисобланади. Мунаввара Ёқуббекова ўзбек халқ қўшиқлари лингвопоэтикасига бағишиланган монографиясида ўхшатишнинг яна бир унсури «ўхшатиш мақсади» ҳам мавжудлигини таъкидлаган.<sup>85</sup> Ўхшатиш эталони ўхшатиш конструкциянинг поэтик қимматини, эстетик салмоғини белгилайди. Ўхшатиш эталони қанчалик оригинал бўлса, ўхшатишли қурилма ҳам шу даражада оҳорли бўлади. Бадиий матндаги ўхшатишли қурилмалар текширилганда уларни анъанавий ва хусусий-муаллиф ўхшатишлари сифатида таснифлаш керак бўлади. Анъанавий ўхшатишлар оғзаки нутқда кўп ишлатиладиган, шу сабабдан таъсирчанлигини йўқотган ўхшатишлардир. Масалан: тулкидай айёр, тошдай қаттиқ, юзлари ойдек, кўзлари чаросдек, қўйдай ювош, отнинг қашқасидай маълум кабилар. Аслида кўп такрорланиши туфайли «сийқаси чиққан» деб баҳоланадиган бундай қурилмаларни тасвирийлик, образлилик мақсадига хизмат қилдириш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ. Хусусий-муаллиф ўхшатишлари ёзувчининг ўз нигоҳи, кузатувчанлиги, бадиий тахайюли, аналогия қуввати асосида халқ тилидан фойдаланган ҳолда яратган ўхшатишларидир. Бундай ўхшатишларда оригиналлик, образлилик ва экспрессивлик ҳамиша ёрқин ифодаланган бўлади. Ҳар қандай ўхшатишдан

<sup>84</sup> Шомақсудов А. ва бошқ. Ўша асар. 239-б.

<sup>85</sup> Ёқуббекова М. Ўша асар, 153-б.

мақсад тасаввур қилиниши қийин бўлган тушунчаларни конкретлаштириш, мавхум тушунчаларни аниқлаштириш, нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатларнинг энг нозик жиҳатларини китобхон кўзи ўнгидаги гўзал бўёкларда гавдалантиришдан иборат бўлмоғи лозим. Масалан: Бурунги сўфидан, яқиндагина келиб бир ҳафта ётиб кетган сўфидан асар йўқ. Унинг ранги мачитнинг жайдари шамидек сап-сариқ... гўё касалдан яқиндагина бош кўтарган. Келтирилган мисолда сўфининг, руҳоний кишининг сўнган, сарғайган ранги масжиднинг жайдари шамига ўхшатилган. Таъкидлаш лозимки, ёзувчи тасвиридаги ҳолат, қаҳрамон руҳияти учун фавқулодда мувофиқ ўхшатиш эталони танлаган, яъни қаҳрамон – руҳоний, шам – масжидники, қаҳрамон – ғариф, дардман, шам – жайдари, арzonбаҳо, қаҳрамон туганмас дард билан адойи тамом бўлиб бормоқда, шам – ёниб тугашнинг ҳам рамзий ифодачиси. Сап-сариқ сифати билан ифодаланган ўхшатиш асосидаги белги бениҳоя қуюқлашиб катта бир дард шаклини олган.

### **◊Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Синтактик параллелизм деганда нимани тушунасиз?
2. Эмоционал гап деб нимага айтилади?
3. Риторик сўроқ гап деб нимага айтилади?
4. Инверсия деб нимага айтилади?
5. Эллипсис ҳақида маълумот беринг.
6. Градация деганда нимани тушунасиз?
7. Антитета ва оксюморон бадиий матнга нима мақсадда олиб кирилади?
8. Фарқлаш тасвирий восита сифатида қандай услубий вазифа бажаради?
9. Ўхшатиш ҳақида маълумот беринг.

### **Кўчимлар**

Кўчимлар дейилганда «адабий асарнинг бадиий қимматини, ифодалилигини, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман қўчма маънода ишлатилиши»<sup>86</sup> назарда

---

<sup>86</sup> Шомақсудов А. ва бошқ. Ўша асар, 236-б.

тутилади. Сўз маъносининг кўчиш жараёнлари турли кўринишларда воқе бўлади, бу жараёнлар ва уларнинг натижалари сифатида юзага келадиган ҳодисалар, бу ҳодисаларнинг турлари, ўзига хос хусусиятлари каби масалалар ўзбек тилшунослигида анча батафсил ўрганилган. Кўчимлар деярли кўпчилик адабиётларда «троплар» атамаси остида ўрганилган. «Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили» қўлланмасида кўчимлар қуидагича тасниф қилинган: «1. Сўз маъносининг миқдорий кўчишига асосланган троплар: а) гипербола; б) мейозис. 2. Сўз маъносининг сифатий кўчишига асосланган троплар: а) метафора; б) метонимия; в) ирония.» Қолган тасвирий воситалар мазкур кўчимларнинг кўриниши сифатида берилади: «символ, жонлантириш, эпитет, апастрофа – метафоранинг; перифраза, синекдоха, аллегория, эпитет – метонимиянинг; антифраза, сарказм – ирониянинг; литота – мейозиснинг кўринишларидир»<sup>87</sup> Бадиий матнни лингвопоэтик таҳлилга тортганда кўчимлар деб аталадиган тасвирий воситаларнинг деярли барчасининг асосида ўхшатиш, чоғиширишдан иборат мантикий тушунча ётганлигини унутмаслик керак.

**Метафора.** Нарса-буюм, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланган маъно кўчишига метафора дейилади. Метафора кўчма маъно ҳосил қилишнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири бўлиб, мумтоз адабиётшунослигимизда «истиора» деб юритилган. Метафоранинг икки турини фарқлаш лозим: лингвистик метафора ва хусусий-муаллиф метафоралари. Лингвистик метафоралар тил тараққиёти билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. «Бундай метафоралар асосан, аташ, номлаш вазифасини бажарганлиги учун уларда услубий бўёқ, экспрессивлик, бинобарин, улар ифодалаган нутқ предметига нисбатан субъектив муносабат акс этмайди.»<sup>88</sup> Фақатгина маълум бир сўзнинг маъно доираси кенгаяди ҳамда янги тушунчаларни аташ учун хизмат қиласи. Масалан: одамнинг оёғи – столнинг

<sup>87</sup> Ўринбоев Б. ва бошқ. Ўша асар. 29-30-б.

<sup>88</sup> Қаранг: Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. –Т., 1976, 13-б.; Абдураҳмонов Ш. Ўзбек бадиий нутқида кулги кўзғатувчи лисоний воситалар. НД.-Т., 1997, 105-б

оёғи, одамнинг кўзи – узукнинг кўзи, кўйлакнинг этаги – тоғнинг этаги каби. Хусусий-муаллиф метафоралари эса ёзувчининг эстетик мақсади, яъни борлиқни субъектив муносабатини қўшиб ифодалаган ҳолда номлаши асосида юзага келади. Улар услубий жихатдан бўёқдорликка ва воқеликни образли тасвирлаш хусусиятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам бадиий матнда қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини таъсирчан, ёрқин бўёқларда, аниқ ва ихчам ифодалашга хизмат қиласиди. Хусусий-муаллиф метафораларида ҳамиша коннотатив маъно мавжуд бўлади. «Метафора орқали маъно кўчишида коннотатив маъно ёрқинроқ акс этади. Масалан, от, эшак, қўй, ит, бўри, тулки, йўлбарс, бойўғли, мусича, бургут, лочин, қалдирғоч, булбул каби ҳайвон ва қушларнинг номлари бўлган лексемалар мавжудки, бу сўзлар ўз маъносидан ташқари, кўчма маънода жуда кенг қўлланади. Отнинг бақувватлиги, эшакнинг ақлсизлиги, қўйнинг ювошлиги, итнинг вафодорлиги, мушукнинг эпчиллиги, тулкининг айёрлиги, бургутнинг чангаллашдаги кучлилиги, лочиннинг кўзи ўткирлиги каби типик хусусиятлари бошқа предметларга нисбатан метафорик усулда кўчирилади, натижада коннотатив маъно юзага келади ҳамда матннинг таъсирчанлиги ошади.»<sup>89</sup>

Метафора билан ўхшатиш конструкциянинг ўзаро фарқи хақида тилшуносларимиз ўзларининг фикрларини айтиб ўтишган. Уларда асосан қуидаги фарқлар санаб ўтилади: 1. Ўхшатишда сўзлар ўз маъноси билан иштирок этади. Метафорада сўзлар доимо кўчма маънода бўлади. 2. Ўхшатишда икки компонент - ўхшатилувчи обьект ва ўхшовчи образ қиёсланади. Метафора эса бир компонентли бўлади. 3. Ўхшатишларда кенгайиш имконияти кўп, бир гап ҳатто абзац даражасида кенгайиши мумкин. Метафоралар эса сўз ёки сўз бирикмасидан иборат бўлади. 4. Ўхшатишда маҳсус кўрсаткичлар бўлади: -дек, -дай, -симон, -ларча, каби, сингари, ўхшамоқ ва бошқалар. Метафораларда бундай кўрсаткичлар бўлмайди. Буни қуидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин: Карим тулкидай айёр одам. Ўхшатиш конструкция. Бунда Карим –

<sup>89</sup> Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти. НД.-Т., 1998, 12-б.

ўхшатиш субъекти, тулки-ўхшатиш эталони, айёр-ўхшатиш асоси, -дай – ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи. Бу тўлик ўхшатиш. Карим – тулки. Бу қисқарган ўхшатиш, чунки гапда ўхшатиш асоси (қайси хусусияти ўхшашлиги) ва кўрсаткичи ифодаланмаган. Вой, тулки-ей... (Каримга нисбатан ишлатилмоқда) Бу метафора ҳисобланади. Чунки Каримнинг айёргилиги образли тарзда ифодаланяпти, бутунлай қайта номланяпти. Метафораларга мисоллар: 1.Эшшак, бу нима қилганинг? 2.Қамоқхоналарнинг «телеграфи» (гап ташувчи, айғоқчи) жуда аниқ ишлайди. 3.– Кўксига пичоқ санчиби, – деди барак навбатчиси. –Баттар бўлсин! Итга ит ўлими. Маҳбуслар барибир уни тирик қўйишмасди. 4.– Ошга пашша тушди, ака! – деди қўрқа-писа... «Деворий газета» ўлгур келди. 5.Қишдан қолган каргалар. 6.Буқаламун билан учрашув. (С.Аҳмад) 7.Отабек бу чўлтоғ супургини таниди ва унинг истеҳзоларини пайқади (А.Қодирий)

Тилшуносликда мазмуний жиҳатдан метафораларнинг учтури, яъни **одатий метафоралар, жонлантириш ва синестетик метафоралар** фарқланади.<sup>90</sup> Юқорида кўриб ўтилган метафораларнинг барчаси, асосан, одатий метафоралардир. Жонлантириш бадиий нутқقا образлилик баҳш этувчи муҳим воситалардан биридир. «Бадиий санъатлар» китоби муаллифлари бу ҳақда шундай ёзадилар: «Жонлантириш – истиоранинг бир кўриниши. Жонлантириш одамларга хос бўлган хислатларни жонсиз предметлар, табиат ходисалари, ҳайвонот, парранда, қуш кабиларга кўчириш орқали пайдо бўладиган тасвир усулидир.»<sup>91</sup> «Ўзбек тили стилистикаси»да ҳам «кишиларнинг ҳаракатлари, ҳис туйғулари, сўзлаш ва фикрлашлари жонсиз предметларга кўчирилиши»га<sup>92</sup> жонлантириш дейилиши таъкидланади. Мумтоз адабиётимизда жонлантиришнинг икки тури фарқланган:

---

<sup>90</sup> Миртаджиев М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке. АДД.-Т., 1989, с-13.

<sup>91</sup> Бобоев Т. Бобоева З. Ўша асар. 11-бет.

<sup>92</sup> Шомақсудов А. ва бошқ. Ўша асар. 245-б.

**1.Ташхис** – шахслаштириш, жонсиз нарсаларни инсонлардай қилиб тасвирлаш. Шеъриятда жонлантиришдан воқеликни образли тасвирлаш мақсадида фойдаланилади. Тасвир объектига китобхонни яқинлаштириш, воқеликнинг англанишини осонлантириш ва қуруқ-рангиз ифодадан қочиш учун ҳам мазкур усулга мурожаат қилинади. Куйидаги шеърий парчада муаллиф «куз»ни жонлантириш орқали китобхоннинг тасвирланаётган воқеликка муносабатини фаоллаштиради:

Нимани хоҳлайман? Истагим нима?

Чангалзор шовқинин тинглаб тураман.

Япроқлар бандида кезган жимгина

Маъюс ва безовта кузни кўраман.

Унинг қўшиғида, унинг оҳида

Сезаман одамзод қалбин гоҳида. (А.Орипов)

Ёхуд жонсиз нарсага инсонга мурожаат қилгандек муносабатда бўлиш ҳам жонлантиришнинг бир кўриниши ҳисобланади. Адабиётшуносликда бу ҳодиса **апастрофа** деб юритилади. Бунда нарса – буюм жонлантирилмайди, фақат жонли деб тасаввур қилинади. Бу усулдан қаҳрамоннинг ҳеч кимга айттолмаган ички дардларини, сирларини ошкор қилишда фойдаланилади. Масалан: Осмонга интилган дараҳтлар, илдизингиз ердалигини била туриб, келиб-келиб сизни қучган кўк бағрини тиласизми? Ҳар баҳор яшилликка алданганингизни ҳазон палласида сезмайсизми ё? Ҳаммасини била туриб, ҳаммасини сеза туриб шамол изнига бўйсунасиз, шитирлайсиз. Мен ҳам шивирлайман... Сизга инган шудринг менинг кўз ёшим... Биламан, бор дардимни тўкиб солмасам ҳам воқифсиз аҳволимдан. Зотан, сиз тирик хотирасиз. Бебош япроқларнинг шивир-шивири, мунгли ёмғиркуй, эгилмачоқ майсалар, инжик шамол, чучмўма хўрсиниғи, юрагимнинг адо бўлмас ўқинчи, сиз соддагина дараҳтларим ва мен эгилишни эплолмаган асов ғалаён – ҳаммамиз ёлғиз соғинч билан боғланганмиз. (Ё. Акрам)

**2.Интоқ** – нутқ соҳиби сифатида тасвирлаш, инсонлардек гапиртириш демак. Интоқ болаларга аталган шеър ва ҳикояларда, эртак ва масалларда кўп қўлланилади. Интоқ санъатидан масалларда алоҳида мақсад билан фойдаланилади.

Инсонларга хос баъзи қусурлар, камчиликлар нарса-буюмлар мисолида образли қилиб кўрсатиб берилади. Европа адабиётшунослик илмида **аллегория** деб аталадиган кўчим ҳам «гапиртириш» усулига асосланади. Интоқ-жонлантиришда нарса ва буюмлар, ҳайвонлар инсонлардек гапиради. Аллегорик-жонлантиришда «ҳайвон ва жониворлар инсонлар каби ҳаракат қиласи, улар каби гапиради. Ўқувчи эса асосий эътиборини шу ҳайвонлар орқали тасвиrlанаётган инсон образига қаратади. Демак, аллегорияда образлар системаси икки қатор ҳисобланади, яъни асарда тасвиrlанаётган ҳайвонлар образлари қатори ва улар орқали шу характердаги кишилар қатори.»<sup>93</sup> Мухтор Худойқуловнинг «Шер билан пашша» деб номланган масалида ҳам айрим инсонларга хос мақтанчоқлик, ёлғон ишлатиб бўлса ҳам обрў топишга уриниш иллати образли ифодасини топган:

Бир пашша Шернинг қулоғига бир зум қўнди-ю, учиб кетди. Сўнг кўринганга мақтанди: – Биз Шер билан жуда яқинмиз, кўп масалаларда у мен билан маслаҳатлашиб туради...

**Пашшаларга ишонманг!**

**Синестетик метафораларда** бир сезги органи билан идрок этиладиган нарса-тушунча бошқа сезги органи билан идрок этиладиган нарса-тушунчага ўхшатилади, яқинлаштирилади ва шу асосда кўчма маъно юзага келади. Масалан: Ширин табассум, ширин гап, ширин уй; енгил табассум, енгил нигоҳ, енгил қадам, оғир туш, оғир гап, оғир масала каби. Бу мисолларда келтирилган ширин, енгил, оғир сифатларида синестетик метафора содир бўлган. Маза-таъм маъносини билдирувчи «ширин» ва ўлчовни ифодаловчи «енгил» сўзлари «ёқимли» маъносида, «оғир» сўзи эса «ёқимсиз» маъносида келган.

**Метонимия** деб воқеа-ҳодиса, нарса-буюмлар ўртасидаги ўзаро яқинлик ва боғлиқлик асосида маъно кўчишига айтилади. Метонимия ҳам қиёсга асосланади. Фақат «метафорада бир-бирига ўхшаш предметларнинг белгилари қиёсланса, метонимияда бу икки предмет ташки кўриниши ёки ички

---

<sup>93</sup> Шомақсудов А. ва бошқ. Ўша асар. 246-б.

хусусиятлари билан бир-бирига қандайдир алоқаси бўлса ҳам, аммо, умуман бир-биридан фарқ қилувчи (бир-бирига ўхшамаган) предметларнинг белгилари чоғиширилади.»<sup>94</sup> Масалан:...яхшилиқми, ёмонлиқми ҳайтовур бўладирған кўнгилсиз гапни кечиккани яхши... Фузулийни яхшилаб ўқуш керак. (А.Қодирий) Ушбу гапда муаллиф ва унинг асарлари ўртасидаги алоқадорликка асосланиб «асар» муаллиф номи билан қайта номланяпти. Ёки: Сарой тинч уйқуда, тун яrim (А.Қодирий). Бу мисолда «сарой» сўзи орқали «саройдаги одамлар» маъноси ҳам ифодаланган. Метонимиянинг турли кўринишлари мавжуд ва бу ҳақда тилшунослликка оид адабиётлардан атрофлича маълумот олиш мумкин. Биз сизга бир мансурани ҳавола қилмоқчимиз. Унда муаллифнинг метонимик қайта номлаш усулидан маҳорат билан фойдаланганига ўзингиз гувоҳ бўласиз:

### Хеменгуэйни ўқиши

– Ака, Хеменгуэй ҳам бадимга уриб кетди, -  
деди бухоролик шоир. – Энди ўқияпман Жаброн  
Халил, Фолкнер, Фришни.

Ўша куни уйга келдим. Яна кезиб чиқдим ўзим  
севган Эрнст оламларини.

Тўғри экан. Бадга уриши мумкин экан ҳатто  
Хеменгуэй ҳам.

Агар ўз эркинг кўринса жуда узоқ. Ишончининг  
дарз кетса.

Туюлса омонат, лиқилдоқ.

Муомалага ўргатар Хеменгуэй. Олижаноб  
муомалага. Биз эса тобора йироқлашиб  
боряпмиз бундай муомаладан. (И.Ғафуров)

**Синекдоҳа** деб бутун бўлак муносабатига асосланувчи маъно кўчишга айтилади. Адабиётларда «кўплик ўрнида бирлик ёхуд бирлик ўрнида қўплик шаклларини қўллаш йўли билан ҳам синекдоҳалар яратиш мумкин»лиги<sup>95</sup> айтилган. *Дарахтлар саргайди, олма гуллади, қўлимни кесиб олдим*

<sup>94</sup> Шомақсудов А. ва бошқ. Ўша асар. 237-б.

<sup>95</sup> Бобоев Т. Бобоева З. Ўша асар. 24-6.

бирикмаларида бутуннинг номи билан бўлак; ҳар ишига бурнини суқмоқ, тирноққа зор, жамоанинг қўли баланд келди каби бирикмаларда қисмнинг номи билан бутун ифодаланяпти. Бадий нутқда синекдохадан ихчамлилик ва ифодалиликни таъминлаш мақсадида фойдаланилади.

**Киноя** деб «тил бирлигини унинг ҳақиқий маъносига қарама-қарши маънода, кесатик, қочирим, пичинг билан ишлатишдан иборат қўчим»га<sup>96</sup> айтилади. Киноя қадимдан адабиётимизда таъсирчан ифодалар яратишида қўлланилиб келинган. Европа адабиётшунослигида бу ҳодиса «ирония» атамаси остида умумлаштирилади. Унинг **антифраза** (масҳара, у ёки бу ижобий хусусиятни кулги, калака йўли билан инкор қилиш) ҳамда **сарказм** (захарханда таъна, истехзоли пичинг, шама) деб аталувчи кўринишлари фарқланади. Моҳир сўз устаси, халқимизнинг ардоқли адиби Абдулла Қаҳҳор асарларида киноянинг нодир намуналарини учратиш мумкин. У «Майиз емаган хотин», «Адабиёт муаллими», «Нутқ» каби ҳажвий ҳикоя ва фельетонларида киноянинг турли кўринишларидан фойдаланган ҳолда бетакрор образлар яратган. Масалан адибнинг «Майиз емаган хотин» ҳикоясидаги ироник бўёқларда тасвиirlанган Мулла Норқўзи образи ана шундай образлардан ҳисобланади: «Аёл киши эркакка қўл бериб сўрашдими, бас!.. Рўза тутган киши оғзини чайқаса, сув томоғига кетмаса ҳамки, рўзаси очилади – шу оғиз чайқашдан баҳра олади-да! Абдулҳакимнинг қизига уста Мавлоннинг ўғли бир ҳовуч майиз берганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳаё борми шуларда? Шариат йўли – хўп йўл. Ўн бир яшарида паранжи ёпинмаган қиздан қўлни ювиб қўлтиққа ура беринг. Паранжи ҳаёнинг пардаси-да!»

**Парафраза** (айрим адабиётларда перифраз, перифраза) деб аталувчи тасвирий ифодалар ҳам бадий нутқнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминловчи услубий воситалардан ҳисобланади. Парафраза деб «нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, уларни характерли белги – хусусиятлари асосида тасвирий усул билан ифодалаш»га<sup>97</sup> айтилади. Шуни

<sup>96</sup> Ҳожиев А. Ўша асар. 49-б.

<sup>97</sup> Ҳожиев А. Ўша асар. 80-б.

унутмаслик керакки, ҳар қандай нарса – ҳодиса номини бошқа ибора билан атайвериш кутилган эфектни бермайды. Аталаётган ҳодиса билан янги ном-ибора ўртасида мазманий яқинлик бўлиши лозим. Масалан, учувчилар – само лочинлари, акула – сув ости хукмдори, шер – ҳайвонлар султони, Самарқанд – Шарқ дарвозаси, театр – маънавият ўчоғи, ёшлиқ – севги фасли каби.

**Муболаға ва кичрайтириш.** Нарсаларни, воқеа ва ҳодисаларни, ҳис-туйғуларни, белги-хусусиятларни ўта бўрттириб тасвирашга **муболаға** (айрим адабиётларда **гипербола**) дейилади. Муболаға ҳам тасвирининг таъсирчан чиқишига, образли ифодаланишига хизмат қиласиди. «Муболаганинг сўз маъносининг кўчишига асосланиши унинг троплар гуруҳига мансублигини кўрсатса ҳам, у тропнинг бошқа кўринишларидан фарқ қиласиди. Чунки тропнинг бошқа кўринишларида кўчма маъно маълум бир белги асосида ўхшатиш, таққослаш, воқеа-ҳодиса ёки предметлар ўртасидаги боғлиқликка кўра бўлса, муболаға эса тўғри маънода тушунмасликни талаб этади.»<sup>98</sup> Муболағага асосланган кўчим бадиий матнга нутқ предметига нисбатан тингловчи ёки китобхон эътиборини тортиш ва нутқнинг эмоционал-экспресивлигини таъминлаш мақсади билан олиб кирилади. Муболағада ифодаланаётган ахборот табиийки, ҳаёт ҳақиқатига мос келмайди. Лекин меъёр бузилса кутилган эфектга эришилмаслиги ҳам мумкин. Аслида «муболағали нутқнинг асосий мақсади ахборот бериш эмас, балки, тингловчи ёки ўқувчига таъсир қилишдир.»<sup>99</sup> Масалан, куйидаги парчада ёзувчи қаҳрамон портретини муболағадор қилиб тасвираш орқали комик эфект яратишга муваффақ бўлган: Махалламиизда Мамажон лўмбоз деган девдек киши бўларди. Бўйи унчалик дароз эмасди-ку, аммо энига қаричлаб ўлчаса, икки газдан ошиқ чиқарди. Ўтирганда думбаси қуймоққа ўхшаб ёйилиб кетиб уч газга доира ясарди. Қорни шу қадар осилиб кетганки, ўтирганда ерга ёзса бир кўрпачалик жойга

<sup>98</sup> Абдураҳмонов Ш. Ўша асар. 132-б.

<sup>99</sup> Абдураҳмонов Ш. Ўша асар. 133-б.

нари кетиб қоларди. Киндиги қичиганда қўли етмай, оташкурак билан қашларди. (С.Аҳмад)

**Кичрайтириш (литота)** деганда муболағанинг акси тушунилади. «Лекин моҳияти, эътибори билан улар қарама-қарши ҳодисалар эмас, ҳар иккиси ҳам воқеликни ҳаддан ташқари кучайтириб тасвирлашга хизмат қиласи, фақат уларнинг ифодаланиш усулида фарқ бор: гиперболада воқелик тўғридан – тўғри, бевосита бўрттириб кўрсатилса, литотада бирор воқеликни кичрайтириш воситасида берилади.»<sup>100</sup> - Тилимни қичитма, жўжахўроз! Айтмадимми, кузда қийқиллаб столнинг тагига кириб кетасан, деб... Эҳ-э, сенинг хўroz бўлишингга ҳали ўн тўрт процент бор (А.Қаххор). Бунда қаршидаги инсонни «жўжахўроз» деб кичрайтириш орқали ўзининг кучли эканлиги таъкидланяпти. Ёки, қуйида берилган мисолдаги биринчи лофчи муболағадан фойдаланган бўлса, иккинчисининг нутқида кичрайтириш ва муболаға бирданига кузатилади, ҳатто муболаға орқали биринчи объект йўқقا чиқариляпти: Бир лофчи иккинчи лофчининг уйига келиб деди:

- Сизга бир гиламни совға қилиб келтирдим, унинг бир учи бу ерда бўлса, иккинчи учи Самарқандда турибди.

Иккинчи лофчи унга дарҳол жавоб берди:

- Раҳмат, яхши қилибсан, меҳмонхонадаги гиламнинг озгина ерига ўт тушиб қўйган эди, сен совға қилган гиламни ўшанга ямоқ қиласман.

### ◊Назорат учун савол ва топшириқлар

- 1.Кўчимлар деб нимага айтилади?
- 2.Метафора деб нимага айтилади?
- 3.Метонимия деб нимага айтилади?
- 4.Синекдоҳа деб нимага айтилади?
- 5.Парафраза деб нимага айтилади?
- 6.Муболаға ва кичрайтириш деб нимага айтилади?
7. Кўчимлардан бадиий матнда нима мақсадда фойдаланилади?

---

<sup>100</sup> Абдуллаев А. Ўша китоб. 32-6.

## Бадиий матнни таҳлил қилиш методологияси

Бадиий матннинг лисоний таҳлили курсининг методологияси диалектик тафаккур қонуниятларига асосланади. Методология сўзи юон тилидан олинган бўлиб, *metodos*-йўл, усул ва *logos*-таълимот демакдир. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг назарий ва амалий фаолиятини тўғри ўюштириш, ташкил этиш ҳақидаги таълимотдир. Диалектик тафаккур нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти уларнинг бир-бири билан алоқадорлиги ва ривожланиши фалсафий қонунлар, тушунчалар (категориялар) тизими ёрдамида очиб беради. Диалектиканинг қонун ва тушунчалари воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқасини акс эттириб, инсонда нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш ва онгли таҳлил қилиш имкониятини яратади. Лекин мазкур қонуниятлар муайян бадиий асарга татбиқ қилинганида унинг хусусий томонларини ҳисобга олиш зарур. Шундан келиб чиқиб, бадиий матнни лисоний таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги тамойилларга таяниб иш кўрилса мақсадга мувофиқ бўлади деган фикрдамиз:

- 1. Шакл ва мазмун бирлиги тамойили.**
  - 2. Макон ва замон бирлиги тамойили.**
  - 3.Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойили.**
- Таҳлил усуллари сифатида эса қуйидагилар эътироф этилади:
- 1.Лисоний табдил усули.**
  - 2.Матн вариантларини қиёслаш усули.**
  - 3.Лугатларга асосланиш усули.**
  - 4.Лисоний бирликлар индексини тузиш усули<sup>101</sup>**

### **1.Шакл ва мазмун бирлиги тамойили**

Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик, боғланиш турларидан бири шакл ва мазмуннинг

---

<sup>101</sup> Бадиий матнни лисоний таҳлил қилишнинг методологияси, тамойил ва усуллари ҳақида қаранг: Ўринбоев Б. ва бошқ. Ўша асар. 1990., Шодмонов Э. Бадиий матннинг лингвистик таҳлили// «Мактабда ўзбек, рус тиллари ва адабиёти», 1991, №8.

диалектикасиdir. Шакл ва мазмуннинг диалектик бирлиги тушунчаси ҳар қандай матн учун зарурий хусусият ҳисобланади. Файласуфлар мазмунга «муайян нарса ва ҳодисаларни тавсифловчи ички элементлар ва ўзгаришларнинг мажмуи» деб баҳо берадилар. Шаклни эса «мазмунни ифодалаш усули, ташкил этувчиси» сифатида талқин қиласидилар. Шакл ва мазмун бир-бири билан шундай боғланиб кетганки, бирида сезилган нуқсон иккинчисидаги бутунликка путур етказиши мумкин. Шакл ва мазмун мувофиқлиги бузилса, муаллифнинг нияти тўла намоён бўлмай қолиши турган гап. Бунда асосий эътиборни матн ва унинг жанр хусусияти ўртасидаги мувозанатга қаратган ҳолда, матннаги лисоний бирликларнинг матн табиатига мослиги масаласини ҳам дикқат марказидан қочирмаслик керак. Масалан, қаҳрамон руҳиятидаги ғазабланиш ҳолатини ифодалашда сиқиқ жумлаларнинг ишлатилиши, дағал ва чет сўзларнинг қўлланиши кабилар ҳам мазкур тамойил асосида текширилиши мумкин. Ёки муаллиф нутқини кўздан кечирадиган бўлсак ижобий қаҳрамон тасвирида кўтаринки бир рух, ёрқин ранглар ва ёқимли ифода тарзини сезамиз. Сўзлар ҳам шунга мос танланади. Салбий қаҳрамон тасвирида эса бунинг тескарисини кузатамиз. Юз-ифода ёки феъл-атвор тасвирида тунд ранглар, безгин рух ва ёқимсиз ифода тарзи сезилиб туради. Инсоннинг феъл-атвори ва қиёфасида ҳам маълум маънода мувофиқликнинг бўлиши табиий ҳол. Ёзувчилар бадий асар яратишда бу мувофиқликни янада бўрттириб, янада таъкидлаб ифодалашга харакат қиласидилар. Шу орқали асарнинг ишонарлилигини таъминлайди ҳамда китобхон муносабатини шакллантириб боради.

Мавзу билан танланган жанр ўртасидаги мослик шакл ва мазмун бирлиги тамойилининг асосий текшириш объектларидан ҳисобланади.

## **2. Макон ва замон бирлиги тамойили**

Бадий матннинг тил хусусиятлари текширилаётганида ундаги ҳар бир ҳодисага макон ва замон бирлиги тушунчасини ҳисобга олиб ёндашиш керак. Ҳар қандай асар давр ва макон билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Тарихий мавзудаги асар

тилида муайян замон руҳини ташувчи воқеаларнинг қайси маконда, қандай муҳитда юз бераётганини ойдинлаштирувчи лексик-грамматик бирликлар иштирок этади. Макон ва замон бирлиги тушунчаси бадий асаргагина хос белги эмас. У ҳар қандай матн кўринишига тааллуқлидир. Ушбу тамойил асосида таҳлил олиб борилаётганда матн ёзилган давр, матнда кўтарилагн мавзу ва матн бирликларининг табиатига қараб диахрон ва синхрон аспектлардан бири танланиши керак. Буни йирик сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор ҳикоясидан олинган қуидаги парча асосида кўздан кечирамиз.

-Ҳа, сигиринг йўқолдими?

-Йўқ... сигир эмас, ҳўкиз, ола ҳўкиз эди.

Йўқолмасдан илгари бормиди? Қанақа ҳўкиз эди?

-Ола ҳўкиз...

-Яхши ҳўкизмиди ё ёмон ҳўкизмиди?

-Кўш маҳали...

-Яхши ҳўкиз бирор етакласа кетаберадими?

-Бисотимда ҳеч нарса йўқ...

-Ўзи қайтиб келмасмикин?... Бирор олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да. Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!(Танланган асарлар. 1-том. 33-бет).

Бу сұхбат қаерда, қайси даврда, қандай одамлар ўртасида бўлиб ўтаётганлигини келтирилган ушбу кичик парчадан ҳам билса бўлади. Савол ҳам қисқа, жавоб ҳам. Савол бериш тарзида кибр, менсимаслик, воқеликка арзимас бир нарсага қараётгандек бепарво муносабат сезилади. Пичинг, кесатиқ ва масхара оҳанги аниқ акс этган. Жавобдан эса қаҳрамоннинг содалиги, факирлиги англашилади. Сұхбат амин хузурида бўлиб ўтятти. Шунга мувофиқ расмий нутқ элементларидан фойдаланилган.

**3.Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойили.** Ҳар бир тил ҳодисаси муайян матнда алоҳида – алоҳида олиб ўрганилади, изоҳланади ва шу асосда умумлаштирилади. Бадий асарда тилга олинган деталлар асарнинг умумий руҳига ёки давр руҳига қай даражада мос келиши аниқланади. Қаҳрамон дунёқараши унинг нутқида қай даражада акс этган? Асар иштирокчиларининг диалоглари монологлари бадийлик

талабларига жавоб берадими? Умуман асардаги хусусий ҳолатлар асарнинг бутунига алоқадорми, йўқми каби ҳолатлар аниқланади. «Мавзу, жанр, услуг ва тилга хос умумий белгилар ҳамда муаллиф индивидуаллигига хос хусусий белгиларнинг матнда намоён бўлишини изоҳлаш»<sup>102</sup> ҳам шу тамойил талабларидан ҳисобланади. Турли қатламга хос сўзларнинг бадиий матнда қўлланиши билан боғлиқ текширишлар ёки қаҳрамонларнинг ўzlари мансуб бўлган тоифа тилидан қай даражада истеъфода қилишини ўрганиш кабиларда хусусийликдан умумийликка ўтиш қонунияти ҳисобга олинади.

**1.Лисоний табдил усули.** Табдил – «алмаштириш, ўзгартириш, ўрин алмаштириш» деган маънони билдиради. Асар тилининг бадиийлиги, ишонарлилиги, ёзувчининг муаллифлик маҳоратини аниқлашда ушбу таҳлил усули натижаларидан фойдаланилади. Асарда қўлланилган сўз ёки ибораларни, жумлаларни қайта тузиб кўриш, ўхشاши билан алмаштириб кўриш ва шу асосда баҳо бериш назарда тутилади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикоясидаги мана бу мисолга эътибор беринг:

« – Ё қудратингдан, индамайди-я! – деди Туробжон келтирган **матоини** титкилаб – мана, чайнаб кўр! Кўргин, бўлмаса, иннайкийин дегин...

Айни ўринда нарса сўзи эмас, балки атайнин мато сўзи қўлланган. Нарса сўзи услубий жиҳатдан холис, мато сўзи эса айни маъноси билан холис эмас, яъни унда камситиш билан боғлиқ маъно қирраси мавжуд, бу маъно қирраси титкилаб феъл шакли билан яна ҳам таъкидланган. Анорга бошқоронги бўлган ва эрининг анор олиб келишини интиқ кутиб ўтирган хотин назарида, бу-ку арининг уяси – мумли асал экан, тоза асалнинг ўзи ҳам нарса эмас фақат мато. Ҳикоянинг умумий интонацияси, воқеа ривожи айни ўринда мато сўзини бошқа синоними билан алмаштиришга имкон бермайди.»<sup>103</sup>

Маҳоратли адид Чўлпон асарларидан бундай ҳолатларни истаганча топиш мумкин. Масалан, ўзбек тилида ўрамоқ, буркамоқ, чулғамоқ, чирмамоқ тарзидаги маънодош сўзлар

<sup>102</sup> Ўринбоев Б. ва бошқ. Ўша асар. 15-16-б.

<sup>103</sup> Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. –Т: «Ўзбекистон», 1992.

қатори мавжуд бўлиб, буркамоқ сўзида ўрамоқ сўзига нисбатан ўраш белгиси анчайин ортиқ, яъни унинг маъно қурилишида «ҳеч бир очиқ жойини қолдирмай» деган қўшимча ифода семаси мавжуд. Шунинг учун ҳам ушбу парчада Чўлпон тегишли мазмун ифодаси учун ўрамоқ сўзини эмас, балки айни буркамоқ сўзини танлаш орқали тасвирдаги аниқлик ва экспрессивликни оширишга муваффақ бўлган: Ҳали тузук-куруқ одам қаторига кириб етмаган бу қизчани катта хотинларнинг орият паранжисига буркаганлар, паранжининг узун этаклари катта бир тугундек унинг қўлтиғини тўлғазарди.<sup>104</sup> Шунинг учун ҳам мазкур ўриндаги бирликларни синоними билан ёки бошқа бирор сўз билан алмаштириб бўлмайди. Алмаштирилса асар бадиятига птур етади.

**2.Матн вариантларини қиёслаш усули.** Бу усул орқали маълум асар матни бошқа вариантлари билан қиёсланади ва лисоний фарқларнинг моҳияти адиб нуқтаи назари, бадиий-эстетик нияти ҳамда асар ғоясига боғлаб ёритилади. Ёзувчининг бадиий асар тили устида ишлашини ўрганишда, ёзувчи тузатишларни айни бир мазмунни ифодалашга қаратилган турли воситаларни аниқлашда ва умуман ёзувчининг тилдан фойдаланишдаги моҳоратини белгилашда бу усул яхши самара беради.

Масалан, «Навоий» романининг қўлёзмасида:

-Бувижон, - ҳаяжонланиб сўзлади Дилдор, - кўрсангиз айтинг, ҳеч қандай ёмон ниятда бўлмасин, тинч юрсин (600-бет).

Нашрда: –Бувижон, - шивирлади у, - уни кўрсангиз айтинг, ҳеч қандай ёмон ниятда бўлмасин, тинч юрсин (237-бет).

Бу эпизодда сухбат подшоҳ ҳарами дарвозаси ёнида юз беряпти. Вазият ва руҳий ҳолат уйғунлиги иккинчи вариантда аниқ кўринади. ЁкиFaфур Ғуломнинг «Шум бола» асари қаҳрамони – Қоравойнинг ёши дастлабки нашрда 17, кейинги

---

<sup>104</sup> Бу ҳақда қаранг: Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. –Т: «Маънавият», 2002.

нашрда 14 деб берилган. Бунда ҳам қаҳрамоннинг ҳатти – ҳаракати ва ёши ўртасида мувофиқлик ҳисобга олинган.

Бу бевосита ёзувчининг тузатишлари. Шундай ҳолатлар бўладики, асар матни ноширлар томонидан ёки адабиётшунослар тарафидан атайин ўзгартирилади. «Ўткан кунлар» романи бир неча ўзгартишлар билан нашр этиб келингани кўпчиликка маълум.

**3.Луғатларга асосланиш усули.** Асар тили, айниқса тарихий мавзудаги асар ёки таржима асарларининг тил хусусиятлари текширилаётган пайтда тегишли луғатларга мурожаат қилиш лозим бўлади. Масалан, «Шайбонийхон» достони тилида қўлланилган гудар, саваш, совут, содоқ, ғул, тув, байдоқ каби ўша давр руҳиятига мос ҳарбий атамалар маъносини билиш асарни пухта ўрганишга ёрдам беради. Бу-ку бир неча юз йил олдинги асар экан, ўтган аср бошларида ёзилган асарлар учун ҳам луғат тузиш оддий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Масалан, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон каби шоир ва ёзувчиларнинг асарлар учун маҳсус, сўзларнинг бевосита асарда реаллашган маъносига асосланиб тузилган луғатлар тайёрланиши керак. «Ўткан кунлар»да ҳар бир саҳифа остида айрим тушунарсиз сўзларнинг изоҳи бериб борилган. Масалан, утта - у ерда; сипориш - топшириқ; мувофиқуттабъ - таъбга мос, муносиб; ашроф - эътиборли кишилар, улуғлар; мушовир - маслаҳатчи; мусоҳиб - ҳамсухбат каби. Ва бу фақат мазкур асардагина эмас бошқаларида ҳам шундай. Лекин адебнинг барча асарларининг тилига бағищланган маҳсус луғат тайёрланиши лозим. Ж.Лапасовнинг «Бадиий матн ва лисоний таҳлил» деб номланган қўлланмасида муайян бир бадиий матннинг луғатини тузиш бўйича намуналар ҳамда луғат устида ишлаш бўйича муҳим кўрсатмалар берилган. Олим тўғри таъкидлаганидек: «Бадиий матннинг лисоний таҳлилини турли-туман луғатларсиз тасаввур қилиш қийин. Луғат устида ишлаш ўқувчи ва талабаларнинг сўз бойлигини, оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади ва шу луғат ёрдамида нафақат сўзларнинг туб маъносини,

балки күчма маънолари, ҳар бир сўзнинг қайси тил унсури эканлиги, этимологияси (сўзнинг келиб чиқиш тарихи ва тадрижий ривожи), таркиби, баъзан эса грамматик шакли билан яқиндан танишилади.»

**3.Лисоний бирликлар индексини тузиш усули.** Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлили жараёнида асардаги лисоний бирликларнинг индексини тузиб чиқиш талаб қилинади. Бунинг учун дастлаб, асардаги энг кўп қўлланилган, асар бадиияти учун характерли бўлган бирликлар (масалан, иборалар, синономлар, антонимлар ёки эпитетли бирикмалар, метонимия, метафоралар бўлиши мумкин) аниқланади. Кейин алифбо тартибида териб чиқилади. Бу ёзувчининг лисоний маҳоратини ёритишда фактik материал вазифасини ўтайди. Масалан, моҳир сўз санъаткори Абдулла Қахҳорнинг «Сароб» романида қўлланган юздан зиёд ибора, метафора ёки метонимияларнинг индексини қўйидаги тарзда тузиб чиқишимиз мумкин: (5 жилдлик. 1-жилд. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987 йил.)

Иборалар:

1. Афтини буриштиromoқ – Қимирласам, биқиним санчади, – деди Саидий худди ҳозир санчадигандай афтини буриштириб. (41-бет)
2. Бўйнига олмоқ – Саидий хайрлашиб чиқди, қишлоқقا боришни бўйнига олиб қўйди. (83-бет)
3. Дами ичига тушмоқ – Саидий Ёқубжоннинг айтганини қилганида Кенжанинг дами ичига тушди. (124-бет)
4. Оқизмай-томизмай етказмоқ – Сўз ўрни келганда, у Саидийда заковат белгилари қўрганини, бу йигит оддий студентлардан юқори туришини сўзлар, буни эса Мунисхон оқизмай-томизмай Саидийга етказар эди. (67-бет)
5. Таъби очилмоқ – У қишлоқقا келганида дастлаб янги муҳитга ўрганолмай кўп қийналган эди, аммо ўрганганидан сўнг, таъби очилиб кетди. (89-бет)
6. Юраги дов бермаслик – Мунисхон пальтосининг ёқасини қўтарди-ю, эшикдан чиқишига юраги дов бермай, туриб қолди. (43-бет)

7. Уҳда қилолмаслик – Шеф билан ишлаб ҳам уҳда қилолмаётирсизми? (82-бет)
8. Қулоқ бермоқ – Қиз унинг сўзига ўзи устидан чиқарилган ҳукмни тинглагандай қулоқ берар эди. (35-бет)

**Метафоралар:**

1. – Ассалому алайкум, шервачча, – деди бир кекса товуш ва бу товушнинг эгасидан илгари «тўқ» этиб ҳасса кирди.(88-бет) – Шервачча, – деди чол иккала қўлини қўкрагига қўйиб, хириллаб, - газетага берсалар... (89-бет)
2. Дори – Ё бош оғриғини дори билан босайликми? Бир рюмка-бир рюмка... (129-бет)
3. Яқинлик иплари – Бора-бора икки орадаги Эҳсон туғдирган яқинлик иплари узила бошлади. (42-бет)
4. «Тўнгак» билан профессор ўртасида ўтган бу гап бутун университетга довруқ бўлди. (43-бет)

**Метонимиялар:**

1. Зал – Яна қарсак зални кўтаргудай бўлди. (94-бет) Бутун зал домлага қаради (94-бет)
2. Катта, майда – У «катта» ёзиш учун аввал «майда» билан ўқувчи орттириш керак, деди. (136-бет)
3. «Ошиқлар» – Хусусан, КенжА Сайдийнинг «Ошиқлар»и очиқдан-очиқ шўро ҳукуматининг хотин-қизлар озодлиги тўғрисидаги сиёсатига зарба бериш, (...) Аббосхоннинг ўзи тасаллига муҳтоҷ бўлиб қолди. (139-бет)
4. Факультет – Факультетни ташлашга ўзингизда бу қадар мажбурият сезсангиз ноилож давом этманг, чунки бу нарса факультетдан ҳайдалишга олиб келади. (106-бет)
5. Фирқа – Шунда, албатта фирқа кўрсатган йўлдан борамиз. (94-бет)
6. Университет – Университет чақиртираётir. (91-бет)  
«Тўнгак» билан профессор ўртасида ўтган бу гап бутун университетга довруқ бўлди. (43-бет)
7. Шиша – Буни эса кўпроқ шиша осонлаштиради. (112-бет)

**Тахлил типлари**

Бадий матнни таҳлил қилишнинг тамойил ва усуллари бўлганидек, ўзига хос типлари ҳам мавжуд. Таҳлилнинг мақсади, йўналиши ва қамровини асар ҳажми жиҳатини ҳисобга олиб иккига ажратиш мумкин: **тематик ва комплекс таҳлил.**

**1. Тематик таҳлил** деганда, бирор бир бадий асарни тилнинг бир жиҳати бўйича ва маълум тамойил, усуллар бўйича таҳлил қилиш назарда тутилади. Тематик таҳлил асосан, тил сатҳларидан бири бўйича амалга оширилади. Масалан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» номли романини лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қиласиз, дейлик. Асаддаги луғавий бирликлар (айрим сўзлар, иборалар, мақоллар, маталлар, афоризмлар) ажратиб олинади. Луғавий бирликлар асар бадиятига қай даражада хизмат қилиши, анъанавий ёки индивидуал эканлиги аниқланади. Матн компонентларини бирикиш усуллари алоҳида ўрганилади. Матн типлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

**2. Комплекс таҳлил.** Тилнинг барча соҳаларига хос бирликлар ва уларнинг муайян бир асарда қўлланишини матннинг умумий мазмуни, жанри, таркибий тузилиши билан ўзаро боғлиқлиқда олиб ўрганиш комплекс таҳлилнинг асосини ташкил этади. Бу хилдаги таҳлил умумфилологик йўналиш, мазмун ва характер касб этади. Шунинг учун матнни таҳлил қилишдан аввал адабиётшунослик ва тилшунослик билан алоқадор соҳаларнинг тамал қонуниятларидан албатта хабардор бўлишимиз керак. Бундай таҳлил хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойилига мувофиқ олиб борилади. Комплекс таҳлил бирор бир ижодкорга бағишлиланган бўлади. Бундай таҳлилни бир асарни турли сатҳлар бўйича ёки бир неча асарни бир сатҳ бўйича ўтказиш мумкин. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи лингвопоэтикаси (тил сатҳлари бўйича). Ёки Абдулла Қодирий асарлари лингвопоэтикаси. Бунда адаб қаламига мансуб барча асарларнинг лисоний хусусиятлари текширилади ва натижалар умумлаштириб таҳлилга тортилади. Бу осон иш эмас. Шунингдек, бир ёки икки кишининг иши ҳам эмас. Адаб асарларини ҳар тарафлама текшириш, таҳлил қилиш, шу

кунгача қилинган барча ишларни бир жойга тұплаш, таснифлаш, индексли маълумотлар базасини яратиши, зарурий луғатларни тайёрлаш ва бошқа ишларни амалга ошириши жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган лингвопоэтиканың фаолият доирасига киради. Адабиётшүносликда Б.Францнинг В.Шекспир асарлари тилига бағишиланған «Shakespeare grammatic» деб аталған йирик ҳажмли асари алохидә эътиборга молик иш сифатида эътироф қилинади. Унда шоир ижоди тилнинг барча сатхлари бүйича таҳлилга тортилади. Шу билан бирга ижтимоий тузум, шоирнинг фалсафий дүнёқараши, ҳаёт тарзи, шоирнинг замондошларининг шоирга муносабати ёки шоирнинг ўз замондошларига муносабати, давр билан боғлиқ эстетик тафаккур тарзи ва ҳокозолар ҳақида ҳам маълумотлар беріб борилади. Мазкур тадқиқтдан фақатгина шоир асарларининг тили эмас, балки ўша давр тили ҳақида ҳам ноёб маълумотларни олиш мүмкін.<sup>105</sup> Лекин шуны унутмаслик керакки, бадий асар том маънода эстетик воқеликдир. Уни тематик таҳлил қиласыз, комплекс таҳлил қиласыз бундан қатын назар, асарнинг эстетик ҳодиса сифатидаги моҳиятини назардан четда қолдирмаслигимиз керак.

### ♪Назорат учун савол ва топшириқлар

---

<sup>105</sup>Бу ҳақда қаранг: Wellek R. Edebiyat teorisi.-İzmir. Akademi kitabevi. 1993.

- 1.Мазкур курснинг методологияси қандай қонуниятга асосланади?
- 2.Лисоний таҳлилнинг қандай тамойил ва усуллари бор?
- 3.Шакл ва мазмун бирлиги тамойили деб нимага айтилади?
- 4.Макон ва замон бирлиги тамойили деб нимага айтилади?
- 5.Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойили деб нимага айтилади?
- 6.Илмий мушоҳада усули деб нимага айтилади?
- 7.Лисоний табдил деганда нимани тушунасиз?
- 8.Матн вариантларини қиёслаш усули деб нимага айтилади<sup>7</sup>
- 9.Луғатларга асосланиш усули деб нимага айтилади?
- 10.Тематик таҳлил деб нимага айтилади?
- 11.Комплекс таҳлил деб нимага айтилади?

**Бадиий матнни лингвопоэтик таҳлил қилишда  
нималарга эътибор қаратиш зарур?**

Бирор бир шеърни, ҳикоя ёки романни ўқиётганимизда асар мазмунини якка-якка сўзлардан ёки айrim иборалардангина эмас, балки матн деб аталувчи бутунлик билан муносабатга киришгандан сўнггина англай бошлаймиз. Бадий асарни газета ўқигандек ўқиб бўлмайди. Бадий асарни ўқиш учун ҳам алоҳида тайёргарлик керак. Воқеалар тизимини кузатиб бориш билангина асар ўқиган бўлиб қолмайсиз. Ўзингизда фаол ўқиш тарзини шакллантиришингиз зарур, акс ҳолда асар ўқиш шунчаки вақт «ўлдириш» машғулоти бўлиб қолаверади. Хўш, фаол ўқиш тарзини шакллантириш учун нима қилиш керак? Бунинг учун ёзувчи ва матн билан ҳақиқий мулоқотга киришингиз талаб қилинади. Уларга ўзингизнинг саволларингизни мунтазам бериб боришингиз зарур. Матнни ҳар томонлама таҳлил қилиб боришингиз керак. Матн моҳиятига кириб бориш учун аввало тилшунослик ва адабиётшуносликнинг тамал қонуниятларидан хабардор бўлиш лозим. Қуйида сизга ҳавола қилинаётган таҳлил тартиби қатъий-қотма тартиб эмас, уни таҳлил обьекти ва методига қараб ўзгартиришингиз мумкин.

**А.Дастлабки тайёргарлик.** Ҳар қандай бадий асарни ўқиш учун дастлабки тайёргарлик зарур бўлади. Бу тайёргарлик аслида автоматик тарзда намоён бўлади. Масалан, бирор бир асарни ўқимоқчи бўлганингизда асар муқовасининг ўзиёқ сизга дастлабки маълумотларни беради. Муқованинг безатилиши, муаллиф исми-шарифи, ҳатто роман деб ёзиб қўйилган бўлса, ўша сўзнинг ўзи ҳам матн билан муносабатга киришингизни таъминлайди. Биз айтмоқчи бўлган тайёргарлик ҳам шунга яқин фақат бироз вақт, бироз қунт ва жиддият талаб қилиши билан фарқланади. Бу тайёргарликни тўрт одимда умумлаштиришга ҳаракат қилдик.

Биринчи одим. Матнга алоқадор маълумотларни ўрганиш.

- Асарнинг номи, ёзувчиси, нашр этилган йили ва жойи. Ҳажм белгисига кўра матн турини аниқлаш.

- Матн ҳақидаги ёзувчининг ёки нашрга тайёрловчининг кириш сўзи.

- Матн турини аниқлаш.

**Иккинчи одим. Матн тузилишини ўрганиш.**

- Матннинг ташкил тарзини ўрганиш. Боб, фасл, қисм, бўлим ва уларнинг номларини, назмий асар бўлса байт, мисра каби ташқи хусусиятларини аниқлаш.

- Ёрдамчи қисмларини аниқлаш. Эпиграф, эпилог, агар назмий асар бўлса сарлавҳа, атов сўзи байт, мисра кабиларни аниқлаш.

Учинчи одим. Матнни биринчи марта ўқиши. Матнни синчиклаб ўқиши ва тушунилиши қийин бўлган жойларни белгилаб бориш, ўқиши жараёнида эътиборни тортган сўз, ибора, мақол-мatal ва айrim эпизодлар ёнига белги қўйиб бориш тавсия қилинади.

Тўртинчи одим. Матн ва ижтимоий ҳаёт ўртасидаги алоқани ўрганиш.

-Матн қайси даврда, қаерда, қандай ижтимоий муҳитда ёзилганлигини аниқлаш.

-Матнда қаламга олинган воқеалар қайси ҳудуд ва қайси давр учун хослигини аниқлаш. Матннинг ифода мақсади ва мазмунига кўра турини белгилаш.

-Матн ёзилган давр ва ёзувчи мавқеи. Ёзувчига замондошларининг муносабати ва ёзувчининг замондошларига муносабати.

-Ёзувчининг бошқа асарлари ва сиз таҳлил қилаётган асари ўртасидаги алоқадорлик. Бу асарнинг бошқа асарлардан фарқи.

**Б. Матн ва тил эстетикаси.** Сизга маълумки, тил коммуникатив (алоқа қуроли, воситаси), экспрессив (фикрларни ифодалаш), конструктив (фикрларни шакллантириш), аккумулятив (ижтимоий тажриба ва билимларни тўплаш, сақлаш) каби бир неча функцияларни бажаради. Шунга кўра матндаги тил бирликлари муайян мақсадга йўналтирилган бўлади (яъни, ким-нима, кимганимага, ким ҳақида-нима ҳақида).

Биринчи одим. Бадиий нутқ кўринишларини белгилаш.

-Монологик нутқ, диалогик нутқ, параллел нутқ. Ички нутқ, ташқи нутқ. Қаҳрамонларнинг ёзма нутқлари, газета ва журналлардан олинган нутқ кўринишлари.

-Ҳикоячи шахсини аниқлаш. Ким ҳикоя қиляпти? Ҳикоячи ким ҳақида гапиряпти? Ҳикоячи ўзини бевосита ифодалаяптими ёки билвосита?

-Ҳикоячи нутқининг кўринишларини белгилаш: холис нутқ, муносабатли нутқ. Ички нутқ, ташқи нутқ.

-Қаҳрамон шахсини аниқлаш. Бош қаҳрамон ким? Қайси тоифа-табақа ёки ижтимоий қатлам вакили? Қаҳрамон феълатвори, дунёқарашини аниқлаш.

-Қаҳрамон нутқининг кўринишларини белгилаш. Холис нутқ, муносабатли нутқ. Ички нутқ, ташқи нутқ.

Иккинчи одим. Сўзнинг эстетик вазифаси.

-Бадиий асарда ёзувчи томонидан атайин қўлланган сўзларни аниқлаш. Нега айнан шу сўзни қўллаганлиги, бу сўзнинг асар мазмуни ва эстетикаси учун қай даражада аҳамият касб этиши ҳақида фикр юритиши.

-Тарихий, архаик ва янги сўзларни аниқлаш, маъносини изоҳли луғатларга асосланиб шарҳлаш. Уларнинг асарда қўлланилиш ўрни ва сабабини белгилаш.

-Истеъмол доираси чегараланган сўзлар(касб-хунар сўзлари, шевага оид сўзлар, чет ва дағал сўзлар)ни аниқлаш, маъносини зарурӣ луғатларга асосланиб шарҳлаш. Уларнинг асарда қўлланилиш ўрни ва сабабларини изоҳлаш.

-Маънодош, шаклдош, пароним ва зид маъноли сўзларни аниқлаш. Уларнинг асар мазмунига қандай таъсир этганлиги ҳақида мулоҳаза юритиши.

-Фонетик-фонологик ўзига хосликларни белгилаш. Товуш такори, товуш тушиши, товушларнинг қаватланиши каби ходисаларнинг асарда қўлланилиши ва улар ёрдамида эришилган экспрессивлик ҳақида фикр юритилади.

-Матндаги морфологик ўзига хосликларни аниқлаш. Масалан, от сўз туркумидаги сўзларни кетма-кет келтириш ёки такрорлаш орқали эришилган таъсирчанлик, сифатларни услубий мақсадларда қўллаш, олмошларнинг матндаги вазифаси, феъл нисбатларидан эмоционал-экспрессив мақсадаларда фойдаланилганлик кабиларни аниқлаш.

-Матннинг синтактик ўзига хосликларини аниқлаш. Ёзувчи томонидан атайин қўлланилган сўз бирикмаларини

топиш ва нега қўлланилгани ҳақида фикр юритиш. Гап турларини аниқлаш. Қайси турдаги гаплардан кўпроқ фойдаланилганлигини белгилаш ва ёзувчининг мақсади ҳақида фикр юритиш. Сўз тартиби, инверсия, антитеза, параллелизм, эллипсис кабилар.

- Абзац. Абзац қисмлариниг жойлаштирилиши. Тема-рематик муносабат. Абзацларни бир-бирига боғловчи воситалар. Дистант ва контакт алоқа. Мазмуний ўқ, мазмуний яқинлик ва мазмуний изчиллик тушунчалари абзац таҳлили асосида шарҳланади.

**В.Бадиий матн ва тасвирий воситалар.** Ҳар қандай бадиий асарнинг таъсирчанлигини унда қўлланилган бадиий тасвир воситалари таъминлайди. Уларсиз бадиий асар қуруқ ва зерикарли бўлади. Чунки китобхон учун асарда қаламга олинган воқеаларгина муҳим эмас. Балки, воқеалар қандай ифодалангани аҳамиятлидир. Ёзувчининг маҳорати бадиий тасвир воситаларини қай даражада ишлата олишига боғлиқ бўлади.

-Метафора, метонимия, синекдоха, киноя, ўхшатиш, фарқлаш, жонлантириш, муболага, кичрайтириш, антитеза, парафраза, оксюморон кабиларни аниқлаш ва уларнинг бадиий матндаги ўрнини, аҳамиятини ёритиш.

-Ибора, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, таъсирчан бирикмаларни белгилаш. Кимнинг нутқида, қандай мухитда, қай мақсадда, ўринли-ўринсиз қўлланилиши кабилар ҳақида фикр юритилади.

-Матнлараро алоқадорликни аниқлаш. Матн вариантларини қиёслаш. Матн ичида қўлланилган ўзга матн кўринишларини (назира, тақлид, нақл, ҳадис, ривоят, мифлар, афсоналар, дидактемалар) аниқлаш ва асар мазмуни билан қай даражада уйғунлиги ҳақида фикр юритиш.

### **Г.Эстетик ҳодиса сифатида матн.**

Бадиий асар агар китобхонлар эътиборини тортган бўлса, албатта бу асар ҳақида газета, журналларда, турли адабий танқидий китобларда, илмий тадқиқот ишларида у ёки бу даражада фикр-мулоҳазалар берилган бўлади. Асар ҳақидаги таништирув мақолалар, тақризлар мунаққидларнинг фикрлари

билин танишиш фикр уфқингизни кенгайтиради. Шунингдек, таҳлил холислигини таъминлашга ёрдам беради.

-Ёзувчи услуби ва асар ёзилган даврдаги етакчи услубларни аниқлаш. Асар тили ва давр тили ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш. Асарнинг бошқа тилларга таржима қилиниши, адабиётшунослик нуқтаи назаридан асар аҳамиятини белгилаш кабилар таҳлил тугаллигига хизмат қилувчи омиллар ҳисобланади.

Бадий асар лисоний жиҳатдан таҳлил қилинаётганда мавзуга алоқадор илмий-назарий адабиётлардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Фақат фойдаланган адабиётингизни албатта ҳаволада кўрсатган бўлишингиз лозим. Адабиётни ҳаволада кўрсатишнинг ҳам ўз тартиби бор. Масалан, бирор бир асардан олинган кўчирма келтирдингиз дейлик. Кўштироқдан кейин ҳавола рақами қўйилади. Ўша саҳифанинг пастки қисмига ҳавола рақами қўйилади ва муаллифнинг исми шарифи, асар номи, нашр жойи, йили ва кўчирма олинган саҳифа рақами ёзилади. Масалан:<sup>1</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.-Т: «ЎМЭ»., 2002, 5-б.

Агар асардан кўчирма олмай мазмунидан фойдаланган бўлсангиз ҳаволада муаллиф исмидан аввал «Бу ҳақда қаранг» бирикмасини қўшиб қўясиз. Бир асардан бир неча ўринларда фойдаланган бўлсангиз биринчисида тўлиқ ёзилади, кейингиларида эса муаллиф исми шарифидан кейин «Ўша асар» ёзуви ва саҳифаси кўрсатилади. Асар умумий адабиётлар рўйхатида берилганида сиз фойдаланган саҳифа рақами эмас, балки асарнинг неча саҳифадан иборат эканлиги ёзилади.

## **Ихчам луғат**

Анафора -

Шеърий мисраларнинг бошида ёки насрий асардаги гапларнинг олдида бир хил жаранглаган товуш, оҳангдош сўз ва ибораларнинг такрорланиб келиши.

|              |   |
|--------------|---|
| Антитеза -   | Бадий асарда бир-бирига зид маъноли сўзларни ёнма-ён қўллаш, қаршилантириш санъати.   |
| Антифраза-   | Ирониянинг бир кўриниши бўлиб, бирор шахс ёки предметга хос бўлган у ёки бу ижобий хусусиятни кулгили интонация билан инкор қилишга айтилади. |
| Аллегория-   | Қочирим, кесатиш, пичингга асосланган маъно кўчиши  |
| Аллитерация- | Мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланиши: Қаро қошинг, қалам қошинг, қийик қайрилма қошинг, қиз...          |
| Амфиболия-   | Икки хил талқин этиш, икки маънода тушуниш мумкин бўладиган гап. Бу //аҳмоқ одам эмас. Бу аҳмоқ // одам эмас.                                 |
| Апастрофа-   | Жонсиз предметларга жонли нарсадек мурожаат қилиш ва шундай муносабатда бўлиш   |
| Арго-        | Ясама тил. Бирор ижтимоий гурух, тоифа вакиллари ўртасида тушунарли бўлган, бошқалар тушунмайдиган луғавий бирликлар.                         |
| Архаизм-     | Маълум давр учун эскирган, истеъмолдан чиқа бошлаган тил бирлиги.   |
| Ассонанс-    | Айнан ёки яқин унлиларнинг такрорланиши натижасида юзага келадиганоҳангдошлиқ.  |
| Аферезис-    | Олдинги сўзнинг сўнгги товуши таъсирида кейинги сўз бошидаги товушнинг тушиши. Айтар эди → айтарди.   |
| Варваризм-   | Она тилига ўзлашмаган, ўзга тил ҳодисаси сифатида қўлланган сўз ёки   |

|                         |   |
|-------------------------|---|
| Вульгариzm-             | ибора: мадам, миссис, мерси...<br>Адабий тилга кирмайдиган дағал сўз ва иборалар.   |
| Геминация-              | Қўш ундошлиқ. Икки айнан бир хил ундошли ҳолатнинг юзага келиши: уччида, теппасида...   |
| Гипербола-              | Нарса-ҳодиса, жараёнларнинг белги-хусусиятини, ҳолатини ўта бўрттириб тасвиrlаш.  |
| Градация-               | Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини кучайтириб боришидан иборат услубий жараён.  |
| Демунитив шакл-         | Кичрайтириш шакли (деминутив шакл, деминитус): қизча, тугунчак, келинчак. Бирор гурӯҳ вакилларининг, ўз нутқи билан кўпчиликдан ажralиб туриш мақсадида, ўзича мазмун бериб ишлатадиган сўз ва иборалари. |
| Жаргон-                 | Жонсиз предмет, мавҳум нарсаларга инсонга хос хусусиятлар бериб тасвиrlаш усули. Персонификация. Ташхис.  |
| Интеллектуал лексика-   | Маълум бир тушунчанигина ифодалаб, қўшимча эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлмаган сўзлар  |
| Ирония-                 | Сўз ва ибораларнинг кесатиқ ёки пиchinг билан ўз маъносига қарама-қарши маънода ишлатилиши.   |
| Какофемизм- (дисфемизм) | Айrim тушунчаларни қўпол ва дағал усулда ифодалаш. Эвфемизмнинг тескариси. Масалан: ўлдирмоқ-жонини жаҳаннамга жўнатмоқ, асфаласофилинга равона қилмоқ каби ифодалар.                                     |
| Каламбур-               | Сўз ўйини. Кўп маънолилигига, фонетик тузилиши бир хиллигига ёки яқинлигига асосланадиган усул  |

|                           |   |
|---------------------------|---|
| Канцеляризм-              | Расмий стилга хос сўз ва нутқ шакллари  |
| Катахраза-<br>(Оксюморон) | Қарама-қарши тушунчаларни боғлаш, сўзни ўз асл маъносига мувофиқ бўлмаган ҳолда қўллаш: оқ тунлар, қизил сиёҳ каби.   |
| Киноя-                    | Тил бирлигини унинг ҳақиқий маъносига нисбатан қарама-қарши маънода, кесатик, пичинг билан ишлатишдан иборат кўчим.   |
| Контаминация-             | Бирор муносабат, тасаввурга кўра ўзаро боғлиқ бўлган икки сўз ёки иборани бирлаштириш йўли билан янги сўз ёки иборанинг ҳосил бўлиши. Масалан, эрга тегмоқ // турмушга чиқмоқ = эрга чиқмоқ |
| Кўчим-                    | Бадиий ифодалиликни ошириш учун кўчма маънода қўлланган нутқ бирлиги, рамз билан қўлланган сўз.   |
| Литота-                   | Нарса, ҳодиса ёки белгининг ҳажми, кучи кабиларни камайтириб тасвиrlаш.   |
| Мажоз-                    | Мавхум тушунча ёки ғояларни аниқ образ орқали ифодалаш. Айёрлик белгисига эгалик-тулки.   |
| Мақол-                    | Чуқур маъноли, тузилиши гапга тенг, алоҳида ритмик-мелодик хусусият ларга эга бўлган фольклор жанри   |
| Метатеза-                 | Сўздаги товушларнинг ўрин алмашиниши: киприк-кирпик, тупроқ-турпоқ каби.  |
| Метафора-                 | Бир предметнинг номини бошқа предметга шакл, белги ва ҳаракат ўхшашлигини эътиборга олиб кўчириш.   |
| Метонимия-                | Бир предмет, белги, ҳаракат номини ўзаро ташқи ёки ички боғлиқлик   |

|                           |  |
|---------------------------|--|
| Монолог-                  | асосида бошқа предмет, белги ёки ҳарактга нисбатан қўллаш.   |
| Муваққат маъно-           | Сўзловчининг ўзига қаратилган, бошқа шахснинг тинглаш ва жавоб беришини эътиборда тутмайдиган нутқ.  |
| Окказионализм-            | Сўзнинг маъно тузилишида шаклланиб етмаган, маълум индивидуал қўлланишда юзага чиқадиган маъно. Окказионал маъно. Санъатимиз гуллари, шабада йўрғалади каби.   |
| Оксюморон-<br>(Катахраза) | Махсулдор бўлмаган модель асосида ясалган ва фақат шу нутқий матннинг ўзида қўлланган сўз, индивидуал-услубий неологизм.   |
| Параллелизм-              | Мантиқан бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тушунчани қўшиб қўллаш. Бақирган сукунат, қизил қор, ширин ғам   |
| Парафраза-                | Ёнма-ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлиши. Тасвирий ифода. Нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, уларни характерли белги-хусусиятлари асосида тасвирий усул билан ифодалаш. Зангори оловгаз, дала маликаси- маккажўхори каби. Тилдаги касб-ҳунарга оид бўлган сўз ва иборалар |
| Профессионализм-          | Фақат сўроқ шаклида ифодаланиб, кучайтиришдан иборат услубий восита; жавоб талаб қилмайдиган сўроқ гап.  |
| Риторик сўроқ-            | Аччиқ заҳарханда, истехзоли таъна, пичинг  |
| Сарказм-                  | Бадиий нутқда ҳаётий воқеа, тушунча ва предметлар ифодаси учун сўзларнинг  |
| Символ-                   |  |

|                |  |
|----------------|--|
| Синекдоха-     | маълум равища кўчма маънода ишлатилиши.  |
| Табу-          | Бир предмет номининг бошқа предметга бутун ва қисм муносабати асосида кўчиши, бутуннинг номи қисмнинг номи ёки аксинча бўлиб қолиши  |
| Тавтология-    | Диний эътиқод, ирим, қўрқиш ва шу кабилар таъсирида сўзнинг ишлатилишини чеклаш ёки ман этиш. Чаён-оти йўқ, бўри-жондор каби   |
| Такрор-        | Бир фикрни бошқа сўз ёки сўзлар билан такроран ортиқча қўллаш: оёқ билан тепиш, гап гапирмоқ кабилар.  |
| Фигурал маъно- | Айни бир сўз, ибора ёки синтактик шаклларнинг муайян мақсад билан қайтарилиши.   |
| Эвфемизм-      | Воқелик билан бевосита боғланмайдиган, нарса, белги, ҳарактнинг номига айланмаган маъно. Фигурал маъно воқелик билан номловчи маъно орқали боғланади. Овозининг шираси қочган. |
| Эвфония-       | Нарса-ходисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси, иккиқат-оғироёқли, ҳомиладор.  |
| Экзотизм-      | Нутқнинг товушлар такори орқали юзага чиқариладиган хушоҳанглиги. Ўзлашган сўзлар, нутққа алоҳида бир ўзига хослик бериш учун қўлланиладиган сўзлар.                           |
| Экспрессия-    | Нутқнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги ва маънодор бўлиши.  |
| Эмоция-        | Инсоний ҳис-туйғу, кечинма ва ҳиссиётларнинг тил бирликларида ифодаланиши.   |
| Эмфаза-        | Нутқнинг кўтаринки рухда бўлиши,   |

|               |  |
|---------------|--|
| Энантиосемия- | эмоционалликнинг кучли бўлиши: Амр эт, Тожихон, амр эт... Эмфаза тақрор ёрдамида юзага чиқяпти.  |
| Эпифора-      | Бир сўзнинг семантик тузилишида зид маъноларнинг юзага келиши. Чикмок-ичкаридан ташқарига ҳаракатланиш, транспортда ичкарига ҳаракатланиш. Бош-йўлнинг бошланиши ва якуни Анафоранинг тескариси. Параллел тузилган нутқ парчалари охирида айни бир элементнинг тақрорланишидан иборат услубий восита |
| Ўхшатиш-      | Икки нарса ёки ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, аникроқ, бўрттириброқ кўрсатиб бериш.  |

### **Таҳлил учун матнлар**

**1-машқ.** Берилган матнни таҳлил қилиш учун дастлаб луғат тузинг. Бугунги лисоний меъёрлар асосида матнни қайта баён қилинг. Матн типлари ва боғловчи воситаларини аниқланг. Матнни тематик таҳлил қилинг.

#### **Тошбақа билан чаён**

Навозанда айтди: «Андоғ эшитганим борки, сангпушт Ироқдин Ҳижоз сари борур эрди. Йўл узасида ночор, бир чаёнға йўлдош бўлди. Иккиси заруратдин ҳамроҳ бўлдилар. Аммо сангпушт боғоят фаросатлик эрди. То баҳаддики кўп тажрибалар ҳосил қилғон эрди. Аммо чаёнға инон – ихтиёрин бериб, бодиялар қатъ этуб, манозил ва мароҳил тай қилиб юурур эрди. Ўшал аснода ногоҳ бир наҳри азимга дучор бўлдилар.

Андин ўтар иложини топмадилар... Охирул – амир, сангпушт... муддао истидъосини соҳилға ўзини олди. Ғоз ва ўрдакдек силкунуб турди. Ногоҳ, орқасиға боқти, кўрдики, йўлдоши йўлда ҳорғон... найзасини кифтига тик ушлаб, юқори – куйи юрубдур. Сангпушт айтди: «Эй биродар, сабаб надурки, буён ўтмайсиз?»

Чаён айтди: «Кўз ёшича су бўлса, бизга маъзур тутунг». Сангпушт кўнглида айтди: «Йўлдош бўлмоқ шарти бу эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қилсак, унча хуб эмас. Авло ул – дурки, ўткариб қўйсам...»

Алқисса, сангпушт чўлғочини қўлиға олиб, оз ҳаракат бирла ўзини нажот соҳилиға олди. Айди: «Эй биродар, сени дарёдин ўткаргали ўғрадим. Менинг устимга мин. Бежо ҳаракат қилмаки, ўз жонингға жабр қилурсин».

Анда чаён: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур», деб сангпуштнинг орқасиға минди. Дарёға тушиб оқдилар. Замондин сўнг чаён тебрана берди. Сангпуштга айди: «Бу кун майдонингни васиъ топдим... Бу кун пўлод найзамни якжирма қалқонингға озмойиш қиласай дерман».

Сангпушт айди: «Сенинг бу хор сифат найзайи bemажолинг менинг бу якжирма қалқонимға нима кор қилмасин?»

Анда чаён айди: «Билганин йўқмуким, акрабнинг муддаоси ниш урмоқдур, хоҳ дўст кўксинадур, хоҳ душман орқасина»...

Сангпушт... ғоввослардек бир ғўта урдиким, ул жавоҳир термоқда ва чаён жон бермоқда қолди. (Гулханий)

**2-машқ.** Берилган матнни таҳлил қилиш учун дастлаб луғат тузинг. Матн типлари ва боғловчи воситаларини аниқланг. Матнни тематик таҳлил қилинг.

### Юрт қайғуси

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!  
Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук қунларга қолдинг?

Эй Чингизларнинг, Темурийларнинг, Ўғузларнинг, Отиллаларнинг шонли бешиклари! Қани у чиқдигинг юксак ўринлар?! Қуллик чуқурлариға недан тушдинг?!

Дунёни «урхо»лари билан титраткан йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурған тоғавдали ўғлонларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдир?

Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндишлар? Нечун кетдишлар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйидилар? Нечун... Нечун... нечун..? Гапур менга, эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?!

Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадингми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврўпанинг улуғ ҳоқонларини сен юбормадингми? Эй ҳоқонлар ўчоғи! Эй қаҳрамонлар туғойи! Қани у чақмоқ чақишли ботир ҳоқонларинг? Қани аввалғи ўқ юрушли, отли бекларинг? Нечун «урхо» ларинг эшитилмайдир?

Дунё халқини бўйсундирмаган салтанатларинг нечун бузилди? Инсонлик оламини қанотлари остинда олган ҳоқонлиғнинг нечун кучи ўлди? Кучингми кетди? Кимсасизми? қолди?

Йўқ... йўқ... Тангри ҳаққи учун йўқ!.. Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан? Бугун ер юзида саксон милийун боланг бор. Буларнинг томирларидағи қон чингизларнинг, темурларнинг қонидир. Буларнинг кучлари сенинг кучингдир!

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишdir.

Ёлғиз... Ох, ёлғиз... тарқалмишdir.(Фитрат)

**З-машқ.** Берилган матнни тил сатҳлари бўйича таҳлил қилинг ва унда қўлланилган тасвирий воситаларни аниқланг.

Барон фон Ринг.

Бирор тама риштаи қилгуси,  
Анинг бирла ўзи осилғуси.

Навоий.

Бир атторнинг эшаги шундай ўйлаб қараса, дунёда туришнинг ҳеч ҳам қизиғи қолмабди: аттор ҳар куни аzonда оғир юк ортади, ўзи ҳам минади, «хи, исқоти!» деб икки биқинига тепади. Қишлоқ кўчалари... «Қизчаларга ўсма келди!.. Келинларга сурма келди...» Кечқурун қайтилади. Аттор яна «хи, исқоти!» деб оғилга қамайди-қўяди.

Эшак ўзини ўлдирадиган бўлди. Шу ниятда дарё бўйига кетаётса, йўлда иккита одам уришаётибди:

- Хонумонимни барбод қилиб бўлса ҳам оламан!

- Бермайман! Сенга бергунча ана у эшакка бераман!

Эшак тўхтайди, қайрилиб орқасига қарайди ва қулоқларини тикка қилиб ўйланиб қолади: «Хўш, нима экан у? Уч-тўрт кун сабр қилай-чи...»

Бу жанжал эшакнинг жонига ора киради. Эшак қайтиб кетади.

Барон Фон Ринг, албатта, эшак эмас, балки орий жинсидан бўлган бир зот. Барон тўғрисида гапирмоқчи бўлиб гапни эшакдан бошлаганимизнинг важи бор. Бунга сабаб, унинг эшакка ўхшашлиги эмас. Наинки барон эшакка ўхшаса! Эшак деганнинг қулоғи узун бўлади: бароннинг қулоғи мутлақо йўқ; Сан-Маринода бўлган бир карта ўйинида бор-йўғини бой бергандан кейин, чўталчининг таклифи билан минг тилло бараварига қулоғини тиккан эди, бир инсон бойваччасини ютиб шартта кесиб ташлаган; ер юзидағи ҳамма эшаклар йиғилиб, минг йил уринганда ҳам битта китобни ўқиёлмайди, барон ўзи якка етти йил мобайнида «Юз эллик фокус» ҳамда «Ужда атрофида турган француз офицерининг кундалик дафтари» деган икки китобни ўқиб ташлаган.

Барон тўғрисида гапирмоқчи бўлиб, гапни эшакдан бошлишимизга сабаб ана шу китобларининг иккинчиси бўлди.

Барон Фон Ринг бир куни шундай ўйлаб қараса, дунёда туришнинг ҳеч ҳам қизиғи қолмабди: йигирма ёшдан бу ёғида кўрганлари ва кўраётганлари йигирма ёшгача кўрганларининг такрорланишидан иборат! Такрорнинг жаззаси «ва ҳоказо» деб, кўя қолиш. Барон ўз ҳаёти тўғрисида «ва ҳоказо» деб ўзини ўлдирадиган бўди. Мол-мулқ, бойликлари ҳақида васиятнома ёзди, ўзини осгани арқон қидириб юрганида қўлига ҳалиги

китоб – «Ужда атрофига турган француз офицерининг кундалик дафтари» тушиб қолди. Барон китобни шундай очиб қараса, эхе... Офицер бундоқ деб ёзибди:

«...Агар шу давлатим билан Европада турсам уч кунда ўзимни осиб қўяр эдим, чунки бор давлатим ҳар куни янги бир қаср бино қилгани имкон бермайди. Бу ерда бу ваҳший араблар орасида ҳозирги қасрим ҳар куни менинг учун янги қаср... Ёввойи араб қизларининг ўрнини ҳар йили Калифорнияга боришини одат қилган Париж таннозлари боса олмайдими, дерсиз? Йўқ, боса олмайди! Париж таннозларидан бир кунда ўнтасини олиб келсан, қасримга ўн хил ўзгариш кирмайди, чунки ҳаммасига бир ҳилда, Европа киборлари расмича муомила қилишга мажбурман; араб қизларидан биттасини олдириб келсан-чи, қасримга ўн хил ўзгариш киради, чунки унга муомала қилиш расмларини ўзим, истаганимча ўйлаб чиқараман...»

Фон Ринг ўйланиб қолди.

Бу китоб унинг жонига оро кирди.

Шарқий фронт.

Барон Фон Ринг Украина қишлоқларидан бирида «ибрат» йўли билан фашистча «тартиб» ўрнатди; эри партизан гумон қилиниб осилган ёшгина бир жувон типирчилётган вақтида оёғига уч ярим яшар қизласини остирди; бу манзарани қўриб «ибрат» олсин учун қишлоқнинг ёш-қари, эркак-аёл бутун аҳолисини ҳайдатиб келди. Мана энди «С» шаҳарчасида ҳам шундай «тартиб» ўрнатгани кетаётибди. У, автомобилда хаёл суриб бормоқда: «Уруш ҳадемай тугайди. «Ойдин Водий» Ўрта Осиёнинг қаерида? Бу водийнинг ҳокимлигини Фюрердан сўрайман. Мармардан қаср солдираман. Ўрта Осиёда неча хил миллат бор? Ҳар ҳолда тентак француз офицерига қараганда менинг ишим йирик бўлади...»

Даҳшатли бир портлаш.

Нима бўлди?

Нима бўлганини барон Фон Ринг икки соатдан кейин ҳушига келиб, ўзини бир ертўлада кўрганида билди. Нима биландир машғул бўлган лейтенат бароннинг ҳушига келганини қўриб:

- Хуш келибсиз! – деди.

Барон ўрнида тураётиб, хушомад тарзида не машаққатлар билан илжайди – устки лабини құтариб, бурнини жийирди. Ўлган отнинг қўзига ўхшаган хира қўзларидан «Мени ҳўкиз ўрнида қўшга қўшсанг қўш, лекин ўлдирма» деган маъно англашилар эди.

Кирқ минутдан кейин асирни штабга элтиш тўғрисида буйруқ бўлди. Икки аскар ҳарчанд қиласди, барон ертўладан чиқмайди – олиб чиқиб отади, деб қўрқади. Ҳозир «Фюрер»нинг ўзи келиб «мен сени Ойдин Водий»га ҳоким қилдим, ўзбек, қирғиз, тожик, қозоқ, туркман қизлари сени мармар қасрда кутиб ўтиришибди» деса ҳам чиқмайдиган кўринар эди. Аскарлар унинг қулоқлари йўқ эканини пайқашмаган экан, кўриб қолиб кулишди. Бу кулги уни ўлим ваҳмасидан бир оз халос қилди. Барон ким гапирса оғзига қараб, ким бундайроқ ҳаракат қилса, қуёндай ҳуркиб ертўладан чиқди; шофернинг ёрдами билан автомобилга чиқар экан, шундай ўйлаб қараса... ўйлашнинг ҳеч ҳам қизиги қолмабди... 1942 йил.

(А.Қахҳор)

**4-машқ.** Матнни шакллантирувчи воситаларни аниқланг ва тема-рематик муносабат ҳақида маълумот беринг. Матнни тематик таҳлил қилинг.

Муҳаммад Раҳимхоннинг Тозабоғдаги сайргоҳ боғи. Унинг бир чеккасидан иккинчи чеккасигача айланиб чиқиш амри маҳол, киши чарчаб қолади. Катта ҳовлининг орқасида қирғоқларига мармар ўрнатилган хон ҳовуз. Ундаги зоғора балиқ, чўртан балиқ, лаққа балиқлар гоҳ сув юзига чиқиб ташланган нонларни ер, гоҳ билтанглаб ўйнаб шўнгигб кетарди. Ҳовузнинг тўрт томонида йўғон – йўғон қайрағочлар, таналари қуличга сифмайди. Хоразмда ҳовуз деса, дарҳол кўз олдингга катта – катта гужумлар – қайрағочлар келади. Бу дарахтлар гўё азамат дубни эслатади. Ҳовуз лабига ҳусн бериб турганлар ҳам ўшалар. Уларнинг кичкина –кичкина барглари орасидан қуёш нурлари мўралайди. Аммо улар қуёш ҳароратини ўзида сингдириб, пастга танга – тангадай оқ шуълаларини

туширади. Улар кишига ором беради. Ҳовуз атрофига оқ мармарлар терилган, сув сепиб, чинни косадай топ – тоза қилиб қўйилган. Ҳовуз ёнида, энг баланд жойда хон ўтирадиган катта каравот, ундан наридаги ерга лола ранг така туркман гиламлари тўшалган. Уларнинг ҳар бири хон боғи учун маҳсус тўқилган бўлиб, эни йигирма газ, узунлиги ўттиз газдан ошиқ. Кўпинча эрталаб ва кечқурунлари хон шу ҳовуз бўйига чиқиб ўтиради. Ҳозир туш маҳали бўлгани учун ҳовуз ёнида ҳеч ким йўқ, нарироқда райхоннинг хушбўй ҳидлари димоққа урилади. Бу ерда ҳар хил гуллар бор: номозшомгул, гулсафсар, қамчингуллар, қизил, сариқ, оқ атиргуллар, карнайгул, гулбеор, самбитгул... Уларнинг баъзилари эса эрталаб очилиб, кечқурун юмилар, баъзилари кеч пайтлари турли – туман рангларда очилиб, муҳташам боққа ҳусн берарди. Гулзорнинг нариги томонида турли узум ишкомлари: даройи, ҳусайн, яқдона, чарос, кишмиш... Хон узум билан олмани яхши кўрарди: бу ерда оқ олма, қизил олма, ун олма, кузги, қишки олмалар хосилини кўтаролмай шохлари синай – синай деб турганидан, уларга катта – катта тирговичлар қўйилган. Анжирзор, шафтолизор... олхўри, нашвати, беҳизорлар қатор – қатор. Товланиб турган чиройли патларини ёйиб товуслар қичқиради. Ким билсин Ҳиндистонданми, Цейлонданми келтирилган, уларга тақлид қилгандек тўтилар ҳам қичқириб юборадилар. (Ж.Шарипов)

**5-машқ.** Матнинг ифода мақсади ва мазмунига кўра типларини аниқланг. Матнни тил сатҳлари бўйича таҳлил қилинг.

### Ўзинг шифо бер

- Уҳ... оҳ...вой,вой,вой-е,вой-дод... олло... олло... ўламан. Ҳой, Мавлонқул, кел, оғзимга сув томиз... Вой, одам бўлишим гумон, уҳ...
- Қўйинг, ота, шунаقا деманг.
- Йўқ, сен билмайсан, ишим қийин, ўламан, Мавлон. Бор, бор, ғунажинингга қара, туғиб қўйди... Ҳой Хайрулло, оқпадар, қулоғингга пахта тиқдингми?
- Лаббай, отажон?

- Кўрпачанинг тагидаги пулдан 5 тийин олиб чиқиб пол очириб кел. Вой, ох, ху-уудо...

- Ота, полчиға нима дейман?

- Вой, бу оқпадар мени жудаям куйдириб кукун қилди-да, нима дер эдинг: отам касаллар, бир пол қаранг, дейсан, вой-е, вой; вой-ээ, шуни ҳам билмайсан. Марг сендек тарбиясиз туғилғонингга, вой... а, ух, вой... худо. Суйган бандангга дард берасан, суюклик бандангдан дардни олсанг, нима бўлар экан, вой, вой...

- Ота полчи пол кўриб туриб айтдики, Кўҳинқорининг тескари пири тегибдир. Бир қора қўй сўйиб, худо йўлида хомталаш қилса, кўрмагандек бўлиб кетадир, деди.

- А, нима дединг, бир қўй худойи? Хайрулло, 5 тийинниг ҳаммасини тутқаздингми?

- Ҳ-ҳаммасини.

- Вой ер ютсин, икки дунёда ҳам одам бўлмайсан. Вой, вой, худо, ўзинг шифо бер. Бор, Мавлонни чақир. Ўх. Қўй сўяр эмишман. Бели оғримаганнинг нон ейишига қара, вой, қўй, вой-ээ, қўй, қўй.

- Ҳа, ота, нима ишиңгиз бор?

- Вой, вой... Ўғлим Мавлон, бор, домла поччангни чақириб кел, вой, ух... Олло. Менга дам солиб қўйсинлар. Вой, жоним.

- Ассалому алайкум. Аҳмаджон, баҳай...

- Ух... Бир оз тобим қочди, тақсир.

- Худо сақласин. Майли, зарари йўқ, худо суйган қулига дард берадир. Қани келинг, бир дам солиб қўяй. Тангри хоҳласа кўрмагандек бўлиб кетасиз. Кал Ражабникида худойи бор экан, мени кутиб турибдирлар. Тезроқ бормасам бўлмайдир.

- Хўп, тақсир, ух...

- Фе гўспандоллокун ва ала хала жойин. Муродатун дангалун, куф... Оғдарма қилиб гунг солуйсуф...

Қалай, Аҳмадали, тузук бўлий дедингизми?

- Ҳа... та...қ...сир.

- Болам Мавлон, дўхтир-пўхтирга кўрсатмадингизми?

- Йўқ.

- Яхши, ақллик иш қилибсиз. Дүхтир ҳаром ўлдириб қўяр эди. Мен дам солиб қўйдим, худо хоҳласа эрта – индин юриб кетадир. Хайр.

- Шошманг, тақсир, мана, назрни олинг.
- Койиб нима қилар эдинг, ўғлим.
- Хайр.
- Хайр, тақсир, яна эртага бир дам солиб кетасиз-да.
- Ота, отажоним...
- Вой, дунёдан ўтдилар, меҳрибоним отам, ғамгузорим отам...

Иннолиллиоҳи вайнноиллоҳи ражинун. (А.Қаҳҳор)

**6-машқ.** Матнинг ифода мақсади ва мазмунига кўра типларини аниқланг. Матни шакллантирувчи боғловчи воситалар ҳақида маълумот беринг. Матни тил сатҳлари бўйича таҳлил қилинг.

### Нутқ

«Кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган» нотиқлардан бири ишдан қайтиб келганида хотини бўйнига осилиб, кўзига ёш олди.

-Сиз мени яхши кўрмайсиз... Турмушимиздан хурсанд эмассиз... Шу соатгача, шу минутгача кутдим, бир оғиз айтмадингизки, бир ёстиққа бош қўйганимизга бир йил бўлди...

Нотиқ хақиқатан буни унуган эди, лекин гап топди:

- Ие, - деди, - ҳали тўйимизга бир йил бўлдими! Бир йил? Шундай роҳат турмушимиздан, шундай ширин умримиздан дарров бир йил кетдими! Ох, дод дейман...

Хотин илжайиб, турли ноз - неъмат, гуллар билан безатилган столни кўрсатди. Эр - хотин ўтиришди. Хотин рюмкаларга вино қуйиб...

- Қани, - деди, - бир нима демайсизми?
- Бир нима деяйми?
- Вой, ҳали индамасдан ичмоқчимисиз?

Нотиқ рюмкани олиб ўрнидан турди. Қошлари чимирилди, ранги бир оз ўзгарди, аввал рюмкага, кейин уйининг бурчагига қараб сўз бошлади:

- Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳәётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил түлган кунда сизни бевосита табрик қилишга!

Хотин бу муқаддимани ҳазил гумон қилғанлиги учун қийқириб чапак чалди. Нотиқ яна ҳам жиддийроқ қиёфада давом этди.

- Бундан 365 кун муқаддам сиз билан биз ўз ҳәётимизда қатый бурилиш ясаб, зўр синовлар шароитига бевосита қадам қўйдик. Илгариги вақтда фақат эркақ, эндиликда эса ҳам эркақ, ҳам хотин бошчилик қиласидиган оила масаласи ўзингизга маълум бўлғанлиги учун бунга кенг равишда тўхтаб ўтиришни лозим кўрмайман.

Нотиқ оила тўғрисида ўз фикрини баён қилганинидан сўнг «Хотин ва социализм» деган китобнинг бир еридан уч, яна бир еридан икки, яна бир еридан ярим саҳифа ўқиб берди. Хотин бу орада икки марта оғзини очмасдан эснади, қўлидаги рюмкани столга қўйди. Нотиқ давом этди:

- Сиз билан биз бир йиллик оилавий фаолиятимиз натижасида қандай ютиқларга эришдик? Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан қуч жалб қиласдан ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиласидиган бўлиб қолдик. Иккинчидан, ўртоқ рафиқам, оиламизни ташкилий хўжалик жиҳатидан мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамладик. Мен бу бобда фактларга мурожаат қилиб ўтирумайман, чунки орденли онангиз ўзларининг ҳар бир тарихий келишларида бу нарсани айрим равишда қайт қилдилар.

Нотиқ сув бўлмаганлиги учун винодан бир хўплаб давом этди.

- Хўш, бу ютуқларимиз камчиликларимизни қоплаб, бизни хотиржамликка солиш мумкинми? Агар биз камчиликларимиздан бевосита кўз юмиб, яшасинчилик кайфиятларига берилиб кетадиган бўлсак, хато қиласидиган бўламиз. Бизда камчиликлар борми? Бор, оз эмас! Масалан, июль ойининг биринчи ярмида озиқ – овқат маҳсулотларини саклашда йўл

кўйган жиддий нуқсонларимизни олайлик. Бу масалага икковимизнинг ҳам жинояткорона совуқ қарашимиз орқасида қатор чиришлар, бузилишлар, кўкаришлар юз бердими? Факт! Буни нима билан оқлаш мумкин? Ҳеч нарса билан!

Нотик қизишиб кетди.

- Иккинчи масала, яъни ички имкониятлардан фойдаланиш масаласини олайлик. Ўзингизга маълум, бизда юқори сифатли мис чойнак бор. Шу чойнакнинг қопқоғи бугунги кунда йўқ. Бу ҳақда биз бир – биримизга сигнал бердикми? Йўқ! Агар биз ўзибўларчиликка узил – кесил барҳам бериб қопқоқ масаласини кун тартибига кўндаланг қўйсак, агар биз шу чойнакни ўз вақтида тегишли қопқоқ билан бевосита таъмин қилсак, самоваримиз сафдан чиқсан кунларда ҳал қилувчи роль ўйнар эди. Афсуски, биз бу масалага муросасозлик қўзи билан қарадик. Бугунги кунда чойнагимиз қопқоққа эга эмас, мутлақо эга эмас.

Хотин секин уҳ тортди. Нотик буни пайқаб «тўсатдан қаттикроқ танқид қилдим, шекилли» деган андишага бориб, сўзини йўқотиб қўйди, шунинг учун сўзининг охирини юмшатишга тиришди:

- Лекин бу камчиликларга қарамай, турмушимизни аъло даражада олиб бораётганлигимизга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан қисқача сўзимни тамом қилиб, оиласиз бундан кейин ҳам шарафлар билан қопланажагига тўла ишонч билдиришга ижозат беринг! Бу рюмкани мана шунинг учун кўтаришдан бурун ўз муҳаббатимни яна бир марта амалий суратда изҳор қилгани рухсат беришингизни талаб қиласман.

Хотин унинг ҳаракатидан «ўпич бер» деган маънони англади-да:

- Ўпичми? Ҳеч бўлмаса шуни тўғри айта қолсангиз нима бўлар экан! – деди.

- Қандай, - деди нотик ҳайрон бўлиб, - битта ўпични деб нутқимни бузайми?

Нотик ўтирганида яна аслига қайтди. Хотин унинг ҳар бир сўзидан завқланар, кулар эди. (А.Қаҳҳор)

**7-машқ.** Матнинг ифода мақсади ва мазмунига кўра типларини аниқланг. Матни шакллантирувчи боғловчи воситалар ҳақида маълумот беринг. Матни тил сатҳлари бўйича таҳлил қилинг.

### **Адабиёт муаллими**

Ўзининг айтишига кўра «нафис адабиёт муаллими» ўртоқ Боқижон Бақоев оғилга кириб таъби хира бўлди: сигирнинг қулоғига яна кана тушибди! Канадан ҳам кўра сигир унинг аччиғини келтирди: канани терай деса қўймайди – бошини силкийди, пишқиради.

- Ҳайвон! Сигир эмас, ҳайвон! – деди оғилнинг эшигини қаттиқ ёпиб. – Ҳайвон!

Хотини Мукаррам ҳовлида самоварга сув қўяр эди.

- Ҳайвон! – деди Бақоев. – Бу сигирни сотиб пулига чўчқа олиш керак!

- Шаҳарда чўчқа асраш мумкин эмас, - деди Мукаррам самоварга қўмир солаётиб.

- Нима учун? Такиқ қилинганми? Ким айтди? Мен айтиб эдимми? тўғри мумкин эмас... албатта, мумкин эмас...

- Уйга киринг, Ҳамида келди.

Ҳамида ўн олти ёшлардаги тийрак, қувноқ қиз, поччасини кўриб севиниб кетди.

- Сиз уйда экансиз, билсам дафтаримни олиб келар эканман... эсизгина...

Ўртоқ Боқижон Бақоевнинг таъби очилди. - Сигирнинг қулоғидаги кўм – кўк кана, ғўқиллаб тумшуғи билан ариқ ёқаларини бузиб юрган чўчқа кўз олдидан кетди.

- Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим, ростанми? - деди. - Ҳимм... яхши қилибсан. Рабфакка ўт, деб мен айтиб эдим шекили? Ҳимм... Ауф, зарда бўлибман... Рабфак яхши. Мен бир боган эдим. Канцеляриянинг эшигига практикум деб ёзиб қўйибди. Тўғри эмас. Практикум, минимум, максимум булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен шахсан шундай деб биламан.

Бир оз жим қолишиди.

- Боқижон ака, - деди қиз уялиброк, - бир нарсани сиздан сўрамоқчи эдим: биз синфда Чеховнинг «Уйқу истаги»ни ўқидик, гўдакни ўлдирган қизни суд қилмоқчимиз. Даъвогар гўдакни онаси – Раҳима бўлади, қораловчи – Шарифжон. Судъялар ҳам бўлади. Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хўжайинига ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман. Мана шу... Шуни ёздим. Шу тўғрида сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Чехов шундай демоқчи эмасми?

Ўртоқ Бақоев ўйлаб туриб, сўради:

- Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради? Ҳакимов? Аҳмоқ одам! Ўз устида ишламайди. Савол аломати ҳамма вақт «ми» дан кейин қўйилади десам, кулади. Гап бунда ҳам эмас...

Мукаррам самовар кўтариб кирди. Ҳамида ирғиб туриб, самоварни опасининг қўлидан олди ва столга қўйди. У, ҳомиладор хотинга самовар кўтартириб ўтирган поччасидан ўпкаламоқчи эди, бироқ уялди, индамади. Ўртоқ Бақоев жуда чанқаб турган экан, устма – уст тўрт пиёла чой ичди ва терлади.

– Чучварадан кейин чой жуда яхши кетади-да, - деди юзидағи терни артиб. – Ҳимм... сақол ҳам ўсипти, сартораш бўлмаса одамлар маймун бўлиб кетар эди. Маймун, жуни тўкилиб, одам бўлган. Бу ҳақда Энгельснинг фикри бор...

- Ҳалигини айтмадингиз, Боқижон ака, - деди қиз, - Чехов шундай демоқчи эмасми?

Ўртоқ Бақоев яна бир пиёла чой сўради.

- Чеховми? Ҳим... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиши керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан – оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализими, яъни...ҳим... Мукаррам, товуқقا мояк қўйдингми? Қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товуқдан аҳмоқ жонивор йўқ – мояк қўйсанг туғади! Нима учун мояк қўйсанг туғади? Хўроз нима учун сахарда қичқиради? Ажойиб психология? Биология ўқийсизларми?

Ҳамида биологиядан нималар ўқиганини, бу ўқиш йилида яна нималар ўтилажагини сўзлаб берди ва ўзининг оқлаш нутқида физиологик асослар ҳам кўрсатиш нияти бор эканини айтиб, яна сўзни Чехов устига бурди.

- Ҳим, - деди Бақоев, - Чехов тўғрисида ўзимнинг фикрим бор. Бошқалар нима деса десин, ҳар ҳолда унинг дунёга қарашида... Унинг дунё қараши Пушкин ва Лермонтовларнинг дунёга қарашидан фарқ қиласи. Бир давр, бир синф, бир мамлакат ёзувчилари бўлишларига қарамасдан мутлақо фарқ қиласи!

- Чехов Пушкин билан бир даврда яшаган эмаску. – деди Мукаррам, - бизнинг кутубхонада унинг Максим Горький билан олдирган сурати бор. Чехов 1904 йилда ўлган бўлса керак.

- Сизлар қайси Чехов тўғрисида гапираётибсизлар? Чойдан қуй!.. Бу Чехов ҳақидами? Тўғри, бу 1904 йилнинг биринчи яримида, иккинчи яримида ўлган... Бошқа рўмолча бер, бундан пиёз ҳиди келаётиби. Мен ана у Чехов, илк буржуазия реализмнинг намояндаси бўлган Чехов ҳақида сўзлаётибман.

– «Уйқу истаги» қайси Чеховники? – деди Ҳамида.

- Ҳеч шубҳасиз бу Чеховники. Бу нарса биринчи марта «Современник» журналида босилган.

Шундан кейин ўртоқ Бақијон Бақоев узундан – узоқ сўзлаб кетди. Унинг нима тўғрида сўзлаётганини Ҳамида билмас эди. Детирдинг деган аллақандай машҳур танқидчи Шеллинг деган ёзувчига «сен дастёрга зор бўлгунча ўғлинг дастёр бўлади» деб хат ёзган; Маркс Добролюбовни Меринг билан бир қаторга кўйган; Стендинг деган аллақандай бир драматург ўлар ҷониворларни худо яратган бўлса, мен унинг завқига қойил эмасман, эчкиэмар ҳам жонивор бўлдими?» деган... Ҳамиданинг боши оғирлашиб кетди: икки марта секин билдириласдан эснади.

Ҳамида мезбонлар билан хайрлашиб кўчага чиққанда қоронги тушган эди; «Уйқу истаги» тўғрисида поччасидан ҳеч қандай фикр ололмади. Унинг сўзларидан нима олгани ҳақида

ўзига хисоб берар экан, ғуввиллаб турган бошида шундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди: практикум, минимум, максимум; Детирдинг, Стендинг, Шеллинг, Меринг, Демпинг... (А.Қахҳор)

**8-машқ.** Берилган матнни ифода мақсади ва мазмунига кўра типлари ҳамда таҳлил тамойиллари асосида текширинг. Матнни шакллантирувчи воситаларни аниқланг. Тема-рематик муносабат ҳақида маълумот беринг. Матнни тематик таҳлил қилинг.

### **Оппоқ қор.**

Осмонни булат қоплаган. Қор ёғяпти, оппоқ майин қор...

Кампир каравотга суюниб кўрпа қавияпти. Чол дераза олдида, буқчайган, юзида кексалик хорғинлиги, бағрида соchlари жингалак, қўғирчоқдайгина қизалоқ. Қизча кафтини яхлаган ойнага босиб ташқарига талпинади. Чол уни бир олдинга, бир орқага тебратиб, хихиллаган товуш чиқаради. Кампир аҳён – аҳёнда уларга қараб қўяди. Чоли хи-хилаб куляптими, йўталяптими билмайди.

Чол кулади. Лекин кулар экан, нафаси тиқилиб, йўтал тутади. Қор учқунларига тикилганича, йироқ хаёллар банд этади уни.

Осмон шундай булатли ва рутубатли эди ўшанда ҳам. Худди шундай оппоқ, майин қор ёғарди...

Чопонларининг чоки, мўйлови ва қошлирига кўмир чангি урган, ёши қайтган, аммо ўзи анчайин бардам чол Нўъмонхон ота вакзалдан пойи-пиёда юриб, уйга келди. Дарвозани очиб, нимқоронғи йўллакка киргач, елкаларидаги қорни силқитиб, телпагини қўлига олиб қоқди.

Хонада ҳеч ким йўқ. Аёли фабрикада.

Нўъмонхон ота туника пеъчида мис чойнакни қўйди – да, пеъча ўт қалади. Бир дамдан сўнг биқирлаб чой қайнади. Стол устида пиёла, чойнак, ўроғлик дастурхон. Чол чой дамлаб дастурхонни очди. Дастурхонда нон ушоқлари, яrim буханка қора нон. У ушоқларни кафтига тўплаганча, оғзига ташлаб, чойдан хўплаб бошлади.

Чолнинг икки ўғли бор эди! Бири ўлган, болалигидәёқ. Иккинчиси мўйлови сабза урганда жангга жўнади. Мана неча ойдирки, на хат бор, на хабар – хуллас: дом-дараксиз.

Нўймон ота ҳозир ўғлини эслаб, хўрсиниб қўйди. Дарвозанинг тарақлаб очилганини эшитди - ю, деразадан ҳовлига кўз ташлади. Қор устига майда қадам ташлаб қўшни қиз Майрам келарди. Эшик очилиб, Майрам жун рўмол билан танғилган бошини ичкарига суқди:

- Амаки, мен келдим... унинг кўзлари чўккан, ранги ўчган ва нима учундир лаблари сезилар - сезилмас титради.

- Кел, қизим, - деди чол. Бу қиз унга ўғлидан ҳар гал хат келганда ўқиб берар, биргалашиб мард ўғлонни эслашарди. Анчадан бери оstonага оёқ қўймаган қиз кўрингандаёқ чолнинг юраги дукиллай бошлади: «Қанақа гап топиб келди экан?!...» Қизнинг ранги - рўйини кўрди - ю, юраги орқага тортди... Бироқ чолнинг ҳолатини ўзидан бўлак ким билибди?!

- Нима, касалмисан, қизим, рангинг... - сўради у ва гўё юрагини бешафқат панжа ғижимлай бошлади.

- Ҳа, мазам йўқроқ, - деди Майрам.

«Ёлғон гапиряпти», - ўйлади чол. - Ол, нондан ол, - деди қизга. Майрам бир бўлак нонни қўлига олиб кавшана бошлади.

- Вакзалда ишингиз тузукми, амаки? - сўради қиз ўзини зўр билан бепарволикка солиб.

- Ҳа, - ҳа... дуруст, - деди чол. «Ниманидир яширяпти бу қиз», - деган фикр кечди хаёлидан.

- Дадам, амакинг йигитчадай, ҳали бақувват, - дейдилар. Қувонаман шундай десалар... Қиз жилмайиб қўймоқчи эди, беихтиёр лаби қийшайди. У бошини бир силтади - да, кипригида ёш томчиси йилтиради.

- Айт, нима бўлди? - пицирлади чол нафаси ичига тушиб.

- Ҳеч нима, амакижон, ҳеч нима. Ўзим...

-Айт! - деди чол болалардай ялинган оҳангда. Унинг қуюқ қошлари кўзларини тўсиб турар, кўзлари ўт бўлиб ёнарди...

- Шундай... хат олдим, - сўз бошлади қиз бу кўзларга жавоб бермаслик мумкин эмаслигини сезиб. - Балки ёлғондир? Ишонмадим...

- Рост! - Нўъмонхон ота ички дард билан қичқирди. Унинг оғир, мўйсафид боши қуи эгилди. Майрам дока хўллаб чолнинг пешонасига қўйди, қўлтиғидан ушлаб ўринга ётқизди. Чол печка биқинидаги кўрпада, қўзлари яrim юмуқ ҳолда чўзилиб ётар, нималарнидир пичирлар эди.

- Хўп, мен кетай, - деди Майрам секин. Унинг хаёли паришон, ўзи ниҳоятда гаранг эди. - Балки ёлғондир, ишонмадим. Хат ёзилган - да... ёлғондир, - ўзига -ўзи сўзларди гўё у.

Чол индамасди. Майрам эшикка йўналди. Остонада сўррайиб туриб қолди. Чолга қайрилиб қаради - да, бирдан кесагига суюнганча хўнграб йиғлаб юборди. Нўъмонхон ота оғир қўзғалиб ўтирди.

- Ёлғон! - деди секин. Майрам бошини қўтариб ҳайронлик билан қаради. Худди орадан ҳеч гап ўтмагандай, жилмайиб ўтирибди чол. Атайин, сохта жилмайганини сезмади Майрам. - Қизим, биламан, ёлғон... Мениям тобим йўқроқ эди, ҳаммаси шундай. Қарабмизки, эрта - индин келади. Бу кунлар эсдан ҳам чиқиб кетади, қизим...

Майрам бошини тик қўтарди. Жун рўмолининг учи билан кўзини артиб қор устига майда қадамлар ташлаганча, ҳовлидан чиқиб кетди. Нўъмонхон ота ўрнидан туриб чопон ва этагини кийди - да, кўчага йўналди. Энди нима қилиш керак?! Кимни ўйлаш керақ, кимни кутиш крак?! Йўқ, йўқ, йўқ!

Йўлларни қалин қор босган. Катта - кичик, турли - туман излар, ўнгга, сўлга, тўғрига кетган излар... Бир бўлакчаси юрагини тимталаётган улкан аламни елкасидан улоқтирай деб югириб - елиб юрган одамлар изи...

Чол бозорни бир қур айланди. Нон магазини олдида одам кўп. Қўлтиқтаёқли ярадорлар, хотин - халаж, бола - чақа, бу ерда бир дам оғир сукунат чўқади, бир дам эсачуввос қўтарилади. Сотувчининг терлаган, озғин, рангсиз юзи узоқдан бир парча тахтага ўхшаб кўринади. Унинг қўли - қўлига тегмайди.

Чопони йиртиқ, юз суюклари дағалгина бир бола у ёнга - бу ёнга ўтиб гоҳ одамларга, гоҳ магазинчига термулади. Бола нима истар экан?!

Чол бошини қуи солиб, магазиндан узоклашди. Йўл бошида бир тўпга бириккан ва аридай ғувиллаб латта-путта сотаётган аёлларга қараб турди-да, жиғиниб уйи томон йўл олди.

Йўлда, боя магазин олдида уймалашиб юрган чопони йиртиқ болани кўрди чол. Бола тепалик тагида кўзларини юмиб, жунжикиб ўтирибди. Нўъмонхон ота унга яқинлашди:

Нега бу ерда ўтирибсан, болам?

Отам ўгай. Ҳайдади... Нон бермайди, онамни уради. Ҳайдади... Совуқ едим, амакижон.

Нўъмонхон отанинг қалбига босилган оғир тош устига оғирроқ тош босилди. Аммо бу алам тошлари қанчалик вазмин бўлмасин, уларни бир силтаниб, улоқтириб ташлади чол.

Юр, болам, меникига юр.

Нўъмонхон ота, бола каттагина эканлигига қарамай уни кўтарди-да, кекса елкасига миндириб уйига олиб келди. Печка биқинидаги кўрпачага ўтиргизди, дастурхон ёзди: Ол, болам, ол.

Бола совуқдан музга айланган, титраётган қип-қизил қўлчаларини шошилиб нонга чўзди, қитирлатиб апил-тапил чайнай бошлади. Нўъмонхон ота даҳлизга чиқиб ўғлини телпагини олиб кирди. Боланинг бошидаги эски дўппини бир томонга улоқтириди, телпакни кийгизди. Телпак бошини қулоқларигача яширган бола унга меҳрибонлик ва хайронлик билан боқар, содда ва беғубор кўзларида баҳт, қувонч порлар эди. Чол болада рўй берган баҳтиёр ҳолат қархисида ўзини ортиқ тутиб туролмади. Уни бағрига тортди-ю, кўзларидан ёш қуйилди...

Йиллар ўтди. Ўғил улғайди. Чол келинли, неварали бўлди... Йиллар ўтди!!! Бундан сўнг яна кўп марта одамлар аламларини енгиб, шодлик ва саодат топдилар...

Бундан сўнг яна кўп марта ҳароратли ер қўксига оппоқ, майин қор ёғди...(Омон Мухтор)

**9-машқ.** Ўргангандарингиз асосида берилган матн парчаларини таҳлил қилинг. Хиазматик конструкциялар ҳақида маълумот беринг.

- 1.Биз тирик эканмиз, руҳимиз ўлик  
Биз ўлик эканмиз, руҳимиз тирик.
- 2.Айтганингнинг ҳаммасини қил  
Қилганингнинг ярмини айт.
- 3.Адолат Кучга бўйсунган юрт-вайрон юрт  
Куч Адолатга бўйсунган юрт-бўстон юрт.
- 4.Тариқдек савобни-тарвуздек дема,  
Тарвуздек гуноҳни-тариқдек дема.
- 5.Созим – менинг овозим,  
Овозим – менинг созим.
- 6.Кулиб турган одамнинг олдида йиғлама,  
Йиғлаб турган одамнинг олдида кулма.
- 7.Йўқлик бир армондир,  
Армон бир йўқлик.
- 8.Болалиқда дунё кенгу кийим тор  
Кексайганда кийим кенгу дунё тор.
- 9.Агар огоҳсен сен шоҳсен, сен,  
Агар шоҳсен сен огоҳсен, сен.
- 10.Ейиш учун яшаш керак эмас,  
Яшаш учун ейиш керак.
- 11.Товушларнинг рангига қаранг  
Қаранг тез рангларнинг товушига.

**10-машқ.** Қуйидаги матнни ўқинг ва унда ишлатилган дублетларнинг ҳамда қўп қўлланилган «–гоҳ» аффиксининг услубий аҳамиятини изоҳланг.

*Жамоа* - колхоз идораси ёнидаги ҳовлимиздан чиқиб, қишилоқ шўроси - қишилоқ совети - қишилоқ кенгашигача пиёда келдим. Йўл четида турган эдим «Тез тиббий ёрдам» машинаси секин келиб тўхтади. Қарасам, шароб – май – ароқ - вино заводида бош муҳандис - инженер бўлиб ишловчи қудамиз Аскар аканинг куёви ҳаким – табиб – дўхтир - врач Қосимжон экан. Йўл бўлсин, деди. Депара – ноҳия – туман - район марказигача ола кетинг, дедим. Бир зумда белгиланган манзилгоҳ – унвон - адресига етиб келдик. Сўнг «Алдар қўса» номидаги Дехқон бозори ёнидан тайёрагоҳ – қўналға - учиш

майдони - аэропортга қатновчи *тезюар* - экспресс автобусига ўтиридим. Ҳайрият, *тайёра* - учқич - уchoқ - самолёт - аэропланга чипта - билет - чек сероб экан.

Эсон-омон Тошкентга ҳам келиб тушдим. Ҳамма ёққа давлат тили мақоми берилгани сезилиб турибди... Низомий номли *олийгоҳ* – *дорилмуаллимин* - педагогиститутга етиб келдим. Жиянни суриштиридим. Ётоқхона – хобгоҳ - обиҷежитийда дейишди. У ерда ҳам йўқ экан... Таксигоҳга келиб такси ёлладим. Ҳайдовчига, тўғри *олийгоҳ* – *дорилмуаллиминга* ҳайданг дедим. Тушунмади. Педагогиститутга, дедим. Э, бундай демайсизми, aka деди. Ҳа, шунаقا, деб ғулдирадим, тилимизга давлатгоҳ, олийгоҳ, мақомгоҳ берилган, шунаقا бўлди, акагоҳ, дедим... Яхшиям жияним кутиб турган экан овқатланмоқчи бўлдик. Кафегоҳга кирсак шароби йўқ экан. Ресторангоҳга кира қолайлик, дедим. Овқатланиб, ётоқгоҳга қайтдик. Хобгоҳга чўзилиб бошимга чойшабни тордим. Ётган еримда *овознигор* – радиони қўйиб, бироз қўшик *нигор* – концерт эшитдим. Овознигорнинг *унолгич* – сўзолгич – микрофони яхши ишламас экан. Ўчириб қўйдим. Сўнг мизчироқ – стол лампани ёқиб, чошгоҳ олганим *мажсалла* – *ойнома* – жарида – *рўзнома* – ҳафталик – уч *оилик* – олти *оилик*...ларни варақлай бошладим. (Н.Аминов)

**11-машқ.** Берилган матннинг изоҳли луғатини тузинг ва бугунги лисоний меъёрлар асосида матнни қайта насрий баён қилинг. Ўрганган назарий билимларингиз асосида мазкур асарни лингвопоэтик таҳлил қилинг.

### Сайдинг қўябер, сайёд...

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат

Сайдинг қўябер, сайёд сайёра экан мендек,  
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,  
Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,  
Иқболи нигун, баҳти ҳам қора экан мендек,  
Хижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Кес риштаниким, қилсун чаппаклар отиб жаста,  
 Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари ҳаста.  
 Тоғларга чиқиб бўлсун ёри билан пайваста ,  
 Кел, қўйма бало доми бирла они по баста  
 Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
 Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,  
 Охулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,  
 Ёмғир суви тўлганда, тоғ лолани жом этсун,  
 Ҳаққингға дуо айлаб, умрини тамом этсун,  
 Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
 Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Саргашта бу водийда бир бошиға раҳм эткил,  
 Йўқ тоқати бандингга, бардошиға раҳм эткил,  
 Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшиға раҳм эткил,  
 Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошиға раҳм эткил,  
 Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
 Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,  
 Охири бу нечук бедод, олам анга тор ўлса?  
 Чиқмай деса жойидин, узлатда фигор ўлса,  
 Гар чиқса баногоҳи домиға дучор ўлса,  
 Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
 Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Бечорани зулм айлаб, кўл – бўйнини боғлабсан.  
 Ҳар сори чекиб – судраб, ўлдиргали чоғлабсан,  
 Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан.  
 Сот менга, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан.  
 Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
 Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Йўқ ҳуши пари теккан девонаға ўхшайдур,  
 Кўз ёши яна тўлган паймонаға ўхшайдур,

Ғам сели билан кўнгли вайронаға ўхшайдур,  
Фурқатда бу Саъдулло ҳайронаға ўхшайдур,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

### **Фойдаланиш учун адабиётлар:**

1. Абдураҳмонов Ғ., Мамажонов Н. Ўзбек тили ва адабиёти. –Т: «Ўзбекистон», 1985.
2. Абдураҳмонов X., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. –Т: «Фан», 1981.
3. Абдураҳмонов Ш.А. Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғатувчи лисоний воситалар, –Т., НДА., 1997. – 24 б.
4. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Т: «Фан», 1983, 88 б.
5. Абдулаттоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. –Т., НДА., 1998.
6. Бобоев Т. Ўзбек шеър тузилиши асосларини ўрганиш. – Т., 1991.
7. Бобоев Т Аруз вазнларини ўрганиш. – Т., 1991.
8. Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. ТДПУ, 2001.
9. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т: «Ўқитувчи», 2002.
10. Бобоева С. Ҳамид Олимжон поэзиясининг лексик хусусиятлари. – Т: «Фан», 1989.
11. Бобоев Ф.Қ. Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Бехбудий ва Авлоний драмалари асосида). – Самарқанд, НДА., 2002. – 23 б.
12. Бозоров О.О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актив) тузилиши. –Фарғона, НДА., 2004.
13. Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи. –Самарқанд, НДА., 2004.
14. Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати (бадиий маҳорат ва тил ҳақида мулоҳазалар). – Т: «Фан», 1962.
15. Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги. – Т., НДА, 2000. – 23 б.

16. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингво-поэтик хусусиятлари. –Т: «Фан», 2005, – 162 б.
17. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларида ўхшатиш. – Т: «Фан», 2005, 93 б.
18. Жалолова Л. Абдулла Кодирий асарларидаги жонлантиришнинг лингвопоэтик таҳлили // «ЎТА», 2000, 4-сон. 33-35-бетлар.
19. Жамолхонов Ҳ. Йўлдашев М. Бадиий матннинг лисоний таҳлили (Маъruzалар матни).–Т., ТДПУ., 2000.
20. Ибрагимова Э.И. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари. – Т., НДА., 2001. – 21 б.
21. Исаева Ш.Б. Адабий жараён: Ўзбек тарихий асарларида характерлар руҳияти. –Т., ТДПУ., 2004.
22. Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд, 1999.
23. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. –Т: «Маънавият», 2002.
24. Йўлдошев М. Фарқлаш – бадиий тасвир воситаси сифатида. // «ЎТА»., 2005, №3, 123-125.
25. Келдиёрова Г. Эркин Воҳидов шеъриятида антитетза // «ЎТА», 2000, 1-сон. 51-54-бетлар.
26. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. –Т: «Ўқитувчи», 1995.
27. Мамадалиева М.А. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти. –Т., НДА., 1998.
28. Мамажонов А. Текст лингвистикаси.-Т., ТДПИ., 1999.
29. Мамажонов А., Маҳмудов У. Услубий воситалар. – Фарғона, 1996.
30. Мамазияев О.Х. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация. –Фарғона, НДА., 2004.
31. Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // «ЎТА»., 1987, №4. 34-36-бетлар.
32. Маҳмудов Н. Ҳар бир сўз берсин садо // «ЎТА»., 1987, 13 февраль, №7.

33. Маҳмудов Н. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // «ЎТА»., 1985, №6. 48-51-бетлар.
34. Мелиев С. Контекстда сўз динамикаси // «ЎТА»., 1983, №4. 50-54-бетлар.
35. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг метафорадан фойдаланиш маҳорати // «ЎТА»., 2002, №6. 68-69-бетлар.
36. Омонтурдиев А.Ж. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. –Т:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – 128 б.
37. Омонтурдиев Ж., Омонтурдиев А. Сўз қўллаш санъати. – Термиз: «Жайхун», 1994. – 60 б.
38. Раҳимов З. «Кўхна дунё» романи поэтикаси. – Фарғона, 2005.
39. Рихсиева Г. Нисбат шаклларининг лингвопоэтик тадқиқига доир. // «ЎТА»., 2004, №2, 73-75-б.
40. Сайдидов Ё.С. Фитрат бадий асарлари лексикаси, – Т., НДА, 2001. – 24 б.
41. Сайдхонов М. Диалогик нутқнинг коммуникатив таҳлили. // «ЎТА»., 2004, №2, 70-73-б.
42. Самадов Қ. Ўзбек тили услубияти (бадий услуб). – Т: «Ўқитувчи», 1991. – 56 б.
43. Сапарниязова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари. – Т., НДА., 2005.
44. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Т, 2004. – 128 б.
45. Содиқова Ш. Аффиксоидлар ёрдамида хурмат маъносининг ифодаланиши.//«ЎТА».,2004, №2,77-80-б.
46. Солижонов Й. Диалог ва унинг бадий асардаги ўрни // «ЎТА»., 2002, №4. 7-11-бетлар.
47. Солижонов Й., Мўминов С. Бадий асарларда исмнинг айрим функциялари // «ЎТА»., 1984, №2. 44-49-бетлар.
48. Умрзоқова Н. Усмон Носирнинг сўз қўллаш маҳорати // «ЎТА»., 2002, №4. 41-43-бетлар.
49. Умирқулов Б.Поэтик нутқ лексикаси.–Т:«Фан», 1990.
50. Худойбердиев Ж. Сўз – ўзга маъни ўзгадур.–Т., 1997.

51. Хўжамқулов У. Миртемир шеъриятида сўзнинг эстетик таъсир имкониятлари.//«ЎТА».,2004, №2. 60-61-б.
52. Чориева З. «Ўткан кунлар»даги мактубларда тасвирий воситалар. // «ЎТА»., 2005, №5. 84-85-бетлар
53. Шамсиддинов X. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. –Т., ДД., 1999.
54. Шукров Р.М. Параллел синтактик бутунликлар. – Фарғона, НДА., 2004.
55. Шукров Р.М. Синтактик параллелизмнинг услубий вазифалари. // «ЎТА»., 2004, №2, 73-75-бетлар.
56. Шодиев Н. Руҳият рассоми. –Т: «Фан».
57. Шомақсудов А., Расулов И., Кўнғуров Р, Рустамов X. Ўзбек тили стилистикаси.Т:«Ўқитувчи», 1983,–246 б.
58. Ўринбоев Б., Кўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадий текстнинг лингвистик таҳлили.-Т:«Ўқитувчи»,1990. –219 б.
59. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Т: «Ўқитувчи», 1992.
60. Қиличов Э. Матннинг лингвистик таҳлили. –Бухоро, 2000.
61. Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини, – Т., НДА., 2000. – 23 б.
62. Кўнғиров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. –Т: «Ўқитувчи», 1992.
63. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т: «ЎМЭ»., 2002.
64. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатини биласизми? – Т: «Шарқ», 1999.
65. Ҳакимова. М. К. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. –Фарғона, НДА., 2004.
66. Wellek Rene. Edebiyat teorisi. -Izmir, Akademi kitabevi, 1993.
67. <http://www.ege.edebiyat.org>. R.Filizok. Metin tipleri.
68. <http://www.edunet.tn>.Anne-Marie Albisson. Бадий матн анализи.

## Мундарижа

|  |     |
|--|-----|
| Бадиий асар тилини ўрганиш муаммолари.....           | 3   |
| Матн.....  | 11  |
| Матн типлари.....                                    | 15  |
| Минимал матн.....                                    | 15  |
| Максимал матн.....                                   | 18  |
| Ифода мақсадига кўра матн типлари.....               | 22  |
| Ҳикоя мазмунли матнлар.....                          | 23  |
| Тасвирий матнлар.....                                | 25  |
| Изоҳ мазмунли матнлар.....                           | 28  |
| Дидактик матнлар.....                                | 28  |
| Хабар мазмунли матнлар.....                          | 30  |
| Буйруқ мазмунли матнлар.....                         | 31  |
| Ҳиссий ифода мазмунли матнлар.....                   | 32  |
| Бадиий матн қисмларини боғловчи воситалар.....       | 34  |
| Кесимлик шакллари ёрдамида бирикиш.....              | 36  |
| Олмошлар ёрдамида бирикиш.....                       | 36  |
| Такрорлар ёрдамида бирикиш.....                      | 37  |
| Хиазматик усулда бирикиш.....                        | 39  |
| Замон ва макон ифодаловчи бирликлар ёрдамида бирикиш | 39  |
| Парцелятли тузилмалар ёрдамида бирикиш.....          | 40  |
| Номинатив ва информатив гаплар ёрдамида бирикиш..... | 41  |
| Мурожаат бирликлари ёрдамида бирикиш.....            | 42  |
| Бадиий матн.....                                     | 44  |
| Бадиий нутқ услуби.....                              | 45  |
| Бадиий матннинг фонетик-фонологик хусусиятлари.....  | 53  |
| Бадиий матннинг лексик-семантик хусусиятлари.....    | 63  |
| Бадиий матннинг морфологик хусусиятлари.....         | 82  |
| Бадиий матннинг синтактик хусусиятлари.....          | 85  |
| Кўчимлар.....  | 96  |
| Бадиий матнни таҳлил қилиш методологияси.....        | 105 |
| Таҳлил типлари.....                                  | 114 |
| Тематик ва комплекс таҳлил.....                      | 115 |
| Таҳлилда нималарга эътибор бериш керак?.....         | 117 |

|                                       |     |
|---------------------------------------|-----|
| Ихчам луғат.....                      | 122 |
| Таҳлил учун матнлар.....              | 128 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 149 |